

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



**«ЖАҲОН ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА МОЛИЯВИЙ
ҲАВФСИЗЛИК»**

**Фани бўйча олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари
учун ўқув қўлланма**

Тошкент-2010

«ЖАҲОН ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲАВФСИЗЛИК»

фанидан ўқув қўлланма

Муаллифлар: и.ф.н., доц. Нуритдинов С.З., и.ф.н. Адилов Ф.Т.

ЎР ОЎМТВ Ўқув-услугий бошқарма томонидан рўйхатга олинди

№_____ “__” _____2010 й.

«Тошкент молия институти Ректорининг» 2010 йил “__” _____ “__”
сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Олий таълимнинг: 5А341607 – “Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар”; 5А341602 – “Кўчмас мулк бозори, баҳолаш ва риелторлик иши”; 5А341603 – “Банкларнинг молия бозорлардаги операциялари” магистратура тутахассисликлари учун

Мундарижа

Кириш

I Боб. Жаҳон глобаллашуви асослари

- 1.1. Глобаллашувнинг мазмуни, вазифалари, йўналишлари ва жараёнлари.
- 1.2. Глобаллашув жараёнларини ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
- 1.3. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари.

II Боб. Иқтисодий глобаллашув

- 2.1. Иқтисодий глобаллашувнинг йўналишлари ва халқаро талаблари.
- 2.2. Глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатлар.
- 2.3. Глобаллашув ва миллий иқтисодий хавсизликнинг боғлиқлиги.

III Боб. Молиявий глобаллашув

- 3.1. Молиявий глобаллашув мақсади ва вазифалари.
- 3.2. Молиявий глобаллашувнинг замонавий тенденциялари.
- 3.3. Молиявий глобаллашувнинг истикболлари.

IV Боб. Глобаллашган молия бозори

- 4.1. Глобаллашган молия бозорининг хусусиятлари ва инфратузилмаси.
- 4.2. Молиявий глобаллашувда валюта–кредит операциялари.
- 4.3. Молиявий глобаллашув шароитларида қимматли қоғозлар бозори.

V Боб. Ўзбекистон ва глобаллашув жараёнлари

- 5.1. Ўзбекистоннинг жаҳон глобаллашув шароитидаги сиёсати.
- 5.2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалигига интеграцияси хусусиятлари.
- 5.3. Ўзбекистонни Халқаро ташкилотлар билан муносабатлари.

VI Боб. Молиявий хавсизлик масалалари

- 6.1. Молиявий хавсизликнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.
- 6.2. Иқтисодиётни стратегик ривожланишида молиявий хавсизликни таъминлашни хусусиятлари.

VII Боб. Молиявий хавсизлик индикаторлари

- 7.1. Макромолиявий индикаторлар.
- 7.2. Иқтисодиётдаги жамғармалар ва инвестициялар нисбатини ифодаловчи индикаторлар.
- 7.3. Банк, молия бозор, нарх-наво, инвестиция, суғурта ташкилотларининг индикаторлари.

VIII Боб. Давлат ва иқтисодиёт субъектларининг молиявий хавсизлиги

- 8.1. Давлатнинг молия ташкилотларининг молиявий ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари
- 8.2. Давлатнинг номолия ташкилотларининг молиявий ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари

IX Боб. Молиявий хавсизликка даҳл солувчи ҳуружлар

- 9.1. Молиявий ҳавфсизликка даҳл солувчи ташқи ҳуружлар
- 9.2. Молиявий ҳавфсизликка даҳл солувчи ички ҳуружлар

Х Боб. Ўзбекистоннинг молиявий хавсизлиги масалалари

10.1. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий стратегик ривожланиши модели – давлатнинг молиявий хавсизлигини таъминловчи механизм.

10.2. Ўзбекистоннинг иқтисодиётнинг ташқи хуружлар шароитидаги ривожланиш тажрибаси.

I - Боб. Жаҳон глобаллашуви асослари

1.1. Глобаллашувнинг мазмуни, вазифалари, йўналишлари ва жараёнлари.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўз сиёсат ва тараққиёт йўлимизни белгилаб олиш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан эди. Чунки биз эндигина “қарамликдан озодлик сари” юз тутган ва ҳали ўз тараққиёт йўлимизни белгилаб олмаган эдик. Худди шу вазифани амалга ошириш чегарамиздан ташқарига назар ташлашни тақозо этарди. Бошқа хорижий давлатлар қанақа йўлда кетмоқда, қанақа ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий фаолият юритмоқда, қандай бозор муносабатларини танламоқдалар ва шу каби бир қанча долзарб саволларга жавоб топиш юритилажак иқтисодий ислохотларимизнинг пойдеворини ташкил этишда асос бўлишини исбот қилди. Шу мақсадда, жаҳон мамлакатларининг иқтисодиёти, халқаро турдаги иқтисодий фаолиятлар ва жараёнлар ҳамда глобаллашув ўрганиб чиқиладиган бошланди.

Ҳозирги илмий адабиётда глобаллашув мураккаб, жаҳон ҳамжамияти ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олувчи жараён сифатида баҳоланади.

Бу жараённинг энг муҳим қисми бўлган иқтисодий глобаллашув коммунизмнинг таназзули ва капиталнинг ҳаракати йўлидаги тўсиқларни йўқ қилиш билан боғлиқ миллий иқтисодиётларнинг ягона умумжаҳон тизимига қўшилиши сифатида таърифланади.

Афтидан, бу бутун жаҳон иқтисодиётининг аввалги ривожланиши билан тайёрланган қўшилишнинг тартибга солувчи белгиси "энг кучлиларнинг яшаб қолиши" принципи ҳисобланади.

Глобаллашув тушунчасини ёритишда, аввало, глобал деган сўзнинг маъносини билиб олмоқ лозим. Энциклопедиядаги таърифга кўра **глобал**¹ (франц. global – умумий, лат. globus – шар) – 1) бутун Ер шарини қамраб

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Гидрофелия Зебра. 3-том. Тошкент - 2002. Ўзбекистон миллий энциклопедияси - Давлат илмий нашриёти. 39-б.

олувчи; 2) ҳар томонлама, тўлиқ, ялпи, универсал деган маъноларни англатади. Демак, глобаллашув (глобализация) икки маънода англашилар экан: а) бутун ер планетасига ёйилиш, қамраб олиш жараёни; б) ҳар томонлама, тўлиқ.

Глобаллашувнинг давлат ривожланишига таъсири ҳам бир хил эмас, бир томондан, глобаллашув "унинг суверенитетини камайтирди" ва "унинг ресурсларини чеклайди", бошқа томондан — жаҳон майдонида рақобатнинг ҳамда дунёнинг назоратсизлиги ва бошқариб бўлмаслигидан келиб чиқаётган таҳдидларнинг кучайиши шароитида миллий давлатларнинг роли ошиб бормокда. - Бу тамойилни Ф. Фукуяма сезган эди. У, давлатнинг муқаррар равишда барҳам топиши ҳақидаги урфб ўлган мулоҳазаларга қарама-қарши равишда, давлат қурилишининг аҳамияти кучайиб бораётганлигига эътибор қаратиб, замондошлари бўлган назариётчиларнинг хатосини "давлатнинг барҳам топишига қараганда лоақал муҳимликда қолишмайдиган давлат қурилишига худди шундай эътибор қаратилмаганлигида кўрди.

Ҳозирги вақтда глобаллашув умумий мазмунининг кенг тарқалган талқинини юз бераётган жараёнлар хўжалик, сиёсий ва маданий ҳаётнинг байналмилаллашуви (мустакил ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги мудосабатлар устун бўлган) давридан (инсоният умумийлигининг ўз қонуниятлари, ҳаракатлантирувчи кучлари ва тартибга солувчи механизмлари мавжуд бўлган янги системали даражаси шаклланаётган) глобаллашувга ўтишдан иборат узок муддатли жараённинг бир қисми сифатида қараш ташкил қилади.

Глобаллашув кенг қамровли ва миқёси катта бўлиши билан ажралиб туради. Агар ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви иқтисодий ҳодиса бўлса, глобаллашув ижтимоий-иқтисодий ва маданий-ғоявий ҳодисадир. Аммо унинг асосида иқтисодиётнинг умумбашарий бўлиши ётади. Иқтисодиёт ижтимоий ҳаётнинг етакчи бўғини сифатида ҳар доим ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Шу сабабли иқтисодиётдаги глобаллашув бошқа соҳаларга ҳам тарқалади. Аслида глобаллашув негизида халқаро меҳнат тақсимооти ётади,

унинг чуқурлашуви глобаллашув доирасини кенгайтиради.

Глобаллашув бир текис кечадиган ҳодиса эмас, балки жуда зиддиятли, нотекис, ўзининг амалга ошиш ва ифодаланиш шакли, усул ва механизмларини доимий равишда ўзгартириб турувчи жараёндир. Глобаллашувнинг нотекислиги уни ижтимоий ва ҳўжалик тизимларининг бирлашиш жараёни сифатида ҳам, уларнинг ажралиб кетиши (бу эса айрим мамлакатларнинг иқтисодий хавфсизлиги нуқтаи назаридан айниқса муаммолидир) сифатида ҳам қарайдиган нуқтаи назарни келтириб чиқаради.

Дунёда юз бераётган ва охирги ўн йилликларда кучайиб бораётган яна бир муҳим жараён - умумий глобаллашув жараёни. В. Кузнецов" глобаллашувнинг моҳиятини тадқиқ этиб, сўз бир қанча муҳим жараёнлар, яъни тизимнинг ривожланиши, миллий давлат функцияларининг ўзгариши, трансмиллий нодавлат тузилмаларнинг фаоллашуви ҳақида бораётганлигини таъкидлайди.

Глобаллашув объектив ва узлуксиз жараён бўлиб, уёки бу даражада барча давлатларни қамраб олади. Глобаллашув жараёнларини иқтисодий, умумгуманитар, экологик, информацион ва бошқа жараёнларга ажратиш мумкин.

Хорижлик етакчи сиёсатшунослардан бири глобаллашув ҳақида шундай деб ёзади:

- 1) глобаллашув - кўп асрлар давомида ривожланаётган тарихий жараён;
- 2) глобаллашув -дунёнинг уйғунлашуви, бир хил одатлар, умумий принциплар бўйича яшаш. Умумий қадриятларга асосланиш, бир хил анъаналарга ва ахлоқ нормаларига бўйсунуш, қоидаларни бирхиллаштиришга интилиш;
- 3) глобаллашув - ўзаро боғлиқликни тан олиш бўлиб, бунинг оқибатида миллий давлатчилик, давлат суверенитети, миллий суверенитетига трансмиллий бошқарув тузилмаларининг босими остида путур етади

Аммо биз охирги фикрга қўшила олмаймиз. Ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши миллий хусусиятлари, ушбу мамлакатнинг ўзига хос белгилари бўлган энг муҳим омилларнинг сақланиб қолиши билан мақбул

уйғунлигини топиши, жахон яхлитлигининг таркибий қисми бўлиши, шу билан бирга, унинг муҳим ва алоҳида қисми бўлиб қолиши керак. Давлат стратегияси интеграция функцияларини ка-майтирмаган ҳолда, айна вақтда миллий давлатчилик, миллий суверенитетни химоя қилишга хизмат қилиши керак.

Глобаллашув жараёни мамлакатларнинг иқтисодий ҳолатига кўра ўрни белгиланиб олинишини тақозо этади. Чунки, давлатларнинг иқтисодий ҳолати бевосита глобаллашув жараённинг объекти ҳисобланади. Халқаро Валюта Фонди томонидан давлатлар иқтисодий таснифланган Шунга кўра биз мамлакатларнинг иқтисодий ҳолати ва ўрни глобаллашув жараёнда қай даражада эканлигини билиб олишимиз мумкин.

А.Т.Керни индекси кенг кўламдаги индикаторлар билан бирга қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланади: Сервер ва интернетдан фойдаланувчилар; Халқаро ташкилотларга аъзолик; Халқаро саёҳат; Халқаро телефон сўзлашув ва бошқа анъанавий иқтисодий кўрсаткичлар. Бу йилги кўрсаткичлар асосида қуйидагилар жаҳоннинг глобаллашган давлатлари ўрнини эгаллади²

1. Ирландия 2.Швейцария 3.Сингапур 4.Нидерландия 5.Швеция
6.Финландия 7. Канада 8.Дания 8.Австрия 9.Англия 10.Норвегия 11.АҚШ
12.Франция 14.Германия 15.Португалия 16.Чехия Республикаси 17.Испания
18.Израиль 19.Янги 20.Зерландия 21.Малайзия ва х.к.

Глобаллашув иқтисодий алоқаларни ташқарига чиқариб, уларни кўп қиррали қилади. Хўжалик тузилмаларининг мураккаблашуви ҳамда рақобат, фан, техника ва информатика ривожини туфайли юз бераётган жадаллик (динамизм) бозор субъектларидан турли-туман вазифаларни тез ва аниқ ҳал этишни талаб этмоқда. Ана шу асосда хилмахил хизматлар - юридик, техник, аудиторлик, реклама каби хизматларни кўрсатиш соҳалари жадал кўпаймоқда. Хўжалик ҳужайралари тез ўзгарувчан шароитда йўл топишни енгиллаштирувчи ва кўплаб турдаги хавфлардан суғурта қилувчи турлитуман хизматлар мажмуига қўшилишга мажбурдирлар.

² “Внешняя политика” журналы

1.2. Глобаллашув жараёнларини ривожланишига таъсир этувчи омиллар.

Сўнгги ўн йилликларда жаҳон хўжалиги майдонида янги қудратли, таъсирчан кучлар пайдо бўлди ва қарор топди. XX асрнинг ўрталаригача халқаро иқтисодий муносабатларнинг субъектларини давлатлар ҳамда уларнинг тасарруфидаги тадбиркорлар ташкил қиларди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон хўжалигида янги система ташкил қилувчи бирликлар - трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва жаҳон молиявий марказлари (ЖММ) пайдо бўлиб, тез ривожлана бошлади. Уларнинг пайдо бўлиш илдизлари ташқи савдо ва хорижий инвестицияларнинг узоқ тарихига бориб тақалади. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб айнан энг кучли компаниялар ва банкларга давлат назоратидан чиқиш ва катта мустақилликка эга бўлиш имконини берган либераллаштириш сиёсати уларнинг шаклланишида муҳим омил бўлди.

Иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида назорат шакллари ва усуллари жадал ўзгармоқда, янги ташкилий бошқарув тузилмалари жорий этилмоқда, алоҳида корхоналарни бирлаштиришнинг янги усулларидан фойдаланилмоқда. Йирик корхоналарни майдалаштириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш ва ижронинг назоратини бошқариш бўғинларига бериш борган сари кўпроқ аҳамиятга эга бўлмоқда. Иерархик марказлашув кўпроқ горизонтал алоқалар билан алмашмоқда, ягона ишлаб чиқариш занжирининг айрим бўғинлари мустақил ихтисослашган ҳужайралар - субпудратчиларга топширилмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг кўплаб секторларида капитал ҳажмининг ошиб бориши ҳатто энг йирик ТМКларни стратегик альянслар, уюшмалар тузишга ва ҳар хил шаклларда умумий фаолият юритишга ундамоқда. У ёки бу соҳаларда борган сари кўпроқ соф бозор муносабатлари эмас, балки ўзига хос ҳамкорлик, махсулотни ишлаб чиқариш давомида уни доимий равишда биргаликда такомиллаштириш (тобига етказиш) муносабатлари, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш юзага келмоқда. Рақобат ва ҳамкорлик қўшилиб кетиши (уйғунлиги)нинг, жумладан, жадал ривожланаётган юридик асосга таянувчи узоқ муддатли ва барқарор ҳамкорликнинг кўплаб янги

шакллари пайдо бўлмоқда. Бозор механизми кўп ҳолларда контракт-бозор муносабатларига алмаштирилмоқда.

Жаҳон молиявий марказлари ҳамма ерда такрор ишлаб чиқариш жараёнидан (капитал айланишидан) энг умумий ва ҳаракатчан элементни - пулни ўз қўлларидаги улкан иқтисодий қудратга айлантирмоқдалар. Уларга метатехнологияларнинг қисқа муддатда жуда катта маблағларни ер қиррасининг исталган нуқтасига ўтказиш имконини беради. ЖММ халқаро майдонга чиқиб олган йирик банклар ва молиявий институтлардангина иборат эмас. Уларнинг ажралмас таркибий қисмини валюталар, фондлар ва бошқа товарлар билан муомала қилувчи ҳамда борган сари бирхиллашиб бораётган қоидалар асосида, келишган ҳолда ҳаракат қилувчи биржалар ташкил қилади.

Халқаро молиявий марказлар атрофида ҳукукий, аудиторлик, иқтисодий-техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи кўплаб фирмалар жамланади. Тегишли равишда ушбу марказларда улкан таҳлилий салоҳият тўпланади. У бой маълумотларга эга бўлган ҳолда нафақат мижозларга хилмахил маслаҳатлар бериш ва хизматлар кўрсатишга имкон беради, балки ўзининг мустақил сиёсатини юритишда қўшимча қудратнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади. Юзага келаётган глобал молиявий тизимнинг ажралмас қисми (атрибути)ни давлатнинг қонунларидан қочишга имкон берувчи кўплаб офшор ва бошқа имтиёзли зоналар ташкил қилади. Натижада давлатлар иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг кўплаб воситаларини йўқотадилар.

Жаҳон молиявий марказлари хўжалик фаолиятининг янги мезонларини ўрнатадилар, унинг мотивларини ва устувор йўналишларини белгилайдилар. Молиявий бозорларнинг либераллашуви рақобатга халқаро тус беради. Халқаро операцияларнинг ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Америкадаги транснационал корпорациялар филиалларининг экспортдаги улуши улар сотув ҳажмининг ярмидан ошиб кетди. Европа фонд бозорларида листингдан ўтган компанияларнинг кўпчилигк фойданинг ярмини хориждаги фаолиятидан олади. АҚШда акциялари Нью-Йорк фонд биржасида ҳисобга олинадиган

Америка корпорациялари хорижий фаолиятдан келадиган фойданинг улуши ўртача 25-30 % ни ташкил қилади.

Жаҳон молиявий бозори борган сари кўпроқ икки даражали тизим тусини олмакда. Юқори (давлатдан юқори турувчи ёки глобал) даража фаолияти глобал хусусиятга эга бўлиб, у халқаро корпорацияларнинг қимматли қоғозлари муомаласида намоён бўлади. Қуйи даражада миллий компанияларнинг қимматбаҳо қоғозлари муомала қилади. Уларнинг муомаласи локал молиявий бозорларнинг инфратузилмаси билан таъминланади. Ушбу икки даража ўртасидаги чегаралар борган сари йўқ бўлиб бормокда.

Евронинг муомалага киритилиши муносабати билан Европа фонд бозорларида юз бераётган ўзгаришларни бўлғуси молиявий бозорнинг шаклланиётган глобал модели сифатида қараш мумкин. Миллий фонд бозорларининг жипслашуви (консолидацияси) ва бирлашуви (интеграцияси) халқаро операциялар ролини ошириб юборади, бу билан молия капиталининг жаҳон узра тақсимланишига эришилади. Бироқ молиявий маблағларнинг борган сари кўпроқ қисми анъанавий ишлаб чиқаришга эмас, балки соф спекулятив операцияларга йўналтирилмокда. Улар ортида эса, юқорида таъкидлаганимиздек, метатехнологияларни яратиш туради.

Умуман олганда, мутахассислар фикрича, давлатнинг валюта-молия соҳасини бошқариш функцияларининг бир қисми давлатдан юқори турувчи халқаро даражага кўчиши юз бермокда. Бундан ташқари, глобаллашув жараёнларининг ривожланиши давлатларни ахборот маконида ўз сиёсатларини борган сари кўпроқ мувофиқлаштиришга ундамокда. Бундай мувофиқлаштириш ҳозирги давлатнинг ташқи сиёсий мавқеини сусайтирмаган ҳолда давлат ҳокимияти институтининг халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатини кучайтиришни талаб этмокда.

1.3. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари.

Қуйида биз глобаллашувнинг ижобий ва салбий оқибатларини кўриб чиқамиз (1.1 - жадвал)

Глобаллашув эффе́ктлари

Салбий ҳолатлар	Ижобий эффе́ктлар
1. Молия бозорини тартиблаштиришга оид қонунларни мослаштириш билан боғлиқ қисқа муддатли ҳаражатлар. 2. Маҳаллий инвесторларнинг ишон-чини қозониш билан боғлиқ қийинчиликлар. 3. Молия бозори қатнашчиларини мослашуви билан боғлиқ қийинчиликлар. 4. Эмитентларнинг ўз акциялари курси ва ликвидлилигини фонд бозорида таъминлаш бўйича қўшимча ҳаракатлар ва ҳаражатлар. 5. Маҳаллий профессионал институтларнинг рақобатбардошлиликни ушлаб туришлари бўйича қўшимча ҳаракат ва ҳаражатлар. 6. Тартиблаштирувчи институтларнинг бозорни барқарорлаштириш бўйича қўшимча назорат ҳаракатлари ва ҳаражатлари. 7. Молиявий глобаллашувнинг салбий тарафларини таъсири: - ривожланган ва МШЕ мамлакатлари ўртасида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича номутоно-	1. Молия бозори бўйича такомиллаш-ган глобаллашув талабларига жавоб берувчи қонунлар. 2. Инвесторларнинг умумевропа молия бозори миқёсида ҳимояланганлиги. 3. Ҳорижий инвесторларга нисбатан регулятив тўсиқларни камайиши. 4. Компанияларда менежментни, молиявий ҳолатни ва корпоратив бошқарувни яхшиланиши. 5. Молия институтларининг малакаси даражасини ошиши. 6. Молия бозорини барқарорлашувви. 7. Молиявий глобаллашувнинг ижобий тарафларига эга бўлиш, хусусан: - молия ва бошқа соҳаларда инновацияларни ривожланиши;

сибликлар; - МШЕ мамлакатлари ичида аҳолининг турли катламлари орасида даромадлар дифференциациясини кучайиши; - молия бозорини эгилувчан мослашувини ортиши ва капитални ташқарига чиқиб кетиши рискин ортиши; - ташқи омилларга таъсирчан бўлиш.	- халқаро бозорларга осон чиқиш ва улар орқали ташқи инвестицияларни жалб қилиш; - МШЕ мамлакатлари интеграциялашуви, умумевропа молия, инфор-мацион ва ҳ.к. тизимларга кириш. - молиявий ресурслар ҳажмини ортиши, компаниялар бизнеси сал-моғини кескин кўтарилиши.
---	---

Юқоридагилардан куриш мумкинки, молиявий глобаллашув жараёни жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, унинг таъсиридан ҳеч бир дунё мамлакати ва молиявий тизим четда бўла олмайди. Фақатгина унинг таъсири даражасида фарқланишлар бўлиши мумкин.

Глобаллашув ва хавфсизлик муаммосини ёритишда глобаллашувнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил этган ҳолда антиглобализмга ҳам қисқача тўхталсак.

"Антиглобализм" - минтақавий ва глобал ижтимоий-иқтисодий ва маданий интеграция, ҳамкорликка қарши эътироз (протест)ни англатувчи сиёсатшуносликка оид термин.

Антиглобализмни давлатлараро, минтақалараро ва глобал иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий иттифоқлар ташкил қилинишини истамайдиган муайян кучлар қўллаб-қувватлайдилар.

Аслида, антиглобализм - социализм, консерватизм, либерализм кабилар сингари муайян ижтимоий ҳаракат.

Антиглобалистлар иш ҳақи кам бўлган ривожланаётган мамлакатлар томонидан рақобатнинг кучайиши бой мамлакатларда иш ўринларининг камайишига олиб келади, дейдилар. Улар "пастга қараб пойга" бўлишини,

яъни бу мамлакатлар рақобатбардош бўлиш учун иш хақи, солиқлар, ижтимоий таъминот нафақаларини, атроф мухит назоратини камайтириб боришларини башорат қилмоқдалар. Рақобат босими давлатларга ўз иқтисодий сиёсатини юритиш имконини ҳам камайтиради. Шу боис антиглобалистлар иқтисодий тартибсизлик келтириб чиқариши мумкин бўлган молиявий бозорлар таъсири кучайиб бораётганидан ташвишланмоқдалар. Бунга 1992-1993 йилларда Европадаги валюта инқироzi, шунингдек 1994—1995 йилларда Мексикада ва 1997 йилда Жануби-Шарқий Осиёда бўлган иқтисодий инқирозлар мисол бўла олади.

Хўш, антиглобалистлар айнан нимага қарши курашмоқдалар?

Иқтисодий соҳада:

- дунёда молиявий глобаллашувнинг ўсишига;
- глобал транснационал корпорацияларнинг шаклланишига;
- иқтисодиётнинг минтақавийлашувига;
- конвергенция, яъни яқинлашишга.

Сиёсий соҳада:

- дунёнинг бирхиллашувига, бир хил қоидаларга асосланган ҳаётга, бир хил қадриятларга асосланишга, умумий одатлар ва ахлоқ қоидаларига риоя этишга, ҳамма нарсани универсаллаштиришга уринишларга;

- умумсайёравий миқёсдаги янги субъектлар, яъни глобал фирмалар, минтақавий гуруҳлар, транснационал давлатустида турадиган бошқарув тузилмалари ҳаракатларининг босими остида мшшат, давлат суверенитетининг бузилишига

олиб келадиган ўзаро боғлиқликнинг кучайишига.

Антиглобалистларнинг бутун дунёда эътироф этилган етакчилари бўлиб Маркос (Мексика) ва Жозе Бове (Франция) ҳисобланади. Халқаро антиглобалистик ҳаракатнинг "АТТАК" номли қароргоҳи Францияда жойлашганлиги бежиз эмас. 1998 йилда ташкил топган "АТТАК" антиглобалистик ташкилоти дунёдаги 40 дан ортиқ мамлакатлар антиглобалистларини бирлаштиради. Антиглобалистларнинг жазаваси

халқаро иқтисодий ва молиявий анжуманлар, олий даражадаги учрашувлар арафасида ёки ўтказилаётган кунларда айниқса кучайиб, ўша мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳрфаза қилувчи органлари ходимлари учун кўплаб қийинчиликлар туғдиради.

Мавзу бўйича таянч сузлар:

глобаллашув,	глобаллашув бир текис.
глобаллашувнинг нотекислиги	глобаллашув жараёни,
стратегик альянс,	метатехнологиялар,
молия бозорининг ўзгарувчанлиги	антиглобализм,
консерватизм,	либерализм

Мавзу бўйича саволлар

1. Глобаллашувнинг йўналишлари, жараёнлари
2. Глобаллашув жараёнларини ривожлантирувчи омиллар
3. Жаҳон глобаллашувининг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга таъсири
4. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари
5. Глобаллашувнинг глобалистлар ва анти-глобалистлар ҳаракатлари, уларнинг сиёсатлари
6. Глобаллашувнинг халқаро нормалар ва институтлар
7. Глобаллашувнинг халқаро ва ижтимоий муносабатлар
8. Глобаллашувнинг маданий, илм-фан, спорт, гуманитар ҳаракатлар.

II - Боб. Иқтисодий глобаллашув

2.1. Иқтисодий глобаллашувнинг йўналишлари ва халқаро талаблари

2.2. Глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатлар

2.3. Глобаллашув ва миллий иқтисодий хавсизликнинг боғлиқлиги

Замонавий халқаро молия шаклланадиган ва фаолият юритадиган муҳит ўрганилади. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув ва байналмиллашув жараёнининг мазмуни ва йўналишлари, унинг замонавий босқичи, хусусиятлари ва олдинги даврдан фарқлари аниқланади. Ривожланган мамлакатлардаги энергетика инқироzi билан асосланадиган, ривожланган ва замонавий иқтисодиётни шакллантирган, жаҳон бозори конъюнктураси ва хорижий капитал оқимида очикроқ ва боғлиқроқ бўлган тизимли-таркибий ўзгаришлар кўриб чиқилади. Жаҳон ишлаб чиқариши, транспорт ва коммуникациялардаги ФТТ ва ахборот инқилоби билан изоҳланадиган, миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлик янги даражасига, товарлар, хизматлар, технологиялар бозорларининг очиклигига, халқаро капитал миграциясининг кенгайиши ва молия бозорлари интеграциясига олиб келадиган асосий таркибий ўзгаришлар таҳлил қилинади.

Жадвал 1.2.

Глобаллашувнинг 2003 йили халқаро ташкилотлар қабул қилинган 20-та тавсияси

№	Тавсия турлари
	<i>Ўзаро мос операциялар глобал тармоғини тузиш.</i>
1.	Автоматлаштирилган коммуникацияларни жорий қилиш асосида қоғозли ҳужжатлар алмашинувини йўқ қилиш.
2.	Маълумотлар стандартлари ва протоколларини гармонизациялаштириш.
3.	Информацияни очиб беришнинг тавсия этилаётган стандартларини ишлаш чиқиш ва жорий қилиш.
4.	Турли ҳисоб-китоб депозитар тизимлар ва улар билан боғлиқ тўлов ва дилинг тизимлари ўртасидаги вақт оралиқларини синхронлаштириш.
5.	Институционал инвесторлар битишувлари бўйича солиштириб текширишни автоматлаштириш ва стандартлаштириш.
6.	Марказий ҳисоб-китоблар ташкилотларидан фойдаланишни кенгайтириш.

7.	Ҳисоб-китобларни тезлаштириш учун қимматли қоғозлар бўйича қарз ва гаровга беришни руҳсат этиш.
8.	Активлар бўйича хизмат кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш ва стандартлаштириш. Бу ўз ичига қуйидагиларни олади: корпоративные ҳаракатлар, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, норезидентлар томонидан қимматли қоғозларга эгалик қилишни чеклаш.
	<i>Рискларни юмшатиш.</i>
9.	Клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш.
10.	Ҳисоб-китоб ва депозитар ташкилотлар мижозларининг рискларини бошқарилишини кучайтириш.
11.	Активларни бир вақтнинг ўзида ва натижавий кўчиришни ҳамда уларга осон эга бўлишни таъминлаш.
12.	Форс-мажор ҳолатларда фаолиятни самарали режалаштириш ва амалга оширилишини таъминлаш.
13.	Тизимли аҳамиятга эга бўлган ташкилотларда мумкин бўлган носозликларни мавжуд эканлигига эътибор бериш лозим.
14.	Контрактларни мажбурий бажариш эҳтимолини баҳолашни кучайтириш.
15.	Қимматли қоғозларга бевосита (тўғри) ва билвосита эгалик бўйича қонуний аниқликни ошириш.
16.	Натижавий неттинг тартибини ва битишувни ниҳоясига етказмаслик чоғида вужудга келувчи зарарни баҳолашнинг ривожланган тизимини тан олиш ва қўллаб-қувватлаш.
	<i>Бошқарилиш даражасини ошириш</i>
17.	Клиринг ва депозитарий ташкилотлари раҳбарлари томонидан тегишли малака ва тажрибага эга бўлган шахсларни тайинланилишини таъминлаш.
18.	Клиринг ва ҳисоб-китоб тармоқларига эркин киришни таъминлаш.
19.	Ҳисоб-китоб ва депозитар ташкилотлар муассислари манфаатларига нисбатан мажбурий ва самарали диққат-эътиборни таъминлаш.
20.	Ҳисоб-китоб ва депозитар операцияларни амалга оширувчи ташкилотларни мунтазам мувофиқлаштириш ва назорат қилинилишини рағбатлантириш.

Глобаллашув жараёни жаҳон умумий иқтисодий маконини шакллантиришга йўналтирилган. Унинг ривожланиши очик миллий иқтисодиётлар, товар ва хизматлар эркин глобал бозорлари, молия ва ишлаб

чиқариш омиллари асосида интеграцияланган жаҳон хўжалигини яратишга олиб келади. Глобаллашув жараёнининг институционал тизимини ташкил қилувчи асосий субъектлар бўлиб миллий давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, трансмиллий корпорация ва банклар, халқаро молия бозорлари намоён бўлади. Қонун чиқариш ва ижроия ҳокимлиги ва ваколатлари билан таъминланган, пул ресурсларига эга иқтисодий бошқариш ва тартибга солиш тизими сифатида миллий хўжаликларнинг ривожланиши ва мустақамланишида катта роль ўйнади ва ўйнамоқда ҳам.

Давлат трансмиллий компаниялар (ТМК) пайдо бўлиши ва ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнади ва уларнинг рақобатбардошлик даражасини оширишга кўмаклашди. Ўз навбатида, ТМК ва ТМБ ўзининг чет элдаги фаолиятини кенгайтирган ва диверсификациялаган ҳолда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёнига асос солди. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар халқаро валюта тизими, аъзо мамлакатларни ривожлантириш ва молия тақчиллигини халқаро кредитлаш тизимини яратди, улар халқаро савдонинг эркинлашуви ва интеграция жараёнларининг ривожланишига хизмат қилди. Халқаро пул ва молия бозорлари жаҳон молия ресурсларини тўплайди ва қайта тақсимлайди.

2.2. Глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатлар

Глобаллашув жараёни вужудга келишининг негизи Иккинчи жаҳон уруши даври ва урушдан кейинги биринчи ўн йилликларда яратилган. АҚШ ташаббуси билан 1940-йилларда тартибга солиш халқаро институционал тизими яратилди: халқаро валюта ва ҳисоб-китоб муносабатларини барқарорлаштириш учун Халқаро валюта фонди (ХВФ), ривожланишни молиялаштириш учун Халқаро ривожланиш ва қайта таъмирлаш банки (МБРР), халқаро савдода эркинлаштириш ва нодискриминация ҳақида савдо ва тарифлар бўйича Бош битим (ГАТТ) имзоланди. Кейинчалик МБРР таркибида Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) ва Инвестицияларни кафолатлаш бўйича

халқаро агентлик (МАГИ) гуруҳи ташкил қилиниб, Осиё (ОРБ), Африка (АфРБ), Латин Америкаси (МАБР) ва Европа (ЕБРР) минтақавий ривожланиш банклари билан тўлдирилди.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) жаҳон иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ўз таркибига ихтисослашган муассасалар ва органлар тизимини, жумладан, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС), Европа, Осиё ва Узоқ Шарқ, Африка, Латин Америкаси ва Кариб ҳавзаси учун минтақавий иқтисодий комиссиялар, Ози-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО), Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ Конференцияси (ЮНКТАД), Халқаро меҳнат ташкилоти (МОТ), БМТ Ривожланиш дастурини (ПРООН) киритди.

Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиёти ва уларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини қайта тиклашда Маршалл режаси катта роль ўйнади. Бу режани таъминлаш учун Европа иқтисодий ҳамкорлик Қўмитаси ташкил қилинди ва кейинчалик Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (ИХРТ-ОЭСР) айлантирилди. 1951 йил Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ-ЕОУС) ва 1957 йил Европа иқтисодий ҳамжамиятининг (ЕИХ) ташкил топиши билан аъзо мамлакатларнинг ўзаро алоқа механизми яратилди, товар, капитал, хизматлар ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланиш шароитларида ўларнинг бир-бирига боғлиқлиги чуқурлашди.

ЕИХда бошқарув институционал тизими шаклланган ва минтақавий интеграция жараёни тартибга солинган; амалда минтақавий миқёсда иқтисодиётни глобаллаштириш моделига асос солинган. 1950 йиллардан бошланган фан-техника революцияси ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланиши, миллий хўжаликлар ва жаҳон иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар, халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалик алоқаларини диверсификациялаш асосида жаҳон бозорининг кенгайишини таъминлади.

Глобаллашаётган иқтисодиётнинг шаклланиш жараёни вужудга келиши бевосита халқаро пул ва молия бозорларининг қайта тикланиши ва ривожланиши (1950 йилдан бошлаб); трансмиллий корпорация ва банклар

сонининг ўсиши, 1960-йиллардан бошлаб хорижий фаолиятнинг глобаллашуви, диверсификация ва жадаллашув билан боғлиқ. Глобаллашув жараёнининг шаклланишига ўтган асрнинг 70-йиллари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

1970-йилларда долларни олтинга алмаштириш ва қатъий белгиланган валюта курслари бекор қилинди, халқаро капитал ҳаракатини эркинлаштириш бошланди; халқаро молия бозорларини тўлдириб юборган нефтедоллар кўринишидаги ортиқча ликвидли ресурслар пайдо бўлди. Дастлаб АҚШ, сўнгра бошқа ривожланган мамлакатлар ҳам нафақат товар, балки молия оқимларини ҳам эркинлаштириш йўлини танлади. 1979 йилдан бошлаб Буюк Британия ва АҚШ, сўнгра бошқа ривожланган мамлакатлар бозор маконини кенгайтириш, чуқур таркибий ўзгаришлар асосида янада очиқ иқтисодий шакллантириш, хусусийлаштириш, анъанавий тармоқларни модернизациялаш ва янги ишлаб чиқаришлар ташкил қилиш, хорижий ресурсларни фаол жалб этган ҳолда асосий капитални оммавий янгилашга киришдилар.

Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида нефть экспорт қилувчи бой мамлакатлар ва Жануби-Шарқий Осиёнинг экспортга йўналтирилган саноатлашган мамлакатлари (“Осиё йўлбарслари” — Гонконг, Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея) ажралиб туради. 1980-йиллардаги қарз инқироzi ривожланаётган мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва таркибий-тузилмавий ислохотлар ўтказишни тезлатди, бу маълум маънода халқаро кредиторларнинг таъсири остида амалга оширилмоқда ва иқтисодий таркибий ўзгаришларга асосланмоқда. 1991 йилда собиқ СССР ва Иқтисодий ҳамкорлик иттифоқининг тарқалиб кетиши натижасида бозор иқтисодиётига ўтиш ҳолатида бўлган мамлакатлар пайдо бўлди. Бу мамлакатлар дунё хўжалиги шароитларига мос келадиган очиқ иқтисодий шакллантиришга йўналтирилган таркибий-тузилмавий ислохотларни амалга ошира бошладилар.

1980 йилдан бошлаб жаҳон интеграция жараёни кўтарилишни бошидан

кечирмоқда, унинг марказида турган Европа Ҳамжамияти умумий ички бозор, валюта ва иқтисодий иттифоқ шакллантириш йўнплишини танлаган. Шимолий Америка эркин савдо ҳудудининг ташкил этилиши, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигининг ривожланиши, АҚШ бошчилигида Ғарбий ярим шар эркин иқтисодий ҳудуди лойиҳасининг эълон қилиниши билан интеграция жараёнлари кучли туртки олди. 1990 йилларда ривожланаётган дунёда илгари ташкил қилинган интеграцион бирлашмаларнинг жонланиши, уларга аъзоликнинг кенгайиши, янги иттифоқларнинг вужудга келиши кузатилди.

Интеграциянинг кучайиши кўплаб омиллар билан изоҳланиши мумкин бўлиб, уларнинг энг муҳимлари ижтимоий-иқтисодий структурани қайта қуриш, оммавий хусусийлаштириш, молия инфратузилмасини яратиш, молия бозорларининг вужудга келиши ва ривожланиши, ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш ҳисобланади. Европа Ҳамжамиятига аъзо бўлиб киришга тайёргарлик қўиш доирасида Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидаги таркибий ўзгаришлар ва интеграция жараёнлари жадал суръатларда борди. Собиқ иттифоқ мамлакатлари интеграция йўлида биргаликда ривожланиш учун катта куч сарфламоқдалар.

Илк бор Н.Кондратьев қўллаган ва кейинчалик Й.Шумпетер, К.Фримен ва бошқалар томонидан ривожлантирилган узун тўлқинлар (ёки хўжалик конъюнктурасининг узоқ муддатли цикллари) назариясига кўра 1990 йил жаҳон иқтисодиёти инновацион ривожланишнинг бешинчи тўлқини/циклига кирди. Автомобиль ва синтетик материаллар цикли ҳисобланган бундан олдинги даврдан (1940-1990йй.) фарқли ўлароқ, бошланган цикл тавсифномасини компьютер инқилоби, илмий-тадқиқот тармоқларининг шаклланиши, интернет-технологияларнинг кенг тарқалиши белгилаб беради. Янги узун тўлқин цикл инфратузилмасини ахборот тармоқлари ташкил қилади, унинг арзон универсал ресурси эса микроэлектроника ҳисобланади.

Янги узун циклнинг бошланиши жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув босқичига тўғри келди. Айнан 1990 йилларда глобаллашув

жараёни маълум даражада етукликка эришди, жаҳон иқтисодиёти янги жиҳатларга эга бўлиб, янги механизмларни ўзлаштирди ва ривожланишнинг бундан олдинги давридан фарқ қилувчи сифат жиҳатидан янги босқичига кадам қўйди. Глобаллашиб бораётган жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичи товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари миллий бозорларининг очиқлиги, миллий иқтисодиётларнинг бир-бирига боғлиқлик даражаси юқорилиги, уларнинг айниқса, валюта-молия соҳасида очиқлик ва заифлик даражаси ўсиши билан тавсифланади.

Ўтган асрнинг охириги ўн йиллиги дунё хўжалик алоқаларининг жадал эркинлашуви, кўп карра кенгайиши, халқаро молия бозорларининг глобаллашуви, диверсификацияси ва интеграцияси билан ажралиб туради. Валюта-молия соҳасини эркинлаштириш ва чекка мамлакатларга хусусий капитал оқимининг кенг қўламда бўлиши ривожланаётган ва ўтиш давридаги мамлакатларда шаклланаётган молия бозорининг вужудга келиши (*emerging*) рағбатлантирди.

Глобаллашувга жаҳон хўжаик алоқалари ва ҳамкорлигининг тез ва кенг қўламли ўсиши, товар ва хизматлар халқаро савдосининг кенгайиши ва диверсификацияси, халқаро капиталлар миграциями, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси, халқаро илмий-техник ҳамкорлик ва айирбошлаш, ишчи куи ва юқори малакали мутахассислар миграцияси хос. Уни халқаро иқтисодий алоқаларнинг ўзаро функционал алоқаси, уларнинг миллий иқтисодиётларга ўсиб бораётган таъсири, халқаро институционал ва бозор тартибга солишининг кучайишида давлатнинг иқтисодий мустақиллиги чекланиши ажратиб туради.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувини ҳаракатлантирувчи асосий куч ҳисобланган халқаро молия ва ахборот инқилоби компьютерларнинг кенг тарқалиши ва такомиллашуви, интернет-технологияларнинг тез жорий қилиниши, глобал илмий-тадқиқот тармоқларининг шаклланиши билан тавсифланади. Замонавий иқтисодиётда ташқи иқтисодий соҳанинг ривожланиши, айниқса унинг валюта-молия сегментининг ривожланиши

ЯИМ ва ички ишлаб чиқаришнинг ўсишидан ўзиб кетмоқда. 1982-2000 йиллар давомида жаҳон ЯИМ 3,0 баравар, товар ва хизматлар жаҳон экспорти — 3,3 баравар, ТМК хорижий филиалларининг экспорти — 5,6 баравар; тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини олиб чиқиш — 31 баравар, киритиш — 2,2 баравар, жамғарилган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳажми — 8,8 баравар ўсди.

Глобаллашув бу — халқаро айирбошлашни эркинлаштириш асосида хўжалик ҳаётининг байналмилаллашувини кучайтириш, ривожланган миллий иқтисодиётларнинг очиқлик ва бир-бирига боғлиқлик сифат жиҳатидан янги босқичидир. У ўзидан олдинги даврдан ТМК, ТМБ ва бошқа хўжалик субъектлари, шунингдек, улкан ресурсларга эга бўлган институционал инвесторлар хорижий фаолиятининг кенг миқёсдалиги ва фавқулодда жадаллашуви билан фарқланади. Бу очиқ иқтисодиёт, халқаро молия бозорлари фаолият механизмларини такомиллаштириш шароитларида мумкин бўлди.

Жадвал 1.3.

**Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувидаги 1982,1990, 2000 йиллар
кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	Қиймати (млрд долл.) ²		Ўртача йиллик ўсиш суръати (%да)				
		1982	1990	2000	1986- 1990	1991- 1995	1995- 1999	2000
1	Жаҳон ЯИМ	10612	21475	31895	11,7	6,3	0,7	6,1
2	Жаҳон экспорти	2124	4381	7036	15,4	8,6	1,9	3,9
3	ТТЧЭИ оқими кириши	57	202	1271	23,0	20,8	40,8	18,2
4	ТТЧЭИ оқими чиқиши	37	235	1150	26,2	16,3	37,0	14,3
5	ТТЧЭИ ҳажми	719	1889	6314	16,2	9,3	18,4	21,5
6	Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳажми	568	1717	5976	20,5	10,8	16,4	19,4
7	Трансчегаравий қўшилиш ва ўзига олиш	н/д	151	1144	26,4	23,3	50,0	49,3

8	ТМК хорижий филиаллари ялпи маҳсулоти	565	1420	3167	•16,4	7,2	11,0	16,5
9	Хорижий филиалларнинг активлари	1888	5744	21102	18,2	13,9	15,9	19,8
10	Хорижий филиалларнинг сотувлари	2465	5467	15 680	15,6	10,5	10,4	18,0
11	Хорижий филиалларнинг экспорти	637	1166	3572	13,2	14,0	11,0	17,9

Очиқ иқтисодиёт стратегияси нафақат ривожланган, балки ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун ҳал қилувчи бўлди. Очиқ иқтисодиёт давлат протекционизм сиёсатининг сустлашуви, ички бозорларда рақобатнинг кучайиши, миллий иқтисодиётларнинг ташқи таъсирлар учун очиклиги ва заифлигининг ўсиб боришини англатади. Очиклик тенденцияси иқтисодий интеграциянинг ривожланиши билан кучаяди. Минтақавий интеграция иттифоқлари доирасида товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омилларини ҳаракатлантириш йўлидаги тўсиқларнинг олиб ташланиши, илмий-техник ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг кучайиши асосидаги яқинлашув ва ўзаро алоқа жараёнлари жадал суръатларда ривожланмоқда ва ўз ортидан бошқа мамлакат ва минтақаларни ҳам эргаштирмоқда.

2.3. Глобаллашув ва миллий иқтисодий хавсизликнинг боғликлиги

Замонавий иқтисодиётга хос бўлган жиҳат — миллий иқтисодий структуралар бир-бирига кириб боришининг ўсиши — ташқи савдо квоталарининг ортиши, истеъмолда импортнинг улуши ўсиши, ички инвестицияларда хорижий капитал улушининг ортиши, фан-техника тараққиётида хориж технологиялари ролининг кучайиши билан

тасдиқланади. 2000 йилда жаҳон экспорт квотаси 22%ни ташкил қилди (1982 йил — 19 %); жамғарилган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жаҳон ЯИМнинг 9,8%ига тенг бўди (1982 йил — 6,8 %). Глобаллашув босқичини ажратиб турувчи хусусиятлар ишлаб чиқаришни жадал модернизациялаш, менежмент ва маркетингнинг такомиллашувида ҳам намоён бўлади.

Глобаллашувга миллий қонунчиликларнинг бир хиллашуви, тартибга солиш миллий сиёсатларининг уйғунлашуви, бозор механизмларининг кучайиши ва халқаро ташкилотлар ролининг ўсиши хос. Шу билан бирга миллий давлатнинг роли айрим соҳаларда сусайсада, бошқа йўналишларда кучаяди. Глобаллашувнинг ривожланиши билан давлатнинг функциялари бошқача кўриниш ва миқёсга эга бўлади. Давлат фаолиятининг оғирлик маркази маълум даражада ички ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларидан миллий хўжаликнинг халқаро рақобатбардошлик даражасини оширишга ўтади.

Давлатнинг вазифаси иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш, жумладан, трансмиллий бизнесни халқаро миқёсда тартибга солиш сараларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Миллий рақобатбардошлик даражасини оширувчи соҳаларда, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инфратузилмани молиялаштириш, ижтимоий ислохотлар ва инвестиция сиёсатида давлатнинг роли ортади. Ривожланган мамлакатларда илмий-техник ривожланишнинг устуворликларини белгилаш, йирик давлат дастурларини молиялаштириш, хусусий секторнинг инвестицион фаолияти учун қулай шароитлар яратиш давлатнинг муҳим функциясига айланади.

Хусусий секторнинг илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш учун ривожланган мамлакатларда қуйидаги каби иқтисодий ва бюджет сиёсати чораларидан фойдаланилади:

- илмий тадқиқот ва лойиҳаларга сарфланадиган хусусий сектор харажатларини маҳсулот таннархига киритиш;

- илмий асбоб-ускуналарнинг катта қисмини амортизация тезлашга меъёрлари бўйича ҳисобдан чиқариш;
- йирик корпорацияларда илмий харажатлар ҳажмини доимий ошириш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни янги технологиялар соҳасида инновацион фаолиятга йўналтирилган солиқ имтиёзлари тақдим этиш;
- илмий-техник лойиҳаларни имтиёзли кредитлаш ва йирик лойиҳаларни улуш асосида молиялаштириш, венчур молиялаштириш учун институционал шароитлар яратиш;
- асосан таълим ва кичик бизнес соҳасида инновацион корхоналар ташкил қилиш, шунингдек, минтақаларда илмий инфратузилма яратиш учун давлат мулки ёки ер майдонларини хайрия асосида ёки имтиёзли шартларда тақдим этиш.

Глобаллашув афзалликларидан аввало жаҳон иқтисодиётидаги етакчи мамлакатлар фойдаланди. 1990 йилларда катта миқдорда дунё моддий ва молия ресурсларини жалб этган америка иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши қайд этилди. АҚШда шаклланаётган “янги иқтисодиёт”ни ҳаракатлантирувчи куч инновациялар, информатика, инсон капитали ҳисобланади. Бироқ 2001 йилнинг баҳоридан бошлаб америка иқтисодиётининг ривожланиши пасайди, долларнинг еврога нисбатан курси пасая бошлади. 2003 йилда америка иқтисодиёти ривожланиши натижалари умид уйғотади: ЯИМ ўсиш суръати 2004 йилнинг январь ойида 3,1%ни ташкил этди.

Хорижий капитал оқимининг кириб келиши тарихий максимум нуқтасига етди (92 млрд долл.), 2004 йилнинг баҳорида долларнинг еврога нисбатан курси кўтарилди ва 1999 йилдаги даражага етди.

Европада интеграция жараёни ЕҲ иқтисодий ва валюта иттифоқининг шаклланиши, 12 мамлакатда умумий ЕВРО валютасининг киритилиши ва 10 та мамлакатнинг янги аъзо бўлиб кириши билан яқунланди. Бироқ янги асрнинг бошида евроҳудуднинг ўсиш суръати пасайди (2003 йилда ЯИМ 0,5%игача), бюджет тақчиллиги ўсди ва бир қатор мамлакатларда нозик

қийматларга яқинлашди. 1990 йилларнинг бошида ривожланишнинг япон модели ишдан чиқди. Мамлакат жиддий иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда ва ўн йилдан ортиқ вақтдан бери иқтисодий ўзгариш ва ислохотлар ҳолатида турибди.

Бозорлар ва миллий иқтисодиётларнинг очиқлиги рақобатни, мамлакатларнинг фойда олишдаги тенгсизлигини кучайтиради. Глобаллашув билан бирга жаҳон хўжалик шароитларига яхши мослашмаган, ривожланишда ортда бораётган мамлакатларда салбий оқибатларнинг ривожланиши кузатилмоқда. 1990 йилларда Латин Америкасининг айрим мамлакатлари, Россия, Осиёдаги бир гуруҳ мамлакатлар молиявий ва валюта инқирозини бошидан кечирди.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашув жараёнининг вужудга келиши миллий корпорацияларнинг глобаллашуви билан боғлиқ бўлиб, улар ўз хорижий фаолиятини, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялаш орқали кенгайтириш ва диверсификациялаш воситасида трансмиллий корпорацияларга (ТМК) айланди. Мижоз корпорацилар ортидан банклар ҳам ўз халқаро фаолиятини бош компаниялар ва хориждаги бўлинмалар орқали кенгайтирган ва диверсификациялаган ҳолда трансмиллий даражага етди. Трансмиллийлашув глобаллашув умумий жараёнларининг энг муҳим таркибий қисми ва шу билан бир пайтда муҳим иқтисодий механизми ҳисобланади. Айнан трансмиллийлашув жаҳон иқтисодиётининг глобал миқёсда келишилган (мувофиқлаштирилган) фаолият кўрсатишини таъминловчи асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Асосий товар ва молия оқимлари ТМК ва улар билан боғлиқ ТМБ орқали ўтказилади. Иқтисодий трансмиллийлашув капитал нисбатан ортиқча бўлган мамлакатдан уни капитал тақчиллиги сезилаётган, бироқ бошқа ишлаб чиқариш омиллари ортиқча-ю, лекин улардан капитал етишмаслиги сабабли фойдалана олмаётган мамлакатларга етказиб бериш имконияти ва зарурати билан асосланади. Трансмиллийлашув турли мамлакатларда иқтисодий шароитларни тенглаштириш ва такрор ишлаб чиқариш

жараёнларини амалга оширишга хизмат қилади. Охирги ўн йилликларда халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, транспорт ва телекоммуникациялар соҳасидаги инқилоб ва молиявий глобаллашувнинг ривожланиши туфайли ТМК ривожланишида кескин ўсиш рўй берди.

Хорижий сотувларнинг ТМК умумий сотувига фоиздаги нисбати, яъни ички ва ташқи бозорлардаги сотувлар нисбати транснационаллашув даражаси кўрсаткичи ҳисобланади. Дунёнинг 100 та етакчи ТМК учун бу индекс 1990 йилларнинг охирида 50 %дан ошиб кетди. Америка компаниялари учун эса у 44%ни ташкил қилди, чунки АҚШнинг ички бозори америка корпорациялари, айниқса, автомобиль ишлаб чиқарувчи ТМК (70%) ва электрон тармоқ (52,5%) учун асосий бозор бўлиб қолавермоқда. Япония ТМК учун ҳам ички бозор асосий ҳисобланади, ташқи бозорда уларнинг 40% маҳсулотлари сотилади. ЕС-15 транснационаллашув кўрсаткичи (62,5 %) шунини кўрсатадики, Ғарбий Европа ТМК маҳсулотларининг катта қисми ташқи бозорларда сотилади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувида ТМК роли уларнинг хорижий фаолияти миқёси ва динамикаси билан белгиланади. 2000 йилда ТМК сони 63 мингга, уларнинг чет элдаги филиаллари эса 822 мингга етди. ТМКнинг мамлакат ҳудудидан ташқаридаги фаолияти ва уларнинг молия ва иқтисодиёт глобаллашувидаги роли ҳақида тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари (ТТЧЭИ) динамикаси ва ҳажми ҳам далолат беради. 1990 йилларнинг иккинчи ярмида ТТЧЭИ олиб чиқиш ўртача йиллик сурати 37%ни ташкил қилди, ривожланган мамлакатларнинг тўғридан-тўғри инвестициялардаги хорижий активлар умумий суммаси 2001 йилда 6,6 трлн. долларни ташкил қилди. ТТЧЭИ катта қисми фирмаларнинг халқаро бирлашуви ва ўзига олиш воситасида амалга оширилади.

2000 йилда компаниялар бирлашуви ва ўзига олиши умумий суммаси 1,1 трлн долларга тенг бўлиб, 1990 йилга нисбатан 7,6 барафар ўсди. 1990-2000 йилларда ТМК хорижий филиалларининг ялпи маҳсулоти 2,2 баравар ўсди ва 3,2 трлн долл., ёки дунё ЯИМнинг 10%ига тенг бўлди; ТМК

хорижий структуралари жами сотув ҳажми ва уларнинг маҳсулотлари экспорти 3 баравар ўсди ва мос равишда 15,7 ва 3,6 трлн долл.ни (жаҳон экспортининг $\frac{1}{2}$ қисми) ташкил этди. Жаҳон товар бозорларининг кўпчилиги деярли тўлиқ ТМК назорати остида (темир рудаси, мис, бокситлар, қалай, шунингдек, чой, кофе, буғдой, маккажўхори, ўрмон материаллари, тамаки, жут, банан, табиий каучук ва б.).

Янги техника, илғор технологиялар ва ноу-хауга бериладиган патент ва лицензияларнинг 4/5 қисми ТМКга тўғри келади. Технологик ўзини-ўзи таъминлашнинг ўрнини технологик жихатдан бир-бирига боғлиқлик эгаллай бошлади, бунда ўсиб бораётган ишлаб чиқариш харажатлари ва инновациялар рискни тақсимлаш, шунингдек, янги маҳсулотлар ва технологик жараёнларни яратиш учун зарур бўлган хилма-хил билимлар ва ходимлар малакасини марказлаштириш мақсадида ресурсларни халқаро бирлаштириш рўй беради. Тижоратдан олдинги тадқиқотлар ва лойиҳалар соҳасида халқаро ҳамкорлик технология рақобатбардошликнинг ҳал этувчи омилига айланган халқаро рақобат кучайиб бораётган бир пайтда бошланди.

Ҳозирда ТМК глобал ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқмоқда. Улар юқори малакали мутахассисларни ўз илмий марказларига жалб этган ва илмий-техник билимларни байналмилаллаштириш ташаббускори бўлган ҳолда нафақат ўз мамлакатларининг, балки бутун дунёнинг илмий-техник ва инновацион салоҳиятидан фойдаланмоқда. ТМК тадқиқотлар ва технологияларни яратиш соҳасида ресурслаштирмоқда, бироқ уларни қўллаш ва маҳсулотни бозорда сотиш соҳасида рақобатни давом эттирмоқда. Рақобатнинг бу тури дастлаб янги авлод техникаларини яратиш харажатлари қанчалик йирик бўмасин, алоҳида олинган бир корпорация учун имкони бўлмаган айрим юқори технологияли ишлаб чиқаришларда бошланган. Ишлаб чиқариш ва тижорат ҳаморлиги соҳасида трансмиллий капиталларни анъанавий байналмилаллаштириш янги билимлар олиш ва улардан амалий фойдаланиш жараёнини байналмилаллаштириш билан тўдирилди.

ИТТКИ соҳасида халқаро ҳамкорлик турли шаклларга эга:

фундаментал тадқиқотлар ўтказиш ҳақида битимлар, қўшма тажриба-конструкторлик ишлари, синов намуналари яратиш, синаб кўриш, оммавий ишлаб чиқариш ва ҳ.қ. 1980-1990-йилларда ТМК хорижий мамлакатларда илмий-тадқиқот марказларини фаол жойлаштириб, бу мамлакатларнинг илмий-тадқиқот ташкилотлари, академик институтлари, университет муассасалари билан ҳамкорлик қила бошлади. Улар турли фирмалар, жумладан, ўз рақобатчилари билан ҳамкорликда янги маҳсулотлар ва технологик жараёнларни яратган ҳолда ўз илмий-тадқиқот ресурсларини венчур асосларда бошқа мамлакатларнинг шундай ресурслари билан бирлаштира бошлади. Европа тадқиқотлари ва лойиҳаларига чет эл инвестицияларининг катта қисми америка ТМК зиммасига тўғри келади.

1980-йилларнинг охиридан бошлаб кўплаб Америка ва Япония компаниялари билан илмий ва лицензияланган алоқаларга эга бўлган япон фирмалари фаоллик билан хориж мамлакатларида ўз илмий-тадқиқот марказларини ташкил эта бошладилар. Америка, Европа ва Япония компаниялари энг янги тармоқларда (информатика, биотехнология, янги материаллар ишлаб чиқариш ва б.) миллий компанияларга қараганда хорижий компаниялар билан кўпроқ ҳамкорлик ҳақида битим имзоладилар. ИТТКИ соҳасида фирмалараро келишувлардан ташқари хорижий академик ва университет илми (фани) билан ҳамкорлик кенгаймоқда. Бу ҳамкорлик шакллари хилма-хил: етакчи мутахассисларнинг илмий маслаҳатларидан тортиб то университет ва академик институтларнинг чет эллик буюртмачилар учун муайян тадқиқот дастурлари ишлаб чиқишгача бўлиши мумкин.

ТМКни стратегик иттифоқларга бирлашишга ундайдиган сабаблар орасида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва уни бозорга чиқариш ўтасидаги вақт оралиғини қисқартириш, янги бозорларга ҳамкорларнинг сотув тармоқлари орқали кириб бориш, изланиш тадқиқотлари ва лойиҳалари ўтказиш rischi ва харажатларини пасайтириш, контрагентларнинг юқори малакали илмий-тадқиқот ва муҳандислик салоҳияти, уларнинг энги

технологиялари, “ноу-хау”сидан фойдаланиш ва бошқалар устунлик қилади. Юқори технологияли тармоқларда халқаро ҳамкорлик бозорлар учун рақобат курашининг кучайиши, изланишлар харажатларининг ўсиши, янги маҳсулотларнинг тез эскириши, шунингдек, ижрочилик фаолияти соҳаси, режаларни амалга ошириш ва бозор улушини эгаллаб олишда рискнинг сезиларли ўсиши туфайли ривожланмоқда.

Капиталларни бирлаштириш, тадқиқотлар ва лойиҳалар билан боғлиқ риск ва харажатларни бўлишиб олиш, янги технологиялар яратиш ва чет эл бозорларига чиқишга эришиш учун ҳатто йирик компаниялар ҳам биргаликда ишлашга мажбур бўлмоқда. Агар лойиҳа миқёси алоҳида олинган бир корпорациянинг молиявий ва технологик имкониятлари чегарасидан ташқарига чиқадиган бўлса, бунда корпорациялар ҳатто ўзларининг анъанавий рақобатчилари орасидан ҳам ҳамкор топишга мажбур бўладилар. Халқаро бозорда рақобатлашаётган компания халқаро ҳамкорликни муваффақиятнинг энг муҳим омили сифатида кўриб чиқади. Стратегик иттифоқлар тузишнинг асосий сабаби бўлиб янги технологиялар олиш ёки технологик жиҳатдан бир-бирини тўлдиришни таъминлашга интилиш хизмат қилади. Стратегик иттифоқларни рағбатлантирувчи омилларнинг кўпчилиги ИТТКИ ташкил қилиш ва унинг натижаларидан фойдаланиш соҳасига алоқадор, хусусан:

- янги технологияларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ рискни тақсимлаш;
- ИТТКИ натижаларидан тижорат йўлида фойдаланиш борасида рақобатчидан ўзиб кетишга интилиш;
- миллий патент қонунчиликларидаги фарқлар билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф қилиш;
- чет элда товарни сотиш учун лицензия олиш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф қилиш;
- ИТТКИ ўтказиш харажатларини қоплашга интилиш;
- божхона тўсиқларини бартараф қилиш зарурати;

➤ янги ишлаб чиқариш ёки истеъмол тизими доирасида айрим ихтироларни интеграциялашга интилиш;

➤ маҳслот ёки жараёнларни ишлаб чиқишнинг илк босқичларида ёмумий стандарт ва меъёрлар ишлаб чиқиш.

ИТТКИ ва технологиялар ўтказиш билан боғлиқ фирмалараро битимлар сони юқори суръатлар билан ўсмоқда. Инновацион товарлар асосан келиб чиққан мамлакатда яратилган, сўнгра хорижий филиалларга экспорт қилинган анъанавий хулқ-атвор модели ўзгармоқда. Бундай модель тадқиқотларнинг бир қисмини арзон ва малакали кадрларга эга ёки иш шароитлари яхшироқ бўган бошқа мамлакатларга ўтказган ҳолда тадқиқотчилик ишларини оқилона ҳудудий тақсимлашга тобора кўпроқ ўрнини бўшатиб бермоқда.

Жаҳон иқтисодиёти жараёнларининг ривожланиш тенденцияларини асосан АҚШ ТМК белгилаб беради, уларнинг бештаси дунёдаги энг йирик ТМК ўнлигидан ўрин олган. Американинг йирик ТМК аксарияти холдинг туридаги корхоналар гуруҳини ифодалайди. Улар бош компанияси бўган холдинг структурасини яратиш, шунингдек, акцияларга бир вақтнинг ўзида эгалик қилиш йўли билан ташкил қилинган фиктив холдинг механизми орқали консолидацияловчи банк назорати асосида ташкил топган. Мавжуд америка трансмиллий холдингларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи ўринга корхоналар устидан назоратни амалга оширадиган банклар бошчилигиндаги структуралар киради; иккинчи гуруҳда кучли молиявий структураларга саноат корхоналари устунлик қилади.

Тўғридан-тўғри чет инвестициялари АҚШнинг америка ТМК хорижий филиаллари ва шўъба компаниялари ишлаб чиқариш қувватларига асосланадиган иккинчи иқтисодиётини яратди. Хорижий структураларнинг мустақиллик даражаси ортади, уларнинг ўзаро алоқаси кучаяди, ТМК ва корпорациялар молиявий гуруҳларининг мулк ва назорат бўйича фаолияти тутшиб кетади, трансмиллий стратегик иттифоқлар тузилади. Компаниялар чегаралари тобора “ювилиб” кетади, саноат гуруҳлари тарли тармоқларга

тегишли ва турли ҳажмдаги бир-бири билан боғлиқ, лекин маълум даражада мустақилликни сақаб қолган компанияларини қамраб олган юлдузлар шаклини олади.

Америка ТМК ва бошқа мамлакатларнинг ТМК глобал фаолиятида асосий ҳамкорлар халқаро ёки трансмиллий банклар (ТМБ) ҳисобланади. ТМБ асосан ривожланган мамлакатларнинг йирик тижорат банклари асосида шаклланган бўлиб, миллий ва халқаро капитал бозорларида ҳукмронлик қилади. Бу банклар етакчилик учун тўхтовсиз кураш олиб бормоқда. 1980 йилларнинг ўрталаригача мутлақ етакчилик америка банкларининг қўлида бўлган; кейинроқ етакчилиқни япон банклари эгаллаб олган. Бироқ 1990 йилларнинг бошларидан иқтисодий депрессия ва банкрот туфайли япон банклари етакчилиқни қўлдан бой бера бошлади.

Мавзу бўйича таянч сузлар:

институционал тизим,	трансмиллий компания,
нодискриминация,	халқаро молия корпорацияси,
халқаро ривожланиш ассоциацияси,	инвестицияларни кафолатлаш
халқаро капитал ҳаракати, “Осиё	халқаро агентлик (МАГИ),
йўлбарслари”, трансмиллийлашув	узун тўлқинлар, венчур
капитал	молиялаштириш

Мавзу бўйича саволлар

1. Иқтисодий глобаллашувнинг йўналишлари: иқтисодий, молиявий, савдо
2. Иқтисодий глобаллашувнинг халқаро талаблари
3. Глобаллашув ва миллий иқтисодий хавфсизлик, уларнинг ўзаро боғлиқлиги
4. Глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатлар
5. Глобаллашув шароитида меҳнатни халқаро таксимоти
6. Глобаллашув шароитида халқаро савдо, трансмиллий корпорациялар, холдинглар
7. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув даражаси кўрсаткичлари
8. Глобаллашув шароитида янги макроиқтисодий сиёсатга талабгарлик.

III Боб. Молиявий глобаллашув

3.1. Молиявий глобаллашув мақсади ва вазифалари.

3.2. Молиявий глобаллашувнинг замонавий тенденциялари.

3.3. Молиявий глобаллашувнинг истикболлари.

Ҳозирги кунда халқаро молиянинг халқаро иқтисодий интеграциялашуви (байналминаллашуви) ва глобаллашувнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатидаги ўрни ва роли ортиб бормоқда. Халқаро савдо глобаллашув шароитида хўжалик фаолиятининг интернационаллашувига кўмаклашувчи, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига ва миллий иқтисодийнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтиришига сабаб бўлувчи сифатидаги омилларини ўзида сақлаб қолди. Жаҳон ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ) нинг ўртача йиллик ўсиш суръатига нисбатан халқаро товар айланмасининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1982-1991 йилларда 1,5 марта, 1992-2007 йилларда эса 2,3 мартага ошди. Шундай бўлсада, халқаро савдо глобаллашувнинг жадаллашувида халқаро валюта-кредит ва молиявий оқимларига нисбатан аҳамиятини йўқотиб бормоқда.

1982 йилдан 2006 йилгача жаҳон товар экспорти ва ноомил хизмат (нефакторных услуг) ҳажми 3,3 марта ошган бўлса, йиллик бевосита чет эл инвестицияларнинг четга чиқиши эса 31 марта ошди. Иккинчи Жаҳон Урушидан кейин жорий тўлов баланси тақчиллигини компенсацион молиялаштириш асосида миллий иқтисодийнинг молияга ўзаро қарамлигининг ўсиши туфайли молиявий глобаллашув жараёни пайдо бўла бошлади

1985 йиллардан бошлаб молия бозори тизими глобал миқёсда амал қила бошлади. Турли давлатларнинг етакчи молия марказларини боғловчи жаҳон молия тармоғи юзага келди. Бу тармоқ Нью-Йорк ва бошқа етакчи молия марказларини, шу жумладан, Лондон, Токио ва Цюрихни бир-бирига боғлади.

Лондон — етакчи Евровалюта маркази ҳисобланади. Токио

қимматбаҳо облигациялар бозори Японияда жамғарма ҳажмининг юқорилиги ва капитал микдорининг ортиқчалиги туфайли сўнгги йилларда янада тараққий этмокда.

Хориж депозитларининг манфийлиги туфайли Цюрих ҳам етакчи чет эл облигациялари бозори ҳисобланади. Бошқа халқаро молия марказлари, масалан, Франкфурт, Амстердам, Париж, Гонконг, Багама ороллари, Кайман ороллари дунё капитали оқими билан боғлиқ турли вазифаларни бажарадилар. Ушбу марказлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши куйидаги уч йўналишга эга булган молиявий инқилобни юзага келтирди. Бу:

- халқаро молия институтларининг глобал иштироки;
- халқаро молиявий интеграция
- молиявий инновацияларнинг тезкорлик билан ривожланишидир.

Дунё капитали оқимининг ўсиши давлатлар ўртасида молиявий рақобатни кучайтиради. Ушбу анъана ички бозор фаолиятига ва халқаро капитал ҳаракатининг эркинлашишига давлат аралашувининг қисқаришига кўмаклашган ҳолда, алоҳида давлат ҳукуматларига ўз босимини ўтказмокда.

1980 йилларда АҚШда ривожланаётган қимматбаҳо қоғозлар бозори чет эл банклари ва брокерларини ўзига жалб қилган бўлса, бу вақтда Япония чет эл валюта бозорини ва ички молия бозорини эркинлаштиришни бошлади. Шундан сўнг, Японияда чет эл облигациялари бозори ва пул бозори сезиларли даражада ўсди. Худди шундай тажриба Буюк Британияда ҳам кузатилди, яъни 1979 йил-да капитал устидан назорат олиб ташланди ва 1986 йилнинг октябрида акциялар бозорини ислоҳ қилиш («катта шок») бошланди. Натижада, Буюк Британия молия бозорлари халқаро еврооблигациялари бозори ва акциялар бозори фаолиятининг кенгайиши ҳисобига сезиларли даражада ўсди.

Халқаро молиявий интеграция — молия инқилобининг иккинчи йўналиши — ички ва халқаро молия бозорлари ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ушбу бозор секторлари ўртасидаги алоқанинг ривожланиши билан боғлиқ. Яъни, молия капитали ҳеч қандай чеклашларсиз,

эркин тарзда ички молия бозоридан жаҳон молия бозорига ва аксинча жойлаштирилиши мумкин. Молия интеграцияси жараёни шаклланаётган бир пайтда, молия институтларининг қарз олиш, кредитлаш, инвестиция қилиш функцияларини бажариш ҳамда бошқа молиявий хизматларни кўрсатиш мақсадида етакчи молия марказларида ўз филиалларини ташкил қилмоқда. Халқаро молиявий интеграция ҳам қарз олувчига, ҳам кредиторга тенг равишда фойда келтирмоқда. Бироқ қарз олувчилар ва кредиторлар учун турли даражадаги рисклар, жумладан, бозор, фоиз, валюта ва сиёсий рисклар мавжуд.

Халқаро молиявий интеграция молия институтлари ва бозорнинг бошқа иштирокчилари олдига бир қанча муаммоларни қўяди. Биринчидан, инвестор учун халқаро капитал бозори фаолиятига тааллуқли бўлган, ишончли маълумотлар олиш мураккаброқ бўлиши мумкин. Кўпгина молиявий операциялар, масалан, молиявий своплар балансдан ташқари моддаларга тегишли бўлиб, ҳисоботнинг одатдаги йўллари бўйича аниқ қайд қилинмайди. Капитал бозорлари интеграцияси капитал қўйилиш жараёни бошланишининг соддалашувига олиб келди. Пул-кредит муассасалари бошлиқларига тузатувчи стратегияни шакллантириш мақсадида беқарорлаштирувчи маблағлар оқимини ўз вақтида аниқлаш ёки прогноз қилиш анча мураккабдир. Охир оқибатда, бозор интеграцияси молия бозори билан боғлиқлигини кучайтиради ва унинг фао-лияти устидан назорат қилиш муаммосини мураккаблаштиради.

Молиявий инновациялар, яъни янги молиявий инструментлар ва технологияларни ташкил этиш молиявий инқилобнинг учинчи йўналиши ҳисобланади. Молиявий инструментлар, яъни евродоллар депозит сертификатлари, ноллик купонли еврооблигациялар, евровалютадаги синдицирлашган кредитлар, фоиз ставкаси, валюта своплари ва ўзгарувчан фоизли қисқа муддатли мажбуриятлар халқаро молия бозорларида ҳозирги кунда кенг тарқалгандир. 1982 йилдан кейин евровалютадаги синдицирлашган кредитлар ҳажмининг камайиши секьюритизация

жараёнини тезлаштирди³. Ушбу тамойилдан фойдаланган ҳолда қарз оловчи тўғридан-тўғри банк томонидан кредитлашга боғлиқликни камайтириши ва бунинг ўрнига жойлаштирилиши тижорат ёки инвестицион банклар томонидан кафолатланадиган қисқа муддатли тижорат векселлари ёки қисқа муддатли облигациялар чиқариши мумкин. Бу инструментлар, агар узок муддатли қимматбаҳо қоғозлар бўлган тақдирда, даврий чиқарилиши ва иккиламчи бозорда қайта сотилиши мумкин.

Евроноталарни чиқариш дастури бундай секьюритизация жараёнига мисол бўла олади. Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш 1983 йилда 10 млрд. АҚШ долларида 1985 йилда 26 млрд. АҚШ доллариғача тез суръатлар билан ўсди⁴. Технологик инновациялар эркинлаштириш жараёнини янада тезлаштирди ва кучайтирди. Асосан, алоқа воситалари халқаро операциялар ҳажми ва уларни амалга ошириш тезлигини оширди. Бу эса, ахборот ва капитал оқимини тезлик билан амалга оширади. Телекоммуникациялар банкларга бутун жаҳон депозит пуллардан (pool) омонатларни жалб қилишга ҳамда энг юқори даромад ва энг кам харажат шароитида қарз оловчиларга маблағлар йўналтиришга ёрдам беради.

Инвестицион банклар СВИФТлар орқали облигация ва хорижий валюталардаги битимларни тузадилар. Тижорат банклари ўз штаб квартираларидан хориждаги ваколатхоналарига тўловларнинг электрон тизими орқали аккредитивларни йўналтиришлари мумкин, маҳаллий эксперт ва импорт қилувчилар билан бундай алоқа компьютер орқали таъминланади. Чет мамлакатлар молия тизимининг ривожланиши билан янги инструментлардан фойдаланиш жараёни юзага чикди. 1990 йиллардан бошлаб, «молиявий инжиниринг» термини илмий адабиётларда қўлланила бошланди.

Молиявий инжиниринг деганда, молиявий муаммоларни ҳал этиш ва молиявий имкониятлардан фойдаланиш мақсадида молиявий

³ Кредит мавқеининг тушиши ҳисобига молия бозорларида қимматбаҳо қоғозлар аҳамиятининг ошиш жараёни.

⁴ Morgan Guaranty Trust Company. Global Financial Charge // World Financial market (December 1986): 2.

технологияларни қўллаш ва ривожлантириш тушунилади⁵.

Молиявий технологиялар — кенг қамровли тушунча бўлиб, очик турдаги инвестицион фондларнинг маблағларни фақат пул бозорининг қисқа муддатли мажбуриятларига, банкоматларига⁶, ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларга ва бошқаларга қўйишларни англатади.

1970 йилларда жаҳон иқтисодиёти ликвидлилиги ва баланслаштирилмаган жорий тўловлар ҳажмининг кескин ўсиши сабабли молиявий глобаллашув тўлиқ шаклланди. Бу жараён олтиндевиз стандартининг ва қатъий валюта курсларининг бекор қилиниши натижасида юз берди. Шунингдек, халқаро ликвидлиликнинг ўсиши, евровалюта бозорларининг “нефтдолларлари” ҳисобига тўлдирилиши ва халқаро банк кредитлаштириш ҳажмининг кенгайиши каби сабабларга кўра ҳам рўй берган.

3.2. Молиявий глобаллашувнинг замонавий тенденциялари.

Молиявий глобаллашув жаҳон тараққиётининг янги босқичи сифатида аввалги босқичлардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

- Трансмиллий корпорациялар(ТМК)га қўйилаётган бевосита чет эл инвестициялар ҳажмининг кенгайиши;
- Трансмиллий банклар(ТМБ) ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятининг кўламлиги ҳамда диверсификациялашуви;
- Халқаро ликвид ресурслар ҳажмининг ва инвестиция муассасалари (институциональных инвесторов) миқдорининг кескин ортиши;
- Молиявий тақчилликнинг ўсиши ва компенсацион молиялаштиришнинг кенгайиши;
- Халқаро банк кредитлаштириш амалиётининг кенгайиши, шунингдек, халқаро қимматбаҳо қоғозлар бозорининг диверсификация-лашуви ва кенгайиши;

⁵ The Journal of Financial Engineering (June 1992).

⁶ Турли банк операцияларини бажарувчи автоматлар.

- Евровалюта бозорининг кенгайиши;
- Ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида молия бозорларининг шаклланиши ва ривожланиши;
- Расмий ресурслар ҳажмининг нисбатан пасайиши ва расмий кредиторлар сиёсий ролининг ошиши;
- Замонавий электрон технологиялар, коммуникация ва ахборот воситаларининг жорий қилиниши.

Молиявий глобаллашув тараққиёти умумий глобаллашув жараёни доирасида халқаро молия бозорларининг кенгайиши ва хорижий бевосита инвестициялар оқимининг кўпайиши билан характерланади. Бу жараён халқаро молиянинг юқори мобиллигида, кўламининг ошиб боришида, диверсификациялашуви ва интеграциялашувида намоён бўлади.

Жаҳон Валюта Бозорининг (ЖВБ) кенгайиб бораётганлиги хорижий валютадаги банк депозитлари суммасининг, халқаро молия бозоридан жалб қилинган маблағлар ҳажмининг, инвестицион институтлар ресурслари ҳажмининг, мамлакатлар ижтимоий-иқтисодиёт ривожланишида халқаро молия аҳамиятининг ортиб бораётганлигини ҳам молиявий глобаллашув тараққиёти жадаллашиб бораётганлигини исботлайди.

Юқори даражада фойда олиш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган катта ҳажмдаги молиявий ресурслар молиявий глобаллашув тараққиётининг таъминоти бўлиб хизмат қилади. Суғурта, траст, фонд, инвестиция компаниялари, нафақа, ўзаро ёрдам, ҳежирлаш фондлари каби институционал инвесторлар молиявий ресурслари ҳажми 2005 йилда 53 трлн АҚШ долларини ташкил қилган. Бу ресурслар замонавий технологиялар ва коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда жаҳон бўйлаб эркин кўчиб юриш хусусиятига эга.

Молиянинг глобаллашуви тараққиёти кўрсаткичлари капитал ва мамлакатдан ташқарида жамғарилган хорижий активлар ҳажмининг юзага келишини функциялашга хизмат қилиши мумкин. Яъни бу мутахассисларнинг баҳолашларига кўра, 2006 йилда 31-32 трлн АҚШ

долларига (Жаҳон ЯИМ нинг 100% га яқин) тенг бўлган, шунингдек, заём воситалари тахминан 2/3 қисмини ташкил этган. Ривожланган мамлакатларнинг норезидентлар олдидаги мажбуриятлари 27,5 трлн долларни ташкил этган бўлса, талаблари 26,2 трлн долларга тенг бўлган. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти кўпроқ ташқи ресурслар оқимига қарам бўлиб қолган. 1970-йилдан 2007-йилгача ялпи хорижий капитал оқими ривожланган мамлакатларда ЯИМ нинг 2% дан 27,5% гача, ривожланаётган мамлакатларда эса ЯИМ нинг 0,1% дан 16% гача ошди.

Молиявий глобаллашув тараққиёти нотекис ривожланишнинг кучайишини ва молиявий ресурслар тақсимотини қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, жорий тўлов баланси актив ва пассив қолдиғининг кўпайиши, кўплаб мамлакатларда инвестицион қўйилмаларни амалга ошириш учун ўз ресурсларининг етишмаслиги, давлат бюджети тақчиллигини қоплаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўтқозиш, шунингдек, хусусийлаштириш, ички ва ташқи қарзлар бўйича мажбуриятларни бажариш, банклар ва ташкилотларнинг бирлашуви ва сингишини амалга ошириш, молия бозорларини эркинлаштириш каби жараёнлар ҳам молиявий глобаллашув тараққиётини рағбатлантирмоқда.

3. 3. Молиявий глобаллашувнинг истиқболлари.

Жаҳон молия бозорини халқаро миқёсда глобаллашган бозор деб тавсифлаш мумкин. Жаҳон молия бозори молиявий глобаллашув жараёни маҳсули бўлиб, индустриал мамлакатларни умумжаҳон миқёсда иқтисодий самарадорлигини кескин оширди. Лекин бу жараён ривожланаётган мамлакатлар ривожига ижобий таъсирдан кўра кўпроқ салбий таъсир кўрсатиши ҳозирда барчага аён бўлиб қолди. Бунинг сабаби ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти индустриал давлатлар иқтисодиётига кўпдан боғлиқлигида деб билиш мумкин. Аммо бунга қарамасдан ривожланаётган мамлакатлар иложи борица молиявий глобаллашувнинг ижобий тарафларини ўзларида жорий қилишни тинмай давом эттирмоқдалар (қуйидаги жадвалга

каралсин). Бунга мисол: Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, Россия, Қозоғистон, Украина, Латвия, Литва, Эстония, Ҳитой, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Корея, ЖАР, Бразилия, Чили, Аргентина ва ҳ.к. давлатлари. Бу мамлакатларнинг борган сари жаҳон молия бозоридаги салмоғи ошиб бормоқда, молиявий глобаллашув жараёнларига қўшилиши тезлашмоқда, натижада иқтисодий самарадорлиги сезиларли ортмоқда.

Иқтисодий ўсиш, инвестициялар ва молия бозорининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги қуйидаги аргументларни келтириш ўринли.

Биринчи аргумент.

Иқтисодий ўсиш ва инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги механизми Нобель мукофоти лауреати П.Самуэльсон томонидан “акселератор тамойили” кўринишида қуйидагича ифодаланган: реал ЯИМ ўсиши реал инвестициялар ўсишига олиб келади, ўз навбатида реал инвестицияларнинг кўтарилиши унга жавобан ЯИМ ўсишига сабаб бўлади. Бу тамойилнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, реал инвестициялар реал капитал (бино ва иншоотлар, машина ва анжомлар) ва ишлаб чиқариш захиралари баҳоси ортишини билдиради. Демак, кўриниб турибдики, молиявий инструментлар (қимматли қоғозлар) ёрдамида реал капиталга қилинган инвестицияларнинг ортиши унинг баҳосини оширади, бу эса мос равишда молиявий инструмент кўринишини олган инвестицияларнинг ўсишига олиб келади, яъни “молиявий инструмент (қимматли қоғоз) ва унинг реал базиси (реал капитал) ўрасидаги эквивалентлилик” тамойилини тўғрилигини ҳамда иқтисодий ўсиш, инвестициялар ва молия бозорининг ўзаро боғлиқлиги исботлайди.

Иккинчи аргумент.

Биринчи аргументнинг сўзсиз кучга эга бўлганлиги сабабли, $MV=PT$, $IS-LM$, $C=Y(1-S)$, $S=I$ моделларнинг иқтисодий ўсиш, инвестициялар ва молия бозорининг ўзаро боғлиқлиги мос равишда $SV=PI$ модели асосида назарий исботини топади.

Учинчи аргумент.

$IS-LM$ модели нуқтаи назаридан кредит ставкаси – реал капиталга

килинган пулли инвестиция баҳоси, яъни реал капиталнинг олдиндан молия (кредит) бозори конъюнктураси асосида объектив белгиланадиган рискли бозор баҳоси. Бу баҳонинг энг ишончли минимал бирламчи (дастлабки) миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаштириш (реинвестиция) ставкаси билан белгиланади. Яъни Марказий банк бу ставкани инфляцияга ҳамоҳанг ликвид пул билан таъминлаб иқтисодиётни тартиблаштириши асосида реал капитал ва инвестицияларнинг ўзаро эквивалент боғлиқликдаги энг ишончли минимал рискли баҳосини ўсишини ва унган мос равишда энг ишончли минимал иқтисодий ўсиш даражасини таъминлайди. Лекин молия бозори операторлари (тижорат банклари) дастлабки баҳога кейинчалик ўз хоҳиш-истаклари ила маржаларини қўшишлари сабабли, таклиф қилинажак тижорат баҳо вужудга келади. Бу баҳо фақат иккиламчи молия (кредит) бозоридагина (унинг функцияси эвазига) объектив мазмунга эга бўлиб (конъюнктура асосида), реал капитал ва инвестициянинг ўзаро эквивалент боғлиқликдаги энг объектив рискли баҳосини ўсиши (пасайиши) ва унган мос равишда молия бозори ёрдамида энг ишончли реал иқтисодий ўсиш (пасайиш) даражаси таъминланади. Айнан шу қонуният иқтисодий ўсиш, инвестициялар ва молия бозорининг ўзаро боғлиқлигини исботлайди. Шу билан бирга бу қонуният молия бозорини тартиблаштириш зарурлигини ҳам белгилайди.

Молиявий глобаллашув шароитида молия бозорларини ривожланиши узоқ келажакда дунёнинг исталган жойидан ва вақтда иштирок этиш имконини берувчи халқаро электрон биржани вужудга келишини (ҳисоб-китоб маркази ва марказий депозитарий билан комплексда) таҳмин қилиш мумкин. Лекин яқин келажакда бундай электрон биржа билан бирга фонд биржалари ҳам параллел фаолият юритиб ривожланиши аниқ. Ҳозирда жаҳон молия бозорларидаги қимматли қўғозларнинг обороти халқаро товар айланмаси (оборот) ҳажмидан 60-70 баробар кўп, бу кўрсаткичнинг борган сари ортиб бориши тенденциясини кузатиш мумкин.

**Йирик ривожланган бозорларга эга мамлакатлар капитализацияси
динамикаси, млрд.долл.**

	1994	1996	1998	2000	2002	2004	2006
АҚШ	4150	6900	10500	11800	9100	12700	14100
Япония	3800	3200	2300	3200	2050	3800	5100
Б.Британия	1650	1800	2200	2250	1900	3000	3200
Канада	950	1200	2000	2100	1800	2300	3100
Euronext					750	850	1010
Германия	550	600	1000	1100	650	1300	1400
Швейцария	250	300	450	700	500	750	1100
Италия	200	250	430	700	480	730	1000

Бунда халқаро (хорижий) портфел инвестицияларининг салмоғи бевосита (тўғридан тўғри) инвестициялар ва халқаро кредитлар ҳажмидан сезиларли катта бўлиб, бунга молия бозорларининг иқтисодиётдаги ролини ошиб бориши, секьюритизация жараёнлари ва молия инжинирингини тез суръатлар билан ривожланиши сабаб бўлмоқда.

Молия бозорининг ривожланиши тўғрисидаги статистик маълумотларни таҳлили қуйидагиларни кўрсатади:

- молия бозорларини ўта нотекис ривожланиши, рақобатни кучлилиги, алоҳида мамлакатлар улушларини барқарормаслиги. Индустриал ва ривожланаётган давлатлар ва уларнинг молия бозорларини йиллик капитализация даражасини кескин фарқланиши;

- 10-15 йиллик ўлчамга эга узоқ муддатли тенденциялар. Масалан, шу давр давомида Франция, Испания, Гонконг, Индонезия, Ҳитой, Туркия, Мексика, Ҳиндистон, Россия каби давлатлар ўз салмоғини тез оширган. Бир қатор ривожланган давлатларда (Швейцария, Германия, АҚШ) ва баъзи ривожланаётган мамлакатларда (Бразилия, Ҳиндистон) акциялар бозори ривож суръатлари барқарор ошиб борган. Аксинча 1990 йилларнинг

ўртасида бир қатор мамлакатлар (Япония, Канада, Тайвань, Корея, Малайзия) инвестицион ресурсларни жалб қилиш борасида ўз ўринларини бериб қўйганлар;

- унчалик катта бўлмаган бозорларнинг (1990-1996, 1999, 2005 йилларда – осиё бозорлари) тез ривожланиши (масалан, Ҳитой, Индонезия), агарда бундай ривожланиш миллий иқтисодиётни ўсиши билан таъминланган бўлса;

- қисқа муддатли эффектлар – масалан, Испания ва Гонконгда (1993 й.), Туркияда (1999 й.) капитализация ҳажмини ўта тез ўсиши, Малайзияда (1993-1997 йй.) бозорни тебранишлари, АҚШда (1996 - 1999 йй., 2002-2006 йй.), Тайванда ва Кореяда (1990 йиллар бошида ва 2000-чи йилларда) бозор ҳажмини тез ортиши;

- бозорлар ва уларнинг гуруҳлари бир-бирлари билан рақобатлашиб крама-қарши динамикага эга бўлиши мумкин (инвесторларни 1997-1998 йй. охирида ривожланаётган бозорлардан борган сари ривожланган бозорларга кетиши). Бунда рақобатнинг регионал аспекти ҳам муҳим аҳамиятга эга, масалан, 1997-1998 йй. МШЕ мамлакатлари бозорларига Осиё ва Лотин Америка бозорларига қараганда инқироз камроқ таъсир кўрсатган. Ривожланган бозорларнинг рисклари ва волатиллиги ривожланаётган бозорларникига қараганда анча камлигини кузатиш мумкин.

Мавзу бўйича таянч сузлар:

дунё капитали оқими,	Евровалюта маркази,
ҳалқаро молиявий интеграция,	ҳалқаро молия корпорацияси,
ҳалқаро ривожланиш ассоциацияси,	молиявий инновациялар,
ҳалқаро капитал ҳаракати,	молиявий инжиниринг,
“Евроноталарни чиқариш дастури	молиявий технологиялар

Мавзу бўйича саволлар

1. Молиявий глобаллашувнинг ижобий самаралари
2. Молиявий глобаллашувнинг салбий таъсирлари
3. Реал капиталга қилинган пулли инвестиция баҳоси
4. Иқтисодий ўсиш аргументлар
5. Молиявий глобаллашув истиқболлари

IV Боб. Глобаллашган молия бозори

4.1. Глобаллашган молия бозорининг хусусиятлари ва инфратузилмаси.

4.2. Молиявий глобаллашувда валюта–кредит операциялари.

4.3. Молиявий глобаллашув шароитларида қимматли қоғозлар бозори.

4.1. Глобаллашган молия бозорининг хусусиятлари ва инфратузилмаси.

Иқтисодиётнинг кенг мазмуни – шахсларнинг мақсадли нафсий ҳоҳиш-истаклари талаби ривож ила бозор таъсири остида режали шакллланувчи ва амалга оширилувчи ҳўжалик юритиш жараёни бўлиб, унда Аллоҳ томонидан аввалдан вақт ва миқдор ўлчамлари билан меъёрланиб шахслар ихтиёрига берилган моддий ва номоддий бойликлар бозор қонунлари асосида объектив тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Бозор эса иқтисодиётда шахсларнинг мақсадли нафсий ҳоҳиш-истаклари ила наф ва манфаатлари сари етакловчи (чорловчи) имкониятлари доирасида тартиблаштирилган рефлексив ҳаракатлари эвазига турли (ижобий ёки салбий) самара даражасида объектив содир бўлувчи бозор товарлари бўйича иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлари муҳити бўлиб, унда тарафларнинг нафий манфаатлари талаб ва таклиф асосида шаклланадиган объектив нархларда (баҳоларда) қондирилади. Бу муҳит Аллоҳнинг ҳоҳиши ила вужудга келади ва унга мос равишда иқтисодиёт субъектлари томонидан турли омиллар таъсири остида ривож ила шакллланувчи иқтисодий-ҳуқуқий механизм билан таъминланади ва унинг фаолиятига мутаносиб қувват потенциалига (салоҳиятига) эга бўлади.

Бозорнинг бажарадиган функцияси нуқтаи назаридан бозор тизимининг вазифаси иқтисодиётда товарлар муомаласига ҳизмат кўрсатиш.

Молия иқтисодиётнинг монетизациялашган алоҳида шакли сифатида молиявий воситалар асосида амалга оширилувчи молиявий муносабатлар жараёни кўринишида намоён бўлувчи тоифаси (категорияси). Молиянинг бажарадиган функцияси нуқтаи назаридан молия тизимининг вазифаси бозор

иқтисодиётидаги трансакцияларга хизмат кўрсатиш, жамғармаларни жамлаш ва тақсимлашдир.

Инсониятнинг ер юзида пайдо бўлиши тарихига назар ташланса, бозор одамлар ўртасидаги бойликларни натурал товар сифатида мақсадли ва ўзаро манфаатли тарзда оддий алмашинуви жараёнидан бошланган. Ҳозирга келиб бозор алоҳида назариясига ва фаолият механизмига эга, юқори даражада тартиблаган мураккаб инфратузилма шаклида намоён бўлувчи динамик муҳитга айланган бўлиб, замонавий иқтисодиёт ривожини объектив белгилайди. Бозорнинг динамик муҳит эканлиги унда товарлар ҳажми ва уларнинг баҳоси вақт бирлиги ичида талаб ва таклиф асосида узлуксиз жараён сифатида ўзгариб бориб шаклланиши билан белгиланади.

Бозорнинг энг юқори даражада ривожланган тури молия бозори ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг ривожланиши тарихига назар ташланса, молия бозорини инсоният жамиятида пулнинг пайдо бўлиши ва у билан боғлиқ бозор муносабатлари амалга оширила бошлашидан шаклланишини кўриш мумкин. Асрлар давомида молия бозори, унинг мазмуни ва унга оид тушунчалар шаклланиб ва узлуксиз ривожланиб келмоқда. Бунга сабаб, инсон цивилизациясининг молия соҳасидаги тажрибасини бойиши, унда шахсларнинг (юридик ва жисмоний) молиявий муносабатлари ва қизиқишлари кенгайиб, мақсадлари ва фаолият турлари ортиб, манфаатлари тобора ўсиб, уларнинг ҳақ-хуқуқлари борган сари мустаҳкамланиб ва таъминланиб боришидадир.

Ҳозирда молия бозори юқори даражада ташкиллашган ва узлуксиз ривожланаётган, борган сари жаҳон миқёсида глобаллашиб бораётган алоҳида бир бутун ва ўз муҳитига эга муносабатлар ва институтлар (қатнашчилар) мажмуаси сифатида намоён бўлувчи мураккаб тизим эканлиги аниқ бўлмоқда. Бунда молия бозорлари на фақат миллий иқтисодиёт ривожини, балки глобал иқтисодиёт ривожини ҳам белгиламоқда. Унинг мазмун-моҳияти қуйидаги концептуал тушунча ва қонуниятлар асосида

белгиланади.

Молия бозорини, умуман олганда, қуйидагича таърифлаш мумкин: *молия бозори* – бу монетизациялашган реал инвестицион базисга эквивалент молиявий инструментлар билан боғлиқ ташкиллашган иқтисодий-ҳуқуқий механизм билан таъминланган муносабатларни мақсадли амалга оширувчи, иқтисодиёт субъектлари учун зарурий бозор шароитларини яратиб берувчи мажмуа сифатида намоён бўлувчи тизим. Ушбу тизим механизми иқтисодиётнинг барча субъектлари томонидан уларни ҳар бирининг алоҳида манфаатли мақсадлари доирасида ҳаракатга келтирилади.

Бу маънода, умуман олганда, молия бозори тушунчаси товарларнинг бошқа турлари (масалан, нефт, олтин ва бошқа турдаги хом-ашёлар, хизматлар, кўчмас мулк ва бошқалар) бозорлар тушунчаси ўртасида ўхшашликни сезиш мумкин.

Лекин ҳар қандай бозорни у ёки бу белги асосида таснифланишининг мазмуни унинг товари хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалий аҳамияти билан белгиланишини ҳисобга олсак ҳамда, агар кўрилалаётган бозор турларидаги товарларни хусусияти, келиб чиқиши ва уларнинг бозор муомаласини бир-бири билан таққослайдиган бўлсак, албатта сезиларли фарқ намоён бўлади. Масалан, ишлаб чиқариладиган товарлар муомаласи учун уларга ҳос бўлган бозор зарур, қимматли қоғозлар учун эса фақат фонд бозори, пул (валюта) ва кредитлар учун – мос равишда пул бозори ва кредитлар бозори бўлиши керак ва ҳ.к. Бунда реал товар, молия инструментларидан фарқли, бир ёки бир неча маротаба олди-сотти бўлади, қимматли қоғозлар эса чекланмаган мартта олди-сотти бўлиши мумкин. Умуман олганда товар қимнингдир томонидан ишлаб чиқарилади, молиявий инструмент (жумладан қимматли қоғоз) эса муомалага чиқарилади.

Молия бозори ҳар қандай мамлакатнинг умумий бозорини таркибий, аммо, асосий ва алоҳида қисмидир. Лекин, молия бозорининг асоси реал товарлар бозоридир. Бунда молия бозори реал иқтисодиёт ва товар бозорининг устурмаси сифатида намоён бўлиши билан бирга товар бозори ва

иқтисодиётни молиявий таъминлайди ва мувофиқлаштиради, умуман иқтисодиётнинг объектив ҳолатини ифодалайди ва ривожланишини белгилайди.

Товар иқтисодиётининг асосий мақсадларидан бири фойда олиш бўлганлиги учун ундаги ҳар қандай фаолият капитални орттириш соҳаси бўлиши зарур. Шу муносабат билан ҳар қандай бозор – бир вақтнинг ўзида капиталларга қўйилмалар учун мулжалланган бозор ҳамдир.

Пул маблағлари товарнинг ҳар қандай турига (жумладан қимматли қоғозларга) қўйилиши (йўналтирилиши) мумкин. Бунинг барча ҳолатларида йўналтирилган пул маблағлари вақт мобайнида ўз орттирмасига (ёки зарарига) эга бўлиши, яъни фойда ёки зарар келтирилиши мумкин. Аммо, бу ҳолатларнинг барчасида бошланғич пул маблағини жамғариш ёки топиш жараёни мавжуд эмас, ҳар қандай капиталга пул маблағини қўйиш учун бошланғич жамғармага эга бўлиш ёки топиш имкониятини бермайди.

Бошқа соҳалардан фарқли молия бозори эса ушбу имкониятни берувчи, унинг учун зарурий шарт-шароитларни яратувчи муҳит, алоҳида иқтисодий-ҳуқуқий механизм билан таъминланган, институтлари (қатнашчилари) ва уларнинг молиявий инструментлар билан боғлиқ муносабатлари мажмуаси сифатида намоён бўлувчи тизимдир.

Айнан шу ва юқорида айтилганлар билан молия бозори бошқа турдаги бозорлардан кескин фарқ қилади.

Молия бозори ўз ичига қуйидаги сегментларни (хусусий бозорларни) олади:

- пул-кредит (банк ва бошқа кредит ташкилотлари капиталлари) бозори;
- қимматли қоғозлар (фонд, капиталлар) бозори;
- валюта ва унга тенглаштирилган авуарлар (қимматбаҳо металллар, камёб элементлар, санъат асарлари ва ҳ.к.) бозори;
- суғурта ва пенсия фондлари бозори, лотерея ўйинлари инструментлари.

Молия бозорида молиявий ресурслар жарғармачилардан истеъмолчиларга томон ва аксинча йўналишда ҳаракат қилади. Бунда жамғармалар инвестицияларга трансформацияланади (айланади).

Молия бозорида ресурслар ҳаракати қуйидаги омилларга боғлиқ:

- бозорнинг даромадлилик даражаси;
- бозорни солиққа тортиш шарт-шароитлари;
- капитални йўқотиш ёки назарда тутилган фойдани ололмаслик rischi;
- бозорни самарали институционал ва функционал ташкиллашгани;
- бозорни самарали мувофиқлаштирилганлиги ва назорат қилиниши;
- молиявий инструментларнинг реал базис билан таъминланганлиги ва шу асосда иқтисодиёт ва молия бозорини эквивалентлиги;
- жамиятнинг менталитети ва танлаб олган ривожланиш модели;
- макро- ва микроиқтисодий барқарорлик;
- ташқи кучлар ва ҳодисаларнинг бозорга таъсири ва бошқалар.

Ушбу омиллар (ташқи ва ички фундаментал омиллар) молия бозоридаги воқеликлар (жараёнлар, ҳодисалар) ривожини шакллантиради. Улар тўғрисида ушбу бобнинг 1.4 бандида алоҳида тўхталиб ўтамыз.

Самарали (эффекив) молия бозори бўш капиталнинг адекват ҳажмини ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш учун зарурдир. Агарда, пулдан бошқа молиявий ресурслар бўлмаганда эди, бозор субъектлари ўзларининг жамғармалари ҳажмидан ошмаган миқдордагина инвестиция қилишлари мумкин бўларди, бу эса уларнинг инвестицион фаоллиги чекланганлигидан далолат беради ва капитални нооптимал (самарасиз) ишлатилишига олиб келарди. Натижада бозор субъектлари учун инвестиция қилиш вариантлари кам бўлганлиги муносабати билан уларда маблағларини аккумуляция қилишдан бошқа имконият қолмасди. Бу эса молиявий инструментларни бозор муомаласига чиқаришнинг афзаллигини ва молия бозорининг иқтисодиётдаги аҳамиятини кўрсатади. Муҳими шундаки, эркин иқтисодиётнинг қонунлари таъсири остида молиявий капиталнинг (инструментларнинг) самарали, оператив ва ликвид муомаласи учун

объектив молия бозори муҳити шаклланади ва ривожланади. Бу муҳит эвазига иқтисодиёт самарали монетизациялашади, реал мулк ва товарлар пул ёрдами ва ўлчамида эркин молиявий инструментларга трансформацияланиб, молия бозорида уларнинг объектив нарҳи шаклланади, натижада иқтисодиёт қонунларига асосланган молиявий ресурслар билан боғлиқ инвестицион фаоллик ривожланади ва иқтисодий ўсиш таъминланади. Айтиш жоизки, пул ҳам капитал сифатида қимматли қоғозга ва кредитга трансформацияланиб бозор муомаласида бўлиши мумкин.

Айнан юқорида айтилганларнинг асосида молия бозори алоҳида бозор муҳити сифатида эффективлилик даражасига эришади. Бунда молиявий инструментлар (қимматли қоғозлар, банк капиталлари, бошқа турдаги молия воситалари ва маҳсулотлари) монетизациялашган реал базис ва шу асосда иқтисодиёт ва молия бозорини эквивалентлиги махсус самарали иқтисодий-ҳуқуқий механизм билан таъминланганлиги тушунилади.

Молия бозорининг юқори даражада ташкиллашганлиги унинг алоҳида фаолият механизми билан белгиланади. Бу механизм иқтисодиётнинг қонун ва категорияларини тўлиқ амал қилиши негизида (6-чи иловага қаралсин) ва давлатнинг регулятив (административ ва индикатив тарзда) сиёсати асосида молия бозорининг барча қатнашчиларини бевосита иштироки натижалари билан белгиланади, давлат ва иқтисодиёт субъектлари томонидан биргаликда ҳаракатга келтирилади.

Молия бозори муҳити табиатдан юқорида келтирилган ҳоссалар ва ўзаро боғланган унсурлар билан тўлдирилган қандайдир тизимли фазо (эфир) деб қаралса, унда у илмий нуқтаи назардан маълум бир қувват потенциалига эга бўлади.

Молия бозорининг қувват потенциали унинг унсурларини (асосан қатнашчиларини) муҳит ичида ўз манфаатлари мақсадида (йўлида) қандайдир кучланиш билан таъсир этувчи кучи миқдори билан ифодалаши мумкин. Бозор қатнашчиларининг мафаатлари бир-бирига зид бўлганлиги муносабати билан бозорда маълум шароитларда кучлар мувозанати вужудга келади, яъни

молия бозорида талаб ва таклифнинг мувозанат ҳолати пайдо бўлишини кузатиш мумкин. Одатда, бу мувозанат қисқа вақтдан сўнг тез бузилади. Масалан, бозорда харидор арзонга олишни хоҳлайди, сотувчи эса қимматроққа сотишга ҳаракат қилади. Пировардида, икала тараф муайян вақтда копромиссга келади, натижада вақтинчалик манфатлар мувозанати вужудга келади. Лекин вақт ўтгач, бозор қуввати потенциали ўзгариши билан тарафлар манфаати ҳам ўзгаради, натижада янги мувозанат (компромисс) ҳолатига замин пайдо бўла бошлайди ва ҳ.к. Умуман олганда бозор тенденцияси (динамикаси) тўлқинсимон спекулятив сакрашлар тусини олади. Молия бозорининг бу хусусияти айниқса қимматли қоғозлар сегментида (бозорида) кучли намоён бўлади. Молия бозорининг ушбу хусусияти уни ҳом-ашё ва бошқа турдаги товар (жумладан хизматлар) бозорларидан фарқлайди. Бунга сабаб, товар ва ҳом-ашё бозорларидаги таклиф ишлаб чиқаришга боғлиқ, талаб эса истеъмолга боғлиқ. Лекин, таклиф талабдан келиб чиқади ва аксинча, талаб таклифдан келиб чиқади, яъни улар бир-бирида мужассамланиб, сабаб-оқибатий боғлиқликда бўлади.

4.2. Молиявий глобаллашувда валюта–кредит сиёсат.

Молиявий глобаллашув XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланган иқтисодий интеграциянинг бир бўлаги фатида келиб чиқди. Лекин молиявий глобаллашувнинг кўпгина элементлари молиявий соҳа: бўш пул маблағлари ҳажмининг ўсиши ва уларнинг мамлакатлараро эркин ҳаракатланиши, янги молиявий инструментларнинг вужудга келиши, коллектив валюталарнинг шаклланишининг ривожланиши эвазига пайдо бўлди.

Халқаро молия муносабатлари молиянинг ўзидаги қатор ўзгаришлар таъсирида ҳам такомиллашади. Жаҳон ташқи савдоси таркибидаги молиявий хизматларнинг улуши тез суръатлар билан ўсмоқда. Янги турдаги молиявий хизматлар ва молиявий инструментлар пайдо бўлмоқда. Давлатлар ўртасидаги молиявий алоқалар дифференциаллашмоқда ва янада мураккаблашмоқда. Қайта ишлаб чиқаришнинг молиявий аспекти охириги ўн йиллик ичида

Ўзининг таъсирини сезиларли тарзда оширди. Бу, хусусан, капитализациянинг ўсиши, яъни компанияларнинг нархи, акцияларнинг биржада муомала қилиниши. Капитализация даражаси бутун молиявий глобаллашувнинг муҳим кўрсаткичига, фонд бозорларини тартибга солиш эса молиявий глобаллашувнинг муҳим муаммоларидан бирига айланмоқда.

Қоида бўйича, ҳамма халқаро молиявий операциялар валюта алмаштириш билан боғлиқ. Халқаро молия муносабатларида валюталарнинг универсал роли, албатта, асосий ўринга эга. Бу, авваламбор, ҳисоблар тизимида ўз аксини топади. Бир мамлакатдан товар ва хизматларнинг иккинчи бир мамлакатга оқими қарши пул оқимларини туғдиради. Ҳар хил мамлакатларнинг пуллари қандайдир тартибда бир-бирларига алмаштирилишлари лозим. Бунда валюталар курси, тўловнинг шакллари ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи аниқ молия муассасалари муаммоси келиб чиқади. Ҳисоб-китоблар одатда кредит ва суғурта операциялари билан боғлиқ бўлади. Алоҳида бир муаммо – миллий ва жаҳон ҳисоб-китоб қоидалар нисбати, бу ерда ҳам ягона жаҳон қоидаларига ўтиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам, жаҳон ҳисоб-китобларини яхшиловчи йўналишларини узлуксиз такомиллаштириш жараёни давом этмоқда. Сўнгги йиллар давомида ҳисоб-китоблар соҳасига электрон технологияларни жорий қилиш ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ҳисоб-китобларнинг халқаро молия соҳаси сифатидаги аҳамияти ҳисоб-китоб ишларининг мукамаллашуви натижасида бир неча давлатларнинг тўлов союзларининг пайдо бўлишида кузатилади. Бундай уюшмалар (союзлар) ушбу мамлакатлар иқтисодиёти ва молияси интеграллашувининг таркибий қисми ёки бошланғич нуқтаси бўлиши мумкин.

Молиявий глобаллашув учун пул маблағларининг бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга ўтишининг ўзгариши алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳаёт шуни кўрсатдики, сиёсий соҳада ўз мустақиллигини эълон қилган ҳамма мамлакатлар ҳам, шундай мустақилликни иқтисодиёт соҳасида эришишга ҳам даъвогар бўла олмайдилар. Биринчи навбатда, бу уларнинг

миллий пулларига боғлиқ. Молиявий глобаллашув ҳамма валюталарнинг тенглиги асосида амал қила олмайди. Амалиётда жаҳон иқтисодий муносабатларида ҳақиқатан ишлатиладиган валюталарнинг “табиий танлови” ўтказилади. Жаҳон иқтисодий ва молиявий алоқаларнинг ривожини интернационал битимлар иштирокчиларининг ишончини қозонган резерв валютанинг вужудга келишига олиб келди.

Валюта тизимининг бирлиги бўлиб, бир ёки бир нечта резерв валюталар ва халқаро ҳисобрақамларда ишлатиладиган пул birlikлари ҳисобланади. Резерв валюта ёки асосий валюта ривожланган етакчи давлатнинг халқаро тўлов, резерв воситаси функциясини бажарувчи валюта паритетини аниқловчи ва ташқи валюта курсини таъминловчи восита бўла оладиган валютасидир. Ҳозирги кунда резерв валютага фунт стерлинг, АҚШ доллари, ЕВРО, Швейцария франки, Япония иенаси киради.

Ҳозирги пайтда 3 та йирик халқаро валюта бзори маркази ажралиб туради.

1. Америка бозори – АҚШ, Канада, Мексика халқаро валютанинг 40%и алмашади.

2. Европа бозори – Лондон, Париж, Франкфурт, Цюрих ва бошқалар. Халқаро валта 40%и алмаштирилади.

3. Осиё бозори – Токио, Сингапур, Сян-ян, Бахрайн халқаро валютанинг 20%и алмаштирилади.

Кенг кўламли моливий глобализация шароитида Ўзбекистоннинг ушбу жараёнга интеграциялашуви мамлакатимизда хорижий валюталар бозорини эркинлаштиришни тақозо этади.

Чет эл валта бозорини либераллаштириш жараёни 2000 йилнинг май ойидан бошланди. 2000 йилнинг май ойидан бшлаб амалда ва турли хил валюта операцияларини ўтказишда қўлланиб келинган биржа ва биржадан ташқари айирбошлаш курслари унификациялаштирилди. Бундай чора биржа курси сўмнинг девальвациясини биржадан ташқари даражага етказишга асосланган эди. Ҳамма операциялар учун МБнинг ягона курси ишлатила

бошлади.

2000 йил 1 июлга келиб чет эл валюта бозори биржа ва биржадан ташқари бозорларга бўлинди. Сўмнинг конвертацияси, яъни чет эл валютасига алмаштириш операциялари биржадан ташқари бозорда ўтказила бошланди. Илгари бундай операциялар Ўзбекистон Республикаси валюта биржаида ўтказиларди.

Кейинги йилларда нақд чет эл валютаси билан операциялар ўтказиладиган бозорларни эркинлаштириш, валюта алмаштириш операцияларини кенгайтириш вазифасидан бир қатор ишлар қилинди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида мингдан ортиқ айирбошлаш шохобчалари ва 26 та ваколатли банклар фаолият кўрсатиб турибди. Жисмоний шахслар – резидентлар томонидан нақд чет эл валюталарининг сотилиши билан бирга ваколатли банклар обрўли чет эл банклари ҳамда чет эл молия институтлари томонидан чиқарилган эмитентли йўл чекларини сотиш йўлга қўйилди.

Маълумки, валюта муносабатларини такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз кетганда албатта валюта тизимини эркинлаштириш чора-тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш жараёнлари назарда тутилади. Масалага шу нуқтаи назардан ёнлашилганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда валюта муносабатлари тизими ва унинг амал қилиш механизмлари сезиларли даражада эркинлаштирилди ва янада эркинлаштирилмоқда. Жумладан, жорий халқаро операциялар бўйича эркин конвертациянинг таъминланганлиги, биржа ва биржадан ташқари валюта бозорининг такомиллаштирилганлиги, нақд хорижий валюта билан савдо қилиш тартибларининг соддалаштирилганлиги, улар қўламларининг кенгайтирилганлиги, валюта курсларининг унификацияланганлиги, валюта тушумлари мажбурий сотувнинг такомиллашганлиги, валютавий чекловларнинг бекор қилинганлиги шулар жумласидандир.

Валюта муносабатлари тизимини эркинлаштириш чора-тадбирлари, ўз навбатида, валюта операциялари ва ташқи иқтисодий алоқалар бўйича

фаолиятни сезиларли даражада рағбатлантириш билан бирга улар ўртасидаги валютавий хавф-хатарларнинг таъсирчанлигини ҳам кескин кучайтиришга олиб келади. Чунки бозор инструментларининг хатти-ҳаракати айнан шунга асослангандир.

Валюта муносабатлари тизимини эркинлаштиришда қуйидаги асосий омиллар ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) валютавий хавф-хатарларга кўпроқ тортилган бўлади. Булар:

- Экспортчиларнинг валюта тушумлари;
- Импортчиларнинг валюта харажатлари;
- Валюталарнинг муомаласи (накд ва накдсиз валюталарнинг олди-сотдиси);
- Ўзаро ҳисоб-китоблар.

Экспортчиларнинг валюта тушумлари билан боғлиқ хавф-хатарлари кўпроқ импортчилар томонидан экспортчи томонининг миллий валюта алмашув курси ўзгаришларини кутиш билан тавсифланади. Бошқача айтганда, Ушбу ҳолат импортчи учун валюта маблағларининг анча тежамкорлигини келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, миллий валюта курсининг пасайиши импорт товарлари нархининг ўсишини ва у товарларга бўлган аҳоли истеъмолининг камайишини (пасайишини) ҳам келтириб чиқаради. Ва аксинча, миллий валюта курсининг ошиши импорт товарлари нархининг пасайишини ҳамда аҳолининг шу товарларга истеъмоли кўпайишини вужудга келтиради. Ушбу ҳолатлар, ўз навбатида чет Эл валютасига бўлган талаб ва таклиф ҳажмининг ҳам шунга мос равишда тебранишига олиб келади.

Валюта курсининг ўзгариши ишлаб чиқарувчиларга ҳам турлича таъсир кўрсатади. Хусусан, валюта курсининг ошиши (миллий валютанинг мустаҳкамланиши) энг аввало, экспортга йўналтирилган соҳаларга ўз салбий таъсирини кўрсатади. Миллий валютанинг қимматлашиши экспорт қилинаётган товарлар нархининг ошишга, уларни сотиш ҳажмининг пасайишига ва шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига олиб

келиши мумкин.

Импортчиларнинг валюта харажатларидаги ўзгаришлар ҳам бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, кўпроқ валюта курслари ўзгаришларидаги хавф-хатарга тортилган бўлади. Миллий валюта курсининг қадрсизланиши импортчи учун ушбу валютани тўплаш сарф-харажатларини олдинги харажатларга нисбатан тежаш имкониятини беради. Валюта курсининг пасайиши (миллий валютанинг қадрсизланиши) шунингдек, ишлаб чиқариш ҳолати ҳам ашё, асбоб-ускуналар ва бошқа арзон баҳоли маҳсулотларнинг импорти нисбатан устиворликка эга бўлган корхоналарга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Валюта курсининг ўзгариши хавф-хатарига сезиларли даражада тортилмаган соҳалар ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан маҳаллий ҳам ашёдан фойдаланган ҳолда ички бозорга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқарувчилардир (иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар). Бошқача айтганда, ушбу субъектлар ўз фаолиятида экспорт ёки импорт билан шуғулланмайдиган корхоналардир.

Валюталар муомаласи билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳақида сўз борганда, нақд ва нақдсиз валюталарнинг олди-сотдиси назарда тутилади. Мазкур жараённинг фаолияти ҳам кўпроқ валюта курси ўзгаришларидаги таъсирларга боғлиқ бўлади. Курс ошса валютани харид қилишга бўлган талаб камайиб, таклифни оширади. Ва аксинча, курс пасайса, валютани сотиб олишга бўлган талабни ошириб, таклифни қисқартиради.

Ўзаро ҳисоб-китоблар жараёнидаги хавф-хатарлар томонларнинг валюта курси ўзгаришларини кутиш орқали ўз мажбуриятларининг кечиктирилиши билан изоҳланади. Бундай хатти – ҳаракатларнинг онгли равишда содир этилиши кечиктирилган кун учун пеняларни тўлашдан фарқли равишда юзлаб, миллионлаб, ҳаттоки миллиардлаб маблағларнинг бой берилишига олиб келиши мумкин.

Мавзу бўйича таянч сузлар:

иқтисодиётнинг
монетизациялашгани,
курсларни унификациялаштириш,
халқаро капитал ҳаракати

реал инвестицион база,
капитализация даражаси,
валюта муомаласи хавф-хатари,
молиявий технологиялар

Мавзу бўйича саволлар

1. Глобаллашган молия бозорининг хусусиятлари
2. Глобаллашган молия бозорининг инфратузилмаси
3. Халқаро кредитлаш молия бозорлари
4. Халқаро кредитлаш портфел инвестициялари
5. Глобаллашган молия бозорининг турлари
6. Халқаро капиталлар бозорлари, уларнинг сифат ва миқдорий ўзгариши
7. Молиявий глобаллашув шароитларида қимматли қоғозлар бозорини ҳаракатлари
8. Халқаро ўттизлик гуруҳининг таклифи.

V Боб. Ўзбекистон ва глобаллашув жараёнлари

5.1. Ўзбекистоннинг жаҳон глобаллашуви шароитидаги сиёсати.

5.2. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви хусусиятлари.

5.3. Ўзбекистонни Халқаро ташкилотлар билан муносабати.

Ўзбекистоннинг ўнлаб йиллар мобайнида ташқи дунёда ажралиб қолганлигини бартараф этганлигини, мустақил ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланганлиги ва амалга оширилиши иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида қўлга киритилган муҳим натижалар ҳисобланади.

Мустақиллик йиллари очик иқтисодни вужудга келтириш учун зарур бўлган сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий заминни барпо этиш йиллари бўлди. Мустақил тузум қулагач, ташқи савдодаги иттифоқнинг ташқи савдога бўлган монополияси, у билан бирга ташқи алоқани бошқарувчи ҳуқуқий меъёрлар, экспорт ва импортни марказлашган ҳолда шакллантирувчи умумиттифоқ тизими, валюта ресурсларни тақсимлашни иттифоқ миқёсида бошқариш барҳам топди.

Умумиттифоқ ташқи савдо ва ташқи иқтисодий тузилмаларнинг йўқ бўлиши, республикада уларнинг мавжуд эмаслиги, жаҳон бозори конъюктурасини яхши билмаслик, ташқи савдо бўйича билимдонлиги малакали мутахассисларни жуда ҳам етишмаслиги бошланғич даврда ташқи сиёсат борасида қийинчиликларни юзага келтирди. Махсулотнинг экспорт ҳажми қисқарди, валюта тизими камайиб кетди, ўзбек экспортчиларини анъанавий бозорлардан сиқиб чиқариш бошланди. Собик иттифоқ республикаларининг жаҳон бозорига оммавий ва пала-партиш тарзда махсулот чиқаришлари туфайли пахта толаси, олтин, рангли металл, нефть ва бошқа хом-ашё ресурсларнинг нархи пасайиб кетди.

Мавжуд вазият ташқи иқтисодий мажмуани бошқаришда ўз тизимимизни жадал шакллантиришни, ташқи алоқаларни йўлга қўйишда ўз

тамойилларимизни ишлаб чиқишни, Ўзбекистонни жаҳон иқтисодий тизимига уйғунлашиш йўлини мустақил белгилашни тақазо этди. Бу ташқи иқтисодий фаолиятни маъмурий чекловларни кескин қисқарган ва уларни халқаро миқёсда қабул қилинган меъер ҳамда қоидалар, ташқи савдони бошқаришни бозор воситалари билан алмаштиришни биринчи ўринга қўйди.

Мустақил давлат сифатида, Ўзбекистон очик иқтисодиётни шакллантириш бўйича ишларни фаол олиб борди. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларда, халқаро меҳнат тақсимоотида кенг иштирок этиши очик турдаги иқтисодни барпо этишнинг асоси ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамиятига, шу жумладан Халқаро молия ташкилотларига кириш Ўзбекистон учун энг муҳим ва эътиборли вазифадир.

Ўз манфаатларини кўзлаб сиёсат юритаётган, мустақил халқаро субъект бўлган республика суверенитетини ҳуқуқий таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши муҳим қадам бўлди. 1992 йилда бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни ташкил этишни чуқур ислоҳ қилишга тўғри келди. Унинг зиммасига ҳам халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларга киришда ташкилий тадбирлар ўтказиш бўйича вазифалар тушди.

Бу тадбирлар амалга оширилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳамкорликнинг кўп қиррали халқаро механизмига фаол киришди, БМТнинг нуфузли иқтисодий ихтисослашган муассасаси – халқаро молиявий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Булар турли даражадаги халқаро ташкилотлар – БМТ ва унинг муассасалари, хусусан Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа кенгаши уюшмаси, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, RBS банк ва бошқалар. Кўпгина ХМИ республикада ўз минтақавий ваколатхоналарини очдилар ва шериклари билан фаол ҳамкорлик қилмоқдалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги куйидаги тамойиллар асосида кўрилган ва қурилади:

Биринчидан, бу – ташқи дунё билан Ўзбекистоннинг барча хўжалик

юритувчи субъектлари ҳамкорлиги учун тенг ҳуқуқли шaroит яратиш асосида халқаро валюта молия ва савдо механизмига бевосита қўшилишнинг стратегик уйғунланиш вазифаси.

Иккинчидан, бу республика жорий муаммоларининг ҳал этилиши тўғридан тўғри қўмаклашиши, мавжуд халқаро тажриба асосида юқорида қайд этилган халқаро ташкилотлардан молиявий, техникавий ёрдам олиш. Кейинчалик асосий қонунлар қабул қилинди, Президент Фармонлари чиқди, ҳукумат қарорлари эълон қилинди, булар ташқи алоқаларни кенгайтиришнинг, бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришнинг, республика экспорт салоҳиятини оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлди. Бу қонунлар, фармонлар, меъёрий ҳужжатлар ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги халқаро битимларни тузиш ва бажариш, республика, юридик ва жисмоний шахслар чет элдаги Ўзбекистон фуқароларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг асосий шартларини ифодалашга имкон берди, республика ҳудудида чет эллик инвесторлар фаолиятини кафолатлади. Шунини таъкидлаш зарурки, қўмаклашишда бизнинг мамлакатимиз каби ривожланаётган мамлакатларга устуворлик берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан кейин республика ва унинг халқи манфаатларига мувофиқ келадиган мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш имконияти туғилди. Шулардан энг муҳими республиканинг ташқи дунёдан бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолганлигига барҳам берилди.

Натижада халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш ва уни ривожлантиришга имкон яратилди ва босқичма босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро валюта фонди (ХВФ)га аъзолик тўғрисида”ги қонунини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 21 сентябрда ХВФга аъзо бўлиб

кирди. Вазирлар Маҳкамасининг 93-Ф рақамли 1993 йил 27 мартдаги Фармойишига мувофиқ республиканинг ХВФ имзо квотасига тўлов амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, юқорида айтиб ўтилган халқаро молия ташкилотларининг алоқа агентлиги ва авуарлар депозитарийси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг мазкур муассасаларга аъзолиги билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш ваколатига эга.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати билан келишган ҳолда Молия вазирлиги ва Марказий банк юқорида қайд этилган халқаро ташкилотлар олдидаги қарз маблағлар олиш, тўлов фоизларини бериш ва республика номидан қарз мажбуриятларини жойлаштириш билан боғлиқ молиявий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажаришни таъминлайди.

Ўзбекистонга ХВФнинг миссияси техникавий ёрдам кўрсатиш ва ҳукуматда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида консультациялар ўтказиш мақсадида мунтазам келиб туради. Миссиянинг фаолияти иқтисод, молия шубҳаси ва статистика соҳасидаги ишнинг аҳолини ўрганишга, шунингдек, кейинги иқтисодий ислохатлар йўналишини аниқлашга қаратилган.

ХВФ экспертларининг ўрганишлари натижаси бўйича тасвири ва аналитик материаллар ишлаб чиқилади, макроиқтисодиёт соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йуллари ҳақида тавсиялар тайёрланади, булар барчаси Марказий банк томонидан амалиётда ҳисобга олинади.

Бундан ташқари ХВФ билан битимнинг “Валюта тартибига нисбатан мажбуриятлар” моддасига мувофиқ Фонд миссияси бир йилда камида бир марта Ўзбекистондаги жорий макроиқтисодий ва валюта сиёсатининг обзорини ўтказади. Миссия иши натижалари бўйича тегишли ҳисобот тайёрлаш билан бирга ХВФ ижрочи директорлари кенгаши муҳокамасига масала олиб чиқилади.

Халқаро Валюта Фонди экспертлари билан биргаликдаги ҳамкорлик ва

ишлаш муайян ижобий натижаларни берди.

ХВФ вакиллари фикрига кўра, 2004-2007 йилда мамлакатимиз иқтисодиётидаги асосий ижобий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

✓ жорий операциялар бўйича валютани эркин айирбошлаш тизимининг жорий етилиши ва унинг самарали амал қилиши ташқи савдо айланмаси ошиши ва умуман иқтисодиётнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши;

✓ пул-кредит тизими мустаҳкамланиши;

✓ ширкатларнинг хусусий фермер хўжаликларига айлантирилиши кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсишига самарали ижобий таъсир кўрсатиши;

✓ бюджет интизоми мустаҳкамланди, ягона хазина тизими жорий етилди ва бюджетнинг ўрта муддатли тезкор режалаштириш дастури ишлаб чиқилиши.

✓ фуқароларнинг шахсий жамғарма ҳисоб рақамлари ҳисобининг сифатли юритилишини таъминлаш учун "Халқ банки" тизимини институционал жиҳатдан мустаҳкамланишини.

✓ хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, айти чўғда хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай рағбатлантирувчи шарт-шароитлар яратилганлиги фўят муҳимдир.

ХВФ банк қонунчилигини, бухгалтериянинг ҳисобга олиш ҳисоб рақамлари янги режасини халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқишга, шунингдек ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг янги тизимини жорий этишга қумаклашди, бу банк назорати самараси ва унинг меъёрий негизи даражасини ошириш имқонини берди. ХВФнинг техникавий қумагитуловлар электрон тизимини жорий этиш ва статистика маълумотлари йиғиш тизимини яхшилашга олиб қелди.

Бундан ташқари ХВФнинг ўқув муассасаларида ёки унинг молиявий қумагида етакчи иқтисодий муассаса (Молия Вазирлиги, Иқтисодиёт Вазирлиги ва Марқазий банк)лар қодимларини ўқитиш амалга оширилмоқда.

Давлат молияси бошқарувини барқарорлаштириш мақсадида ХВФ кредитлари миллий валютани қўллаб-қувватлаш, тулов балансини мустаҳкамлашга ажратилди ва бевосита Ўзбекистон ҳукуматига берилади. 1995 йил 25 январда ХВФ Ўзбекистон Республикасига тизимли қайта қуриш ҳукумат программаси доирасида биринчи маблағ ажратишни тасдиқлади, уни республикамиз 1995 йил 1 февралда олди ва Ўзбекистон Республикаси валюта биржасидаги сотув йўли билан миллий валютани қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Асосий қарзни узиш 5,5 йилга мўлжалланган (1999-2005 й).

Иккинчи транж бўйича маблағ 1995 йил декабрда олинди, у ҳам миллий валютани қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

1995 йил 18 декабрда ХВФ Ўзбекистон Республикасига “Сенд-бай” кредитини берди, у 1995 – 1996 йиллардаги иқтисодий ислохатлар ҳукумат программасини қўллаб-қувватлаш учун ХВФдаги Ўзбекистон Республикаси квотасининг 62,5% микдорида 15 ойга мулжалланади. Маблағнинг қолган қисми ҳар уч ойликда 5 та тенг улушларда 1996 йил ва 1997 йил биринчи уч ойлигида ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро валюта фонди билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш туғрисида”ги 1998 йил 18 мартдаги 118 қарори билан иқтисодий ислохатларни янада ривожлантириш мақсадида валюта ва савдо тизимини янада эркинлаштириш бўйича тадбирларни амалга оширишга атрофлича ёндошишни ишлаб чикувчи ишчи гуруҳи тузилди. Унинг зиммасига ташқи савдоси тартибга келтиришни янада яхшилаш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлаш, валюта тизимини эркинлаштириш ва жорий операциялар бўйича миллий валютанинг алмаштришига эришиш ҳамда бир маромдаги алмашинув курсини белгилаш, шунингдек ХВФ билан бундан буён ҳамкорликка ёндошиш ва унинг тамойиллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юклатилди.

Ривожланган мамлакатлар, МДХ ва Шарқий Европа мамлакатларининг халқаро тажрибаси шуни кўрсатадики Давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтиш – бу давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш

йўлидаги енг самарали механизм.

Шу ўринда Жаҳон Банки лойиҳанинг асосий ҳамкори ҳисобланиб, у лойиҳа учун имтиёзли кредит ажратган. 2002 йилнинг 5 августида Вазирлар Маҳкамаси Жаҳон Банки билан лойиҳани тайёрлаш учун 400,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги аванс олишга шартнома тузди. 2003 йил май ойида Япония ҳукумати 500,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги ПХРД грантини беришга розилик берди. Ушбу грант Ғазначилик ахборот тизимида техникавий ва дастурий таъминот талабларини ишлаб чиқиш учун ажратилган.

Ўтказилаётган ислоҳатлар Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон банки томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Шу жумладан ХВФ ўзининг доимий маслаҳатчиси Жон Зоҳрабни Молия Вазирлигида 2003 йил феврал ойидан 2005 йил феврал ойигача ишлади.

Ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган аналитик таклифларда ҳозирги вақтда амал қилаётган валюта ва савдо тартибларининг ўзига хос томонлари таъкидланади, шунингдек, эркинлаштиришнинг турли қурилишлари (жадаллаштирилган ва тадрижий эркинлаштириш) таҳлили ўтказилади. Бундан ташқари, ҳужжатда халқаро ташкилотлар томонидан эркинлаштириш бўйича тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари муҳокама этилади, шунингдек, жорий халқаро операциялар бўйича алмаштирилиши тўғрисидаги ХВФ билан битимнинг VIII моддаси қабул қилиниши истиқболи ҳам қуриб чиқилади.

Шу билан бирга эркинлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш қисқа муддатлар ичида бир қатор нохуш вазиятларга, шу жумладан аҳоли кўтараётган инфляция ўсишига, пул-кредит ва бюджет тизимида қисқа вақтга бўлса ҳам тазйиқ ўтишига, шунингдек баъзи корхоналарда вақтинчалик молиявий кийинчиликлар бўлишига олиб келиши мумкинлиги маъқулланади. Уларни минималлаштириш мақсадида эркинлаштириш ва расмийлаштириш курсини тўғрилаш билан бир вақтда, келишиб олинган тартибда пул-кредит ва бюджет сиёсатини утказиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида куриб ўтилганлардан республикада юритилаётган макроиктисодий сиёсатни ҳисобга олиб, валюта бозорларини босқичма-босқич эркинлаштириш сиёсати маъқул қурилди.

Биринчи босқичда валютани сотишда расмий курсга 12 фоизли маржа олишни бекор қилиш ва банклар оладиган комиссонка чегарасида валюта бозори ва биржадан ташқари бозор алмаштириш курсини уйғунлаштириш таклиф этилди. Шу билан бирга самарали валюта сиёсати ўтказиш учун сўм расмий курсини ўзгартириб кейинчалик инфляция суръатидан илгарилаб кетишига қарор қилинди.

Эркинлаштириш бўйича тадбирларни ўтказиш даврида Марказий банк олиб бораётган пул-кредит ва фоиз бўйича сиёсатни кескинлаштиришни мўлжалламоқда. Валюта тартиби ва ташқи савдо тизимини кескин пул-кредит сиёсати шароитларида эркинлаштириш инфляция паст бўлган иқтисодий муҳит ва барқарор иқтисодий ўсишга олиб келади, банк тизимида ва истеъмол моллари бозорида рақобатни оширади, экспорт имкони ошишига қулай шароит яратади. Шу билан бирга ялпи халқаро захиралар бир маромда ушлаб турилади ёки келажакда барқарор алмаштириш курси таъминланганда ошиб боради.

5.2. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви хусусиятлари.

Ташқи иқтисодий алоқалар мажмуасининг миллий иқтисодиётга таъсир қурсатиши муайян миқдор ва сифат қурсаткичларида баҳоланади.

Энг аввало, республиканинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштироки ва уларга жалб этилишининг қандай эканлигини билиш муҳимдир. Бу экспортнинг ЯИМга нисбати билан белгиланади ҳамда у мамлакатнинг экспорт квотаси деб аталади. У қанча юқори бўлса, мамлакат халқаро иқтисодий муносабатларга шу қадар юқори даражада жалб этилган бўлади. Масалан, АКШнинг экспорт квотаси 10-15 фоизга, Германия, Франция, Италия, Англияда 25-30 фоиз, Японияда 18 фоиз атрофида.

Узбекистонда экспортнинг ЯИМдаги улуши 10-12 фоизни ташкил этмокда.

Бирок, ушбу курсаткич халқаро иқтисодий муносабатларнинг сифат тузилишини курсатмайди. Шу сабабли, мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги иштирокини акс эттирувчи яна бир курсаткич - экспортнинг мамлакат саноат ишлаб чиқаришига нисбатидан фойдаланилади. Ривожланган мамлакатлар учун мазкур курсаткич тахминан 40-50 фоизга тенг. Бу эса, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ярми ташки бозорга олиб чиқиб кетилишини англатади. Мамлакатнинг ташки иқтисодий муносабатларга жалб этилганлигининг яна бир курсаткичи - экспортнинг эластиклиги (экспорт ва ЯИМ узиш суръатларининг нисбати) билан ҳам белгиланади. Эластикликнинг бирликдан юқори булиши мамлакатнинг халқаро иқтисодий операцияларда шунча куп иштирок этишини англатади. Ташки иқтисодий алоқалардан келадиган самара жуда куп микдордаги экспорт, импорт, кредит ва бошқа операциялар, шунингдек, техникавий ва бошқа хизматлар курсатиш буйича барча иштирокчиларнинг бу соҳадаги фаолияти натижаларидан таркиб топади.

Хозирги боскичда ҳар қандай давлатнинг тез суръатларда ривожланишини хорижий инвестицияларни жалб этмай туриб таъминлаб булмайди. Ташки иқтисодий муносабатлар ҳам янги сифатларга эга булиб бормокда: икки мамлакатнинг ҳужалик вакиллари уртасида савдо ва хизмат курсатишдан ташқари, алоҳида ишлаб чиқариш, молия ва савдо-молия алоқалари ҳам ривожланмокда. Бевосита чет эл инвестицияларининг узиб бориши, шунингдек, социалистик тизимнинг парчаланиши ва бир қанча янги мамлакатларнинг жаҳон бозорларига қушилиши, сармоя жалб қилувчи мамлакатлар учун янги муҳим жараёнларни келтириб чиқаради. Бу жараёнларга қуйидагилар қиради:

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) уртасида рақобат қураши. Ташки иқтисодий алоқаларнинг тобора байналмилаллашуви ва эркинлашуви миллий компанияларнинг "бандаргоҳида" ҳавфсизликда яшашга тобора

камрок имкониятлар колдирмокда. Миллий компанияларни истеъмолчи ва махсулот сотиш бозорлари учун ТМК билан ракобат килишга мажбур этмокда. Натижада, ТМКлар янада "сезиларли" даражада махсулотни арзонлаштирмокда ва унинг сифатини яхшилаш сари бормокда. Мазкур тамойил ривожланаётган ва утиш даври иктисодиётига эга мамлакатларнинг (тегишли шароитлар мавжуд булганда) юкорида тилга олинган жараёнга узининг илмий ва интеллектуал кувватини жалб этиш имкониятларини оширади.

Мамлакатлар уртасида инвестициялар учун ракобат кураши. ТМКлар томонидан ажратилган инвестициялар хажми усиш суръатларининг асосий сабабларидан бири - уларнинг узи билан маблаг, менежмент, нау-хау каби яккол ажралиб турадиган ва сезилмайдиган жуда куп активлар, шунингдек, жахон бозорларида ишлаш тажрибаларини ва куникмаларни олиб кириши билан изохланади. Натижада, кейинги йилларда нафакат ривожланаётган мамлакатларнинг, балки ривожланган мамлакат ҳукуматларининг ҳам инвесторлар учун кулай мухитни шакллантиришга интилиши ортмокда. Ушбу, биринчи навбатда, ҳукукий соҳага тегишли булиб, биргина 1991 йилдан 1994 йилгача булган вақт оралигида, дунёда чет эл инвестициялари буйича мавжуд конун ҳужжатларига 373 та узгартиришлар киритилган. Улардан 368 таси конунчиликни эркинлаштиришга багишланган. Утган асрнинг 90-йиллари урталарида инвестицияларни узаро химоя килиш буйича 900 дан ортик икки томонлама битимлар тузилган.

Хорижий сармоядорлар, потенциал инвесторлар биринчи навбатда фойда олишдан манфаатдор, аммо инвестициялар билан боглик рисклар уларни жиддий хавотирга солади. Инвесторларни узига тортадиган асосий омиллар: ривожланган инфратузилма, ишончли ва малакали меҳнат ресурслари, даромад ва капитални чет элга утказиш, ҳукукий кафолатлар, шунингдек, ижтимоий ва сиёсий баркарорлик кабилардан иборат.

Бугунги кунда бевосита инвестиция окими фойда олишнинг янги имкониятларига чаккон юз тутди ва шунинг учун ҳам, у ишлаб чиқариш,

иш хаки потенциал меҳнат унумдорлигига нисбатан паст бўлган жойларга кучмоқда. Мамлакатга чет эл маблағларини ТМКлар кучок очиб фойдаланишга тайёр турган ички бозордаги хомийлик ҳисобига эмас, балки оқилона иқтисодий тамойиллар асосида жалб этиш муҳимдир.

5.3. Ўзбекистонни Халқаро ташкилотлар билан муносабати.

Ҳар бир мамлакат жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, молиявий глобализация шароитида турли хил молия ташкилотларига аъзо бўлишга, улардан молиявий кўмак олишга интиладилар. Шунинг учун ҳам молия институтларнинг аҳамияти глобаллашув жараёнида тобора ўсиб бормоқда. Қуйида асосий молиявий ташкилотлар ва уларнинг фаолияти тўғрисида баъзи маълумотларни келтираман.

Халқаро Иқтисодий Ташкилотлар (ХИТ).

Халқаро иқтисодий ташкилотлар (ХИТ) халқаро битим асосида маълум иқтисодий алоқаларни (валюта, кредит, солиқ, транспорт, товар алмашуви ва х.к) олиб бориш мақсадида тузилган ташкилотдир.

ХИТ – тузилишининг асосий мақсади жаҳон ҳамжамиятида ёки маълум минтақада иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдир.

ХИТ лар фаолият кўлами нуқтаи назаридан жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий ташкилот бўлиши мумкин.

Жаҳон миқёсидаги (умумжаҳон) ХИТ лар: Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Умумжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, БМТ нинг Иқтисодий-ижтимоий кенгаши, унга тегишли махсус муассасалар, Жаҳон Ислом конференцияси ташкилоти ва х.к.

Минтақавий ХИТ лар: Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО), БМТ нинг минтақавий ташкилотлари – ЭСКАТО, ЕЭК ва х.к.

ХИТ шу ташкилотнинг умумий принциплари ва йўналишини белгиловчи юридик ҳужжат асосида ўз фаолиятини олиб боради. Бу ҳужжат ҳар бир аъзо томонидан имзоланиб, низом (устав), декларация ёки битим тарзида бўлади.

Нима учун бу ташкилотлар ҳақида чуқурроқ билишимиз керак? Чунки

дунё ҳамжихатлигига, иқтисодий ҳамкорлик ривожини таъминлашга, интеграцион жараёнларга бир томондан давлатлараро муносабатлар билан чиқилса, иккинчи томондан, айнан шу ташкилотлар фаолиятида қатнашиш орқали эришилади.

Жаҳон ҳамжихатлигида бўлиш, унда муҳим ўрин эгаллаш давлат мавқеини мустаҳкамлаб, халқ фаровонлигини таъминловчи катта омил бўлиб келган.

Халқаро ташкилотларнинг ҳукуматлараро, шунингдек ҳукумат ташкилотлари бўлмаганлари ҳам, халқаро молиявий бозорларнинг ривожланишига маълум таъсир кўрсатади.

Давлатнинг хохиш иродасини ифодалаш билан, давлатлараро ташкилотлар узларининг ваколатлари доирасида таъсис хужжатларида мустаҳкамланган бўлиб, давлатлар билан бир қаторда жаҳон молия бозорлари субъектларининг нуфузларини тартибга солиб боради ва давлатлараро валюта кредит муносабатларини бошқариб туради.

Халқаро ташкилотларнинг нуфузи ва туркумлари.

Халқаро ташкилотлар – бу мустакил давлатларнинг бирлашмалари бўлиб, улар халқаро шартномалар ва низомлар асосида маълум мақсадларни бажариш учун барпо этилади ҳамда доимий ҳаракатланувчи органларга эга бўлади, шунингдек, халқаро ҳуқуқ асосида таъсис этилган бўлиб, халқаро ҳуқуқий субъектларга эга бўлади.

Халқаро ташкилотларнинг туркумлари қуйидаги хусусиятларга кўра ўтказилиши мумкин: уларнинг фаолият кўрсатиш доираси ва фаолиятлар мавзуси бўйича.

Халқаро ташкилотларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин бўлади:

Давлатлараро ҳаммабоп ташкилотлар бўлиб, уларнинг мақсадлари ва фаолият мавзуси дунёнинг барча давлатлари учун қизиқиш уйғотади.

а) БМТ (асосий органлар: Бош Ассамблея, Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС), Халқаро суд ва котибият)

қуйидаги асосий мақсадларни кўзлайди:

- халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ва ушбу мақсадларда самарали жамоатчилик томонидан тинчликга хавф солувчи тажовузларни бартараф этиш ҳамда тажовузкорлик ҳолларини тинчитиш учун самарали чораларни кўриш, адолат ва халқаро ҳуқуқ тамойили асосида халқаро келишмовчиликлар ва вазиятларни бартараф этиш, тинчитиш, уларнинг тинчликка хавф солишини олдини олиш;

- тенг ҳуқуқли ва халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал этиш тамойилларини ҳурмат қилган ҳолда миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш;

- ушбу умумий мақсадларга эришиш юзасидан ҳаракатларнинг келишилган марказига айланишлик;

б) БМТ нинг ихтисослашган муассасалари – улар мустақил равишдаги халқаро ташкилотлардир. Халқаро валюта-кредит муносабатларига бевосита ва билвосита қуйидагилар қирадилар: Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва ривожланиш банки, Халқаро молиявий уюшма (ХМУ) ва Халқаро ривожланиш уюшмаси.

1. Минтақавий хусусиятлардаги давлатлараро ташкилотлар.

Бунда ташкилотлар давлат жуғрофий минтақадаги давлатлар томонидан барча масалалар юзасидан барпо этилади.

2. Халқаро ҳукуматлардан ташқари ташкилотлар.

Бу ташкилотлар халқаро ҳукуматларнинг субъектлари бўлиб ҳисобланмайди, бироқ бундай ташкилотлар ўзларининг фаолиятларини миллий, минтақавий ва халқаро тизимдаги давлатлараро ёки бошқа хусусиятларда юритади ва юридик шахс нуфузига эга бўлади.

Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ).

Халқаро ривожланиш уюшмаси 1960 йил Халқаро тикланиш ва ривожланиш банкининг қўшма ташкилоти сифатида барпо этилган. У Вашингтон шаҳрида жойлашган.

Халқаро ривожланиш уюшмасига 156 та давлатлар аъзо бўлиб кирган.

Халқаро ривожланиш уюшмаси ва Халқаро тикланиш ва ривожланиш банки ҳам бир хил мақсадларни кўзда тутди, яъни миллий иқтисодиёт доирасида нуфузли, иқтисодий ва техник жihatдан асосланган лойихалар учун заём (кредит)лар ажратишни назарда тутди.

Ташкилотлар молиявий маблағларнинг манбалари ва сармояларни бериш шартларига кўра бир-бирларидан фарқ қилади.

Шу билан биргаликда Халқаро тикланиш ва ривожланиш банки асосий молиявий бозорлардаги сармояларни банд этиш билан оддий тижорат банкларига қараганда анча имтиёзли шартлар билан беради, Халқаро ривожланиш уюшмаси эса ўз сармояларини бошқа манбалардан олгани боис, фойсиз кредитларни энг ночор мамлакатларга беради.

Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ) нинг асосий мақсадлари.

- иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- аъзо бўлган давлатларнинг турмуш даражасини оширишдир.

Молиялаш манбалари.

Халқаро ривожланиш уюшмаси молиялашнинг қуйидаги манбаларга эгадир: Халқаро тикланиш ва ривожланиш банкининг фойдаси, аъзо давлатларнинг бадаллари ҳамда қайтарилган кредитлардир.

Йилига бир марта кредитор мамлакатларнинг гуруҳлари расмий вакиллари тайинлашади ҳамда улар Халқаро ривожланиш уюшмасининг навбатдаги маблағларининг жалб қилиш юзасидан маслаҳатлар ўтказадилар. Улар биринчи навбатда қашшоқликка қарши курашиш, иқтисодий ислоҳатларни ўтказиш, менежментни ва экология муҳитини яхшилаш учун фойдаланилади.

Халқаро ривожланиш уюшмасининг фонди томонидан иқтисодий ночор мамлакатларга уларнинг ташқи қарзларини камайтириш мақсадларида имтиёзли кредитлар беради.

Халқаро ривожланиш уюшмасининг таркиби:

Халқаро ривожланиш уюшмасининг бошқарувчилар Кенгаши таркиби

ва ижрочи Директорат тузилиши жиҳатидан Халқаро тикланиш ва ривожланиш банкининг таркибига ўхшайди.

Маъмурий Халқаро тикланиш биргаликда Халқаро тикланиш ва ривожланиш банкининг ходимлари томонидан олиб борилади.

Банк Президенти томонидан Халқаро ривожланиш уюшмасининг жорий ишлари олиб борилади.

Халқаро ривожланиш уюшмасининг ходимлари 4 та қисмга бўлинади: жараёнлар, молиялаш, сиёсат, режалаштириш ва тадқиқотчиликдир.

Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ) нинг фаолияти.

Халқаро ривожланиш уюшмаси томонидан молиялаштириладиган ҳар бир лойиҳа сиёсий иқтисодий томонидан экспертиза энг самарали фойдаланиш мақсадлари аниқланади.

Халқаро ривожланиш уюшмаси одатда фоизсиз кредитларни 35-40 йил муддатларга бериш билан 10 йил давомида имтиёзли давр ҳисобланади, ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун комисион тўловлар олинади.

Кредитлар миллий давлатларнинг валюталарида берилади. Махсус ёрдамнинг дастури доирасида Сахрои Кабирдан жанубда жойлашган мамлакатлар паст даромадлар ва юқори қарзлар бериш билан қўллаб-қувватланилади.

Шундай қилиб, Халқаро ривожланиш уюшмаси ривожланаётган давлатлар бозор муносабатларининг ривожланишида ижтимоий тараққиёт учун кўмаклашади.

Халқаро молиявий бирлашмалар (ХМБ).

Халқаро молиявий бирлашмалар (ХМБ) 1959 йилда АҚШ ташаббуси билан ривожланаётган мамлакатларнинг саноатига хусусий сармояларни киритишни рағбатлантириш учун барпо этилган.

Халқаро молиявий бирлашма Жаҳон банкининг гуруҳига аъзо бўлгани ҳолда, юридик ва молиявий жиҳатдан мустақил ташкилот ҳисобланади, ихтисослашган муассаса сифатида БМТ тизимига киради.

Халқаро молиявий бирлашманинг жойлашиш ўрни Вашингтон шаҳрида

бўлиб, Бюроси эса Франфурт-Майида, Лондон, Париж, Токио шаҳарларида бирлашманинг ваколатхоналари Африка, Осиё, Лотин Америкаси ва Европада иш олиб боради.

Халқаро молиявий бирлашманинг асосий мақсади:

Халқаро молиявий бирлашманинг асосий мақсадларидан бўлиб, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига ишлаб чиқариш соҳасида хусусий корхоналарни ривожлантириш йўли билан рағбатлантириб кўмаклашишдир.

Халқаро молиявий бирлашманинг таркиби:

Халқаро молиявий бирлашманинг Олий органларидан бўлиб, Бошқарувчилар ва уларнинг ўринбосарларидан ташкил топган Кенгаш ҳисобланади. Жаҳон банкининг ҳар бир бошқарувчиси автоматик равишда Халқаро молиявий бирлашманинг бошқарувчиси ҳисобланади. Директорат Халқаро молиявий бирлашманинг жорий фаолиятини йўналтириб боради.

Халқаро институтларнинг етакчи саккизта вақлларидан иборат бўлган банк маслаҳати комиссияси ўзликсиз равишда Халқаро молиявий бирлашма раҳбарияти билан учрашиб, хизматга оид ва сиёсий муаммоларни биргаликда ҳал қилиб боради.

Молиявий манбалари.

Халқаро молиявий бирлашманинг манбаларига аъзоларнинг низом сармояларига бўлган баллари, Халқаро тикланиш ва ривожланиш банкининг кредитлари, фойдадан ажратмалар, кредитларни қайтаришдан келган маблағлар ҳамда халқаро молиявий бозорларда жалб қилинадиган маблағлар ҳисобланади.

Халқаро молиявий бирлашманинг фаолияти.

Халқаро молиявий бирлашма кредитларни 5 йилдан 15 йилгача юқори самарали хусусий корхоналарга бериш билан Халқаро тикланиш ва ривожланиш банкидан фарқли равишда ҳукуматнинг кафолатисиз иш тутади.

Шундай қилиб, Халқаро молиявий бирлашма хусусий сектор томонидан барпо этилган лойиҳаларни қўшимча равишда молиялашга кўмаклашади.

Кейинги йилларда Халқаро молиявий бирлашма ўзини кўрсатишда кучайди.

Кредитлар ва сармояларни умумий хажми 7 млрд. АҚШ долларни ташкил этади.

1986 йил Халқаро молиявий бирлашма узоқ муддатли ривожланиш дастури доирасида хорижий сармоялардан энг юқори сармоялар билан фойдаланиш учун ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукуматларига ёрдам кўрсатиш мақсадида Маслаҳатлар бериш хизматини барпо қилди ҳамда бу хизмат дунёнинг кўп жойларида амалий ишлар олиб бормоқда.

Сармояларнинг кафолатлари бўйича Халқаро агентлик.

Сармояларнинг кафолатлари бўйича Халқаро агентлик 1988 йилда ташкил қилинган бўлиб, Халқаро агентлик ва ривожланиш банкининг қўшма ташкилотларидан бўлиб ҳисобланади ҳамда юридик ва молиявий мустақил хусусиятларга эгадир. Ихтисослаштирилган муассаса сифатида БМТ тизимига киради. Жойлашиш ўрни Вашингтон шаҳридадир. Унга аъзо бўлиш Халқаро тикланиш ва ривожланиш банкига аъзо бўлган давлатлар учун очикдир.

Халқаро валюта фонди.(ХВФ-МВФ)

Халқаро валюта фонди 1944 йил июлда Бреттон-Вудс (АҚШ Нью-Гемпшир штати) да ташкил топган, қароргоҳи Вашингтонда жойлашган.

ХВФ – Ҳукуматлараро корпаратив валюта – молиявий ташкилот бўлиб, фаолияти давлатлараро вужудга келадиган, тўсатдан рўй берувчи ва олдиндан билиш мумкин бўлмаган миллий валюталарнинг ўзгарувчанлиги, давлатларнинг миллий валюталарини алмаштириш доирасидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилгандир.

ХВФ да белгиланган нормаларга таянган ҳолда унда доимо умумий пул захираси мавжуддир, улар кўзда тутилмаган қийин иқтисодий ҳолатларда фойдаланилади.

ХВФ нинг мақсади.

ХВФ уз фаолияти асосини жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши учун

етарли шарт-шароит ва ундаги валюта тизимини тартибга солиш, деб ҳисоблайди. Ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ўз олдида қуйидаги мақсадларни қўяди:

1. Халқаро савдонинг ўсишига ёрдам кўрсатиш;
2. миллий валюталар қадрини бир меъёрга ушлаб туришга кўмаклашиш;
3. жамғармага аъзо давлатларнинг жорий ҳисоб-китобларини амалга ошириш жараёнида кўп томонлама тизимни ташкил этишга кўмаклашиш, халқаро савдонинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар, валюталар борасидаги тўсиқлар вужудга келмаслигига ёрдам бериш;
4. савдо ва тўловлар доирасидаги тўсиқлар вужудга келмаслиги учун аъзо давлатларга кредит ресурсларини бериш;
5. халқаро валюта доирасида вужудга келувчи муаммоларни ечиш борасида маслаҳат-форумлар ўтказиш.

Жамғарма аъзо давлатларнинг валюта курслари доирасида уларни тартибга солиш юзасидан уларнинг фаолияти самараси, халқаро валюта тизими устидан назорат-кузатув ишларини олиб боради. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир аъзо мамлакат жамғармага назорат ишларини олиб бориш юзасидан тегишли маъмумотларни бериб туриши лозим.

Жамғарма халқаро савдо, турли хилдаги тўловларни амалга ошириш, ундаги резервларнинг ҳолати бўйича масъул бўлганлиги сабабли бу борадаги ишларни жорий этилишига асосий эътиборни қаратади.

Халқаро валюта фондининг асосий вазифалари.

ХВФ нинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- келишилган хулк-атвор кодексига амал қилиш;
- тўлов балансининг танқислигини енгиб ўтиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш;
- маслаҳатлар бериш ва ҳамкорлик қилишдир

Халқаро валюта фондининг асосий тамойиллари:

- валюта курсларини ўзгартириш ёки халқаро валюта тизимини бошқаришдан бош тортишни таъқиқлаш;

- валюта танглигини тўхтатиш учун валюта бозорларида тазйик ўтказишларда мажбуриятлар олиш;

- ҳар бир мамлакат томонидан ўзларини валюта тазйиқи сиёсатида шерикларнинг манфаатларини ҳисобга олиш мажбуриятларини қабул қилишдир.

Халқаро валюта фондида аъзолик.

Ҳозирги даврда Халқаро валюта фондида аъзо бўлган давлатларнинг сони 181 тани ташкил қилади.

Ташкилотга аъзо бўлиш ХВФ томонидан белгиланган муддат ва ХВФ томонидан аниқланган шартлар асосида очикдир.

ХВФ нинг ташкилий таркиби.

ХВФ нинг юқори раҳбарлик органи бўлиб, бошқарув Кенгаши ҳисобланади, ҳамда улар иштирокчи мамлакатларнинг вақлларида иборат бўлиб 5 йилга тайинланади.

Кенгашнинг вазифасига: Битим моддаларини ўзгартириш, аъзо давлатларни қабул қилиш ва чиқариш, сармоялар қисмини аниқлаш ва уларнинг миқдорини қайта кўриш, ижроия шартномаларини танлаш киради.

Бошқарувчилар кенгаши йилига бир марта тўпланади ва одатда Низомга биноан бошқа органлар кўриши мумкин бўлмаган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Бошқарувчилар янгидан доимий бошқарув органини таъсис этиш, яъни жаҳон валюта тизимининг бошқарилишини назорат қилиш учун вазирлар даражасида Кенгашини тузиши мумкин.

Ижроия кенгаши (Директорат) Халқаро валюта фондининг жорий ишларига жавоб беради. 24 та ижроия директорларнинг еттитаси энг юқори квотага эга бўлган мамлакатлар томонидан тайинланади, қолганлари эса бошқа давлатларнинг бошқарувчилари томонидан минқавий ваколатлик тамойиллари сақлангани ҳолда бошқарувчилар томонидан сайланади. Тайинлаш ва сайлаш икки йилда бир марта ўтказилади.

Одатда, директорат маъмурий департамент томонидан тайёрланган маълумотлар ва маърузалар асосида қарорларни қабул қилади.

1947 йилда Фондга 49 та мамлакат аъзо бўлиб кирган эди ва улардаги умумий квота суммаси 7,7 млрд. доллар ташкил қилганди.

Хозирги даврда тўпланган сармоялар 120 млрд. долларни ташкил қилади. Улардан 2/3 қисми саноати ривожланган мамлакатларга оид бўлиб, шу жумладан, АҚШ ники 19,6 фоизни, Германия ва Япония 6,1 фоиздан, Франция ва Буюк Британия 5,48 фоиздан ташкил этади.

Квота микдорида қараб ХВФ раҳбар органларидаги давлатлар ўртасидаги овозлар тақсимланади. Ҳар бир давлат 250 овозга эга бўлади, плус ҳар 100 минг эркин ҳаракатланувчи валютага биттадан овоз қўшилади.

Якунида барча овозларнинг 59,6 фоизи АҚШ га ва Европа ҳамкорлиги мамлакатларига қарайди.

Жамғармага аъзо давлатларнинг ҳар бири СДР билан ҳисобланадиган квотага эга. У жамғарма билан бўладиган молиявий ва ташкилий муносабатларда асосий роль ўйнайди. Биринчидан, жамғармадаги овозлар сонини белгилайди (250 номинал овоздан ортиқ), ҳар 100 минг СДР квотага бир овоз тўғри келади. Иккинчидан, жамғарманинг молиявий маблағларига имконият очиб беради. Учинчидан, СДР нинг тақсимланишида у аъзонинг ҳиссасини белгилаб беради. Моддаларга биноан, кенгашнинг бошқарувчилари квоталарини белгилашда унинг ҳажмини 5 йилга мўлжалланган ҳолда белгилаши зарур.

Молиялаштириш манбаи.

ХВФ банк ҳисобланмайди, ва омонатчилар, маблағ олувчилар ўртасида даллоллик вазифасини ўтамайди. Жамғарма 125 млрд. АҚШ доллари ҳажмида молиявий ресурсларга эга. Маблағлар бадал, аъзо давлатлар ссудалари асосида юзага келади. Айрим ҳолатларда ХВФ қўшимча пул маблағларини баъзи давлат ташкилотларидан ҳам олиши мумкин. Унга аъзолик тўловлари микдори иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Аъзолик тўловларининг 25 фоизи захира активлари бўйича тўланиб, СДР ёки шунга тенг келадиган валюталар шаклида, қолган қисми давлатнинг миллий валютасида тўланади. ХВФ нинг пул маблағларга бўлган

зарурияти ҳар 5 йилда текширилади.

ХВФ ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар.

Ўзбекистонга берилган квота 275,6 млн СДРни ташкил этади. Ундан 25 фоизини қайтариб олиш мумкин, қолган сумма вексел тўловлари шаклида тўланади. Юқорида таъкидлаганидек, молиявий йилнинг охирида ҳисоб-китоблар бўйича аниқланган фарқ Ўзбекистон томонидан 1999 йил учун тўланди. Кредитларни қоплаш муддати эса 2001 йилдан бошланган.

Жами ХВФ томонидан берилган кредитлар 135,625 млн. СДР ёки у тахминан 198,013 млн АҚШ долларини ташкил этади.

Жаҳон банки (ЖБ).

Жаҳон банкининг ташкил этилган вақти – 1944 йил июль, Бреттон-Вудс (АҚШ, Нью-Гемпшир штати), штаб-квартираси (қароргоҳи) Вашингтонда жойлашган.

Бреттон-Вудс халқаро ҳамкорлиги томонидан Жаҳон банкига белгиланган вазифалар унга берилган ном – яъни Халқаро қайта тикланиш ва тараққиёт банки (МБРР) да ўз аксини топди. Асосий вазифа сифатида иқтисодий тараққиётни молиялаштириш юклатилди. Агар жаҳон банкининг бирламчи кредитлари иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европанинг иқтисодиётини тиклашга йўналтирилган бўлса, кейинчалик у ўз эътиборини Жаҳоннинг қолоқ мамлакатлари иқтисодиётини тиклашга қаратди. Хозирги вақтда эса жаҳон банкининг асосий мақсади ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига, мазкур мамлакатларнинг ишлаб чиқариш даражасини оширишга ёрдам бериш ва аҳолини ижтимоий ахволини яхшилашга кўмаклашишдир.

Жаҳон банки ўз таркибига йирик иккита ташкилотни:

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (МБРР) ва Халқаро тараққиёт ассоциациясини (МАР) олади. Улардан ташқари унга яна учта бошқа ташкилотлар ҳам билвосита киради: Жаҳон банки билан уюшган, аммо ҳуқуқий, молиявий жиҳатдан мустақил фаолият кўрсатувчи – Халқаро молиявий корпарация (МФК) (бу ташкилот ривожланаётган мамлакатлардаги

хусусий корхоналарни молиялаштиришга ёрдам беради). Инвестицион келишмовчиликларни тартибга солиш халқаро маркази ва Инвестицияларни ҳар томонлама кафолатловчи агентлик (МИГА).

Халқаро тараққиёт ассоциацияси (МАР) мамлакатларга имтиёзли кредитлар бериш билан шуғулланиб, улар донор мамлакатлар томонидан бериладиган хайрия маблағлари асосида молиялаштирилади. Жаҳон банки дунёдаги капитал, қимматбаҳо қоғозлар бозорларининг асосий маблағ олувчиси ҳисобланади. Бундан ташқари, банк бир қатор мамлакатлардан облигация, заём сотиш орқали тўғридан-тўғри қарз олади, йигилган маблағлар қоқоқ мамлакатларнинг тараққиёти йўлида ишлатилади ва улар имконияти даражасидаги паст фоизлар ҳисобида берилади.

Жаҳон банки кредит олиш, уни қайтара олиш даражасида бўлган мамлакатлар учун маблағларни мужассамлайди. Аммо, бой мамлакатларга ёки алоҳида шахсларга жаҳон банки томонидан кредит берилмайди.

Ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг жон бошига ялпи миллий маҳсулот 1200 доллар атрофида бўлган тақдирда улар Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан кредит олиш имкониятига эга бўладилар. Бу кредитлар 12-15 йил ичида қопланиши лозим. Иккинчи томондан, Халқаро тараққиёт ассоциацияси кредитларни қоқоқроқ мамлакатларга, яъни улардаги миллий маҳсулот жон бошига 800 доллардан кам бўлган мамлакатларга берилади. Бу кредитлар бўйича фоизлар олинмасдан, кўпгина ҳолларда улар 35-40 йиллар оралиғида тўлаш шарти билан берилади.

Жаҳон банки ўз фаолиятини ривожланаётган ва қоқоқ мамлакатларга техник лойиҳаларни, иқтисодий дастурларни молиялаштириш жиҳатдан ёрдам бериш орқали бу мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Бу вазифалар банкининг асосий узоқ муддатли вазифаси ҳисобланади.

Охирги йилларда банк олдинги йиллардаги тажрибаларига таянган ҳолда мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш босқичлари даражаларини инобатга олиб, лойиҳаларни танлаш жараёнида асосан ривожланаётган

мамлакатларнинг қолоқ қатламларини қамрашга, уларнинг тараққиёт даражаларини оширишни назарда тутган ҳолда олиб бориляпти.

Банк мамлакатларга техник жиҳатдан ёрдам бериш ва молиялаштириш жараёнида БМТ томонидан белгиланган дастурга асосан ҳам техник ёрдам берувчи, ҳам лойиҳани ижро этувчи сифатида қатнашади.

Банк томонидан танланадиган лойиҳа, уларнинг йўналишлари миллий мамлакатлар, уларнинг маҳаллий ҳокимиятлари, бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳар томонлама келишилган ҳолда амалга оширилади.

Банк кредит ажратиш жараёнида ўз мутахассислари иштирокида кредит оловчи мамлакатларнинг иқтисодини синчковлик билан таҳлил этиш асосида қайси соҳага асосий эътибор бериш ёки капитал қуйилмаларни жойлаштириш борасида у ёки бу соҳани танлаш имкониятидан фойдаланилади.

Бундай таҳлитда иш юритиш ушбу мамлакатнинг асосий муаммолари ечимида қатнашиб, унинг ривожланишига ёрдамлашишни назарда тутди.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги фаолияти.

Ўзбекистон жаҳон банкига 1992 йил 21 сентябрда аъзо бўлди, унинг олдидаги мажбуриятларини бажариш учун 12,1 млн АҚШ доллари миқдорида бадал тўлади. Ўзбекистонга МБРР томонидан 2493 акция (жами акциялар миқдорининг 0,17 фоизи) чиқарилди, овозлар эса – 2743 (0,81 фоиз) ни ташкил этади.

Жаҳон банки 1993 йили Тошкентда ўз ваколатхонасини очди ва унинг Ўзбекистондаги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Бозор структурасининг шаклланишда техник ёрдам кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга молиявий жиҳатдан кўмак бериш;

Бозор тизимларини шакллантиришга техник жиҳатдан ёрдам бериш борасида республикада макроиқтисодий соҳада мониторинг ўтказиш, уларни таҳлил этиш, банк тизими, бухгалтерия ҳисоб-китобларини, коммуникацияларини ривожлантириш каби тадбирлар киради. Жумладан, бу

борада Жаҳон банк тизимининг вакллари билан биргаликда республикада банк тизимининг ривожланиш даражаси йўналишида тадқиқот ишлари олиб борилди, ундан келиб чиққан ҳолда бозор механизмнинг инфраструктурасини мужассамлаш, илмий-техникавий салоҳият даражасини аниқлаш борасида ҳам анча ишлар олиб борилди.

Жаҳон банки энергетика соҳасини ривожлантириш ва ислохатларни чуқурлаштиришга мўлжалланган лойиҳалар учун ҳам кредит ажратиб, Орол муаммоларини ечимига, ишлаб чиқариш секторлари ривожига, пахтани қайта ишлаб чиқариш соҳасига ҳам эътиборини қаратмоқда.

12 октябрь 1993 йил – биринчи кредит. Институционал ривожланиш бўйича техник ёрдам лойиҳаси. Жаҳон банки томонидан 21 млн АҚШ доллари миқдоридаги заём 20 йил муддатга, шундан 5 йил имтиёзли муддатдир. Лойиҳанинг умумий қиймати 25 млн АҚШ доллари. Молиялаштиришнинг бошқа манбалари: Ўзбекистон ҳукумати – 400 млн АҚШ доллари, ЕИ – 2,6 млн АҚШ доллари, Япония – 1 млн АҚШ доллари (кейинчалик қатор кредитлар бўлди).

МБРР томонидан молиявий секторини ислох этиш борасидаги лойиҳани молиялаштириш бўйича заём ажратиш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳа бўйича ҳозирда озроқ миқдорда аванс ажратилган, молиявий секторни ислох этиш бўйича тайёргарлик кўриш, уни амалга ошириш учун камиссия таркиби тузилган.

Мавзу бўйича таянч сузлар:

“Сенд-бай” кредити, валюта бозорларини эркинлаштириш сиёсати, валютани сотиш маржаси, ривожланган инфратузилма, Бош Ассамблея, Хавфсизлик кенгаши, Халқаро ривожланиш уюшмаси

ХВФ билан битимнинг VIII моддаси, мамлакатнинг экспорт квотаси, экспортнинг ЯИМдаги улуши, Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш - ЭКОСОС, Халқаро молиявий уюшмаси (ХМУ)

Мавзу бўйича саволлар

1. Ўзбекистоннинг жаҳон глобаллашуви шароитидаги сиёсати
2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалигига интеграциялашуви хусусиятлари
3. Ўзбекистонни Халқаро Савдо Ташкилотига аъзо бўлиши масалалари
4. Ўзбекистонни Халқаро Савдо Ташкилотига аъзо бўлиши истиқболлари.

VI Боб. Молиявий хавсизлик масалалари

6.1. Молиявий хавсизликнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.

6.2. Иқтисодий стратегик ривожланишида молиявий хавсизликни таъминлашни хусусиятлари.

Жаҳон хўжалик марказлари рақобатбардошлик асосларининг ўзгариши, аввало, у ёки бу даражада фан-техника инқилоби билан, ривожланишнинг постиндустриал босқичига ўтишида учрайдиган чуқур ўзгаришлар билан боғлиқ. Давлатлар кескинлашиб бораётган халқаро рақобатнинг императивларига асосланиб, ушбу ўзгаришларни молиялаштирганлар ва рағбатлантирганлар. Бироқ глобаллашувнинг либерал моделига қараб мўлжал олиш нафақат ишлаб чиқариш апаратининг рақобатбардошлигини ошириш, балки хўжаликнинг ташкилий-бошқарув асосларини жиддий равишда қайта қуриш заруратини келтириб чиқарди.

Ғарбда давлатнинг иқтисодий вазифалари камайишига қараганда кўпроқ унинг хўжалик функциялари ўзгариб бормоқда. Жаҳон хўжалик мавқелари учун курашда иштирок этишга борган сари фаол, ҳатто тажовузор тарзда эътибор берилмоқда. Расман Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ)да иқтисодий тартибга солмаслик (дерегуляция) ҳақида эмас, балки тартибга солишни ислоҳ қилиш ҳақида сўз юритилаётганлиги ҳам ана шундан далолат бермоқда.

Шундай қилиб, ривожланган давлатларнинг янги функциялари уларнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш бўлиб қолмоқда. Аммо бу ривожланаётган мамлакатлар манфаатларига зарар етказиш эвазига амалга оширилмоқда. Шу боис мамлакатимизда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасидаги давлат функцияларини айниқса самарали ривожлантирмоғимиз керак.

Масалага бундай ёндашув ривожланган мамлакатларга либераллаштириш сиёсатини чуқур ўйлаб ва босқичма-босқич, давлатнинг янги шаклларда фаол иштирок этиши шароитида ўтказишга, ўзларининг миллий хўжалик комплексларини муваффақиятли тарзда қайта қуришга имкон беради.

Ғарб мамлакатларида хорижий иш кучининг иммиграциясини чекловчи тартиблар кучаймоқда. Дипломатик аппаратнинг борган сари ошйб бораётган қисми эса хориждаги “ўз” компанияларининг операцияларига у ёки бу тарзда кўмаклашишга хизмат қилмоқда.

Глобаллашув технологияларнинг жадал янгиланишига қулай шароит яратади, уларни қўлланиши нотекис юз беради, чунки технологияларнинг озчилик қўлида монополлашуви пайдо бўлади.

Технологиялар қўллашнинг ўзи уларни қўллаётган томон учун ушбу технологияларни ишлаб чиққан томон билан жиддий рақобатга киришишнинг ҳар қандай шаклини умуман мумкин бўлмайдиган қилиб қўяди. Бу ушбу технологиялар таъминлайдиган самарадан фойдаланишга берилган рухсат учун ўзига хос тўловдир. Бу ҳол илгари фақат дилерлик ва лицензион тизимлардагина учраган. Ҳозирги замон илғор технологиялари фойдаланувчини ошкора ёки ноош-корашаклдалицензиатҳолатигасолади

Табиийки, янги технологияларни яратишдан уларни тарқатишга ва шу тариқа информацион жамиятнинг юзага келишига ўтиш жараёнини лўнда қилиб, ушбу жараённинг етакчиси – У. Гейтс ифодалаб берган. У ахборот технологиялари ривожланишининг бош омили сифатида сўнгги йилларда уларнинг такомиллашуви эмас, балки барча мамлакатларда “информацион очиқлик”нинг пайдо бўлиши деб баҳолайди. Ҳозир метатехнологияларни яратувчи мамлакатлар учун бир томонлама хусусиятга эга бўлган ва уларнинг глобал миқёсда рақобатчилар ўртасидаги имтиёзларини таъминлашга хизмат қиладиган “очиқлик”ка ҳар хил даражада йўл қўйилади. Бир қатор мамлакатларда технологик қарамликнинг бўлиши нафақат иқтисодий, балки миллий хавфсизликнинг ҳам асосларига путур етказди.

Бироқ ахборот технологиялари тарқалишининг аҳамияти метатехнологияларнинг юзага келиши ва уларни яратганларнинг интеллектуал, психологик ва технологик жиҳатдан етакчилигини ишончли тарзда таъминлаш билан чекланиб қолмайди.

Ахборот технологияларининг тарқалиш жараёнига ундан келиб чиқувчи,

аммо унга қараганда ахамияти кам бўлмаган глобаллашувдаги монополлашув жараёни қўшилади. Молиявий соҳада ягона умумжаҳон бозорларининг шаклланиши ҳамда турли молиявий воситаларнинг глобал бозорларининг ягона жаҳон молиявий бозорига аста-секин бирлашиши кун тартибига глобал монополиялар юзага келиши масаласини қўяди. Бунинг сабаби оддий – ягона бозорни бўлиб бўлмайди.

Бозорларни бўлишнинг барчага маълум мисоллари ҳукмрон товарнинг “куни битган мамлакатлар” назариясини келтириб чиқарди. Унинг мазмунини қисқача шундай тушунтириш мумкин. Ривожланаётган мамлакатлар янги информацион жамият таъсирига учраб, нафақат ривожланишининг энг муҳим интеллектуал ресурсларини, балки уларни ишлаб чиқариш қобилиятини ҳам тиклаб бўлмас даражада йўқотиши сабабли “куни битган” мамлакатга айланади. Бу, биринчи навбатда, ушбу мамлакатнинг иқтисодий ва миллий хавфсизлигини бузиб, уни ҳар қандай тарихий истиқболдан маҳрум қилади.

Шундай қилиб, ахборот технологияларининг тарқалиши ресурсларнинг нисбий қадр-қимматини тубдан ўзгартириб юборди ва энг ҳаракатчан бўлиб қолган ақл-идрок ва молиявий оқим биринчи ўринга чиқарди. Бу эса ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ўзгартирди. Реал секторга тўғридан-тўғри инвестицияларни киритиш орқали ривожланишга кўмак бериш ўрнига молиявий ва интеллектуал ресурсларни олиб чиқиш орқали бузғунчилик тусидаги ўзлаштириш кела бошлайди.

Натижада спекулятив капиталнинг ҳаракат тезлиги билан анъанавий технологияларни яратиш ўртасида номувофиқлик кўзга ташланади. Спекулятив капитални кенг миқёсда сарфлаш миллий иқтисодиёт учун айнан шу боис самарали бўлмайди, яъни у ҳеч бир реал нарса яратмай туриб ва ортидан фақат вайронагарчиликлар қолдириб йўқ бўлиб кетади.

Ахборот технологиялари трансакцион харажатларни ва глобал молиявий бозорларга “кириш нархини” энг кам даражагача пасайтириб, ушбу тўсиқларни йўқ қилади, бу билан ушбу бозорларни ўртада бўлиб олиш учун ҳар қандай

тўсиқларни бартараф этади. Хукмрон товар – информациянинг яшаш муддати ғоят қисқа, бу эса ушбу бозорларни ҳаттоки вақтинча бўлиб олишни ҳам мумкин қилмай қўяди. Глобал монополияларнинг юзага келиши айти пайтда икки йўналишда боради:

биринчидан, алоҳида молиявий воситаларнинг глобал бозорларида глобал монополияларнинг шаклланиши;

иккинчидан, мазкур бозорларнинг қўшилиши натижасида ягона глобал монополиянинг шаклланиши.

Глобал монополия вазифасини борган сари кўйроқ АҚШ ҳудудидаги трансмиллий корпорациялар, жумладан молиявий корпорациялар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган давлат бажармоқда.

Натижада миллий давлатлар метатехнологияларга эга бўлган ва давлатдан ҳам юқори турувчи корпорацияларга дуч келади. Улар эса шу давлатларнинг нима қилишини белгилаб беради. Воқеаларнинг бундай тусда ривожланишига йўл қўймаслик учун халқаро иқтисодиётни тартибга солиш зарур.

Глобал молиявий гуруҳларнинг интеллектуал ва маслаҳат берувчи “майдончалари” ана шундай ташкилот учун бемалол асос бўла олади. Халқаро иқтисодиётни тартибга солишни амалга ошириши керак бўлган ташкилотнинг асосий вазифаси трансмиллий монополияларнинг фаолиятини тартибга солишдир. Бунда “эски меҳрибон” ишлаб чиқарувчи трансмиллий компаниялар (ТМК) эндиликда дунё эгалари эмаслигини ёдда тутиш муҳим. Уларнинг ўрнини глобал молиявий гуруҳлар, метатехнологияларнинг ривожланиши эгалламоқда. Ушбу гуруҳлар кўпинча ҳатто муайян шакл ҳам олмаган бўлади (бу эса уларни бошқаришни жуда қийинлаштиради). Бироқ уларнинг самарадорлиги, ҳаракатчанлиги ва ҳар томонламалиги уларни анъанавий ТМКлардан юқори қўяди.

Ягона байналмилал иқтисодий ташкилот айнан давлатлардан устун турувчи корпорацияларни ва, айтиқса, глобал молиявий гуруҳларни назорат қилиш механизми сифатида юзага келади.

Сўнгги ўн йилликлар фан ва техника ривожланишида мислсиз муваффақиятларнинг қўлга киритилиши, кўплаб янги билим соҳалари, иқтисодиёт тармоқлари ва хўжалик ривожланишининг йўналишлари пайдо бўлганлиги билан ажралиб туради.

Илмий-техникавий жиҳатдан илғор бўлган мамлакатлар фан ва техника олдига аниқ ва мураккаб (илгаридан белгиланган кўрсаткичларга эга бўлган материалларни яратиш, ишлаб чиқариш ресурсларининг тежаш, мураккаблашиб бораётган алоқа тизимларни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш, бунинг учун зарур бўлган қурилмаларни ниҳоятда кичик ҳажмларга келтириш каби) вазифаларни қўйишга ва уларни бажаришга қодир бўлмоқдалар. Информатиканинг жадал суръатларда ривожланиши қандай оқибатларга олиб келиши мўмкинлигини олдиндан айтиш қийин.

XX асрнинг ўрталаригача мулкнинг ишлаб чиқаришдаги асосий бўғинлар қўлида жамланиши ишлаб чиқариш циклининг амалда назорат қилинишини таъминлашга қодир бўлган энг яхши усул сифатида рақобатни олға сурди.

Мулк ва капиталнинг жамланиши борасидаги бундай тамойил муайян даражада бугун ҳам сақланиб қолмоқда. Кўплаб ТМКлар активларининг жадал ўсиши фикримизнинг энг ишончли тасдиғидир.

Инвестицияни қабул қилувчи мамлакатлар учун ТМКларнинг жозибалилиги шундаки, улар муайян инвестициялар олиб келадилар, ишлаб чиқаришни ўстирадилар, иш ўринлари яратадилар ҳамда у ёки бу даражада замонавий фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш имконини берадилар. Ана шу мақсадда уларни қабул қилувчи мамлакатлар уларга фаолият кўрсатиши учун қулай шароитларни кафолатлашлари, касаба уюшмаларининг таъсирини чеклашлари, зарур инфратузилма яратиб беришлари, олинган фойдани хорижга бемалол олиб кетишига рухсат беришлари керак бўлади.

Давлатнинг глобаллашув шароитида иқтисодиётга аралашиш имконияти ва бунинг самарадорлиги ҳақидаги масала айниқса мураккабдир. Жаҳон иқтисодиёти асло бир хил бўлмаганлиги сабабли, барча мамлакатлар

учун ягона ривожланиш ва янги шароитларга мослашиш моделлари бўлиши мумкин эмас.

Глобаллашув жамият тизимига нисбатан ёт бўлган ҳодиса бўлиб, бу ривожланиш шароитларининг кескин мураккаблашувига олиб келади. Жамиятнинг айрим элементларини глобал тармоқ тузилмаларига бирлаштирувчи қудратли экзоген алоқалар ва боғлиқликлар юзага келади. Бундай шароитда янги глобал “ўйин қоидалари”, яъни халқаро рақобат шартлари шаклланади.

Масалан, халқаро рақобат афзалликлари муаммоси М. Портернинг фундаментал илмий ишида тадқиқ этилган.

У, хусусан, инновация жараёнида факторли харажатларнинг вазифасини миллий-иқтисодий тизимнинг амал қилишидаги умумий шарт-шароитлар ва унинг субъектлари стратегияси билан чамбарчас алоқадорликда қараш зарурлигини айтган. М.Портер рақобатли афзалликларнинг ишлаб чиқариш омилларининг кўрсаткичлари (табiiй ресурслар, иш кучи, технология ва ҳ.к.), ички талаб тармоқлараро кооперация даражаси, банк ва фирмаларнинг стратегияси каби тўртга асосий детерминантини ажратиб, “миллий ромб” тушунчасини киритади. Бу тушунча ўз-ўзидан ривожланувчи тизимларни ташкил этадиган детерминантларнинг ўзаро алоқаси ва мультипликатор таъсирини ифодалайди.

6.2. Иқтисодиётни стратегик ривожланишида молиявий хавсизликни таъминлашни хусусиятлари.

Глобаллашув жараёнлари "миллий ромб" тизимининг аҳамиятини кучайтиради, чунки улар ривожлангани сари ҳозирги замон иқтисодиётининг асосий ресурси бўлмиш жамиятнинг интеллектуал, профессионал ва ташкилий салоҳиятини, унинг моддий имкониятини умумий мақсадларга эришиш учун сафарбар қилади. Ушбу асосий ресурс ташқи алоқаларнинг кенгайиши ва глобал тармоқларга қўшилиши ҳисобигагина, яъни ўзининг ижтимоий ва маънавий асосларидан ажралган ҳолда ривожлана олмайди.

Бунинг асосий сабаби - ижтимоий ривожланишни ва иқтисодиётдаги глобаллашув жараёнларини рағбатлантирувчи турли хил ундовчи мотивлар мавжуд. Биринчи ҳолда, бу -умуман жамиятнинг узок муддатли манфаатлари, иккинчисида - бу асосан бозор субъектлари, аввало, ТМК ва молиявий олигархияларнинг қисқа муддатли (конъюнктуралӣ) манфаатларидир. Ушбу икки гуруҳ манфаатлар ўртасидаги кучайиб бораётган зиддиятлар глобал миқёсга эга бўлган ва ҳаёт фаолиятининг энг муҳим соҳаларини қамраб олган инқирозли ҳодисаларни кучайиб боришига асос бўлади.

Шу билан бирга, миллий молиявий бозорлар даражасида юз бераётган таркибий ўзгаришлар ХХІ асрда глобал молиявий тизимнинг ривожланишини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Мутахассисларнинг фикрича, тижорат банклари молиявий воситачи сифатида ўзларининг тарихий вазифасини бажариб бўлди ва ўз фаолиятининг охирига етиб қолди. Вақт ўтиши билан бу иқтисодий хавфсизлик муаммоларига бевосита алоқадор бўлган асосий функцияларидан бири миллий валютанинг ва, умуман, пул-кредит тизимининг барқарорлигини сақлаб туришдан иборат вазифани биринчи ўринга қўяди.

Шундай қилиб, глобаллашув жараёнлари кўпчилик ёш давлатларга, жумладан Ўзбекистонга ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Бунда миллий ва иқтисодий хавфсизлик муаммоларининг кескинлиги ортмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, хавфсизлик ҳақидаги махсус фанни яратишни ва унинг доирасида умумий хавфсизликнинг умумий методологик принципларини ишлаб чиқишни таклиф қилаётган бир қатор мутахассисларнинг фикрини муайян даражада қўллаб-қувватлаш мумкин. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам иқтисодий хавфсизлик масалалари биринчи ўринда туриши керак.

Бир томондан, жаҳон хўжалик тизимига қўшилмай туриб иқтисодиётни самарали ривожлантириб бўлмайди. Бошқа томондан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борган сари мураккаблашиб боради. Шу сабабларга кўра, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимига қўшилиши жараёнини қаттиқ назорат қилиш лозим. Бутун дунёни яшин тезлигида забт этаётган глобаллашув жараёнига жаҳон халқларининг муносабати қандай? Қайси давлат бу

ўзгаришларга қаршию, қай бирида хайрихоҳлик кучли? АҚШда жойлашган “Pew Research Center for the People and Press” тадқиқот маркази ўтказган сўровда ниҳоятда қизиқарли ва кутилмаган маълумотлар аниқланган. Масалан, глобаллашув тарафдори бўлган одамлар энг глобаллашмаган ҳудуд - Африкада яшар экан.

Ҳозирги даврда меҳнат миграцияси кенгайиб, бунга янги ва янги мамлакатлар қўшилади. 2003 йилда дунё бўйича туғилган жойида эмас, балки бошқа мамлакатларда ишлайдиганлар (яширин мигрантларни ҳисобга олмаганда) 100млн. кишидан ортиб кетган. Агар 2004 йилда Россияда қўшни мамлакатлардан келган 7 млн. киши ишлаган бўлса, 2005 йилга келиб бу рақам 12,1 млн. кишини ташкил этган. Қолган мамлакатлар бўйича маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилади.

Жадвал. 6.1.

2005 йилда халқаро мигрантлар сони бўйича етакчи мамлакатлар*

Мамлакатлар	Мигрантлар сони (млн. киши)
АҚШ	38,4
Россия	12,1
Германия	10,1
Украина	6,8
Саудия Арабистони	6,4
Канада	6,1
Ҳиндистон	5,7
Буюк Британия	5,4
Испания	4,8
Австралия	4,0

Миграция МДХ мамлакатлари билан узоқ хориж мамлакатлари ўртасида юз беради. Ўзбекистондан чиққан меҳнат мигрантлари, баъзи маълумотларга кўра, 2002 йилда 700 минг кишини ташкил этган. 2004 йилда Корея Республикасида Ўзбекистондан чиққан яшириш мигрантлар 5 мингдан ортиқ бўлган. Мигрантлар ўз фаровонлигини ошириш билан чекланмай ўз юртининг валюта ресурсларини оширишга ҳам хисса қўшадилар. 2002 йилда ривожланаётган мамлакатлардан чиққан меҳнат мигрантлари ўз юртига 90

млрд. доллардан ортиқ пул ўтказганлар. Бироқ миграция жараёни илғор мамлакатларни таъминлаган ҳолда у чиқиб кетган мамлакатларда малакали ишчилар ва ўқимишли мутахассисларнинг етишмаслигини юзага келтиради. Демак, меҳнат ресурсларининг халқаро миграцияси зиддиятли бўлади.

Халқаро меҳнат миграцияси икки хил бўлади:

1) **очиқ-ошкора миграция.** Бу миграция мавжуд қонунларга мувофиқ ва белгиланган тартибда иш кучининг бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишини билдиради. Масалан, Европа Иттифоқига кирган мамлакатларнинг биридан иккинчисига иш кучининг эркин ўтишига рухсат этилади;

2) **яширин миграция.** Бунда ишлашга қодир ва бунга иштиёқи бор кишилар миграцияси қонунларга ҳилоф равишда яширин фирмалар кўмагида юз беради.

Маълумки, келгинди ишчи-хизматчилар мигрантлар ҳисобланади. Улар таркибидаги яширин мигрантлар ижтимоий жихатдан ҳуқуқсиз бўлади. Улар оғир ва кам ҳақ тўланадиган ишларда банд бўлади.

Ҳозирги кунда мигрантларнинг ўз она юртини ноқонуний ташлаб кетиши, биринчидан, мамлакатда паспорт тизимини чигаллаштиради; иккинчидан, ёшларнинг турли норасмий оқимларга кириб кетишларига олиб келади; учинчидан, ёш оилаларнинг бузилишига сабаб бўлади; тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хизматини оғирлаштиради.

Мавзу бўйича таянч сузлар:

иқтисодий ҳавфсизлик даражаси,
информацион жамияти,
“қуни битган мамлакатлар”,
маслаҳат берувчи “майдончалари”,
глобал “ўйин қоидалари”

либераллаштириш сиёсати,
глобал монополиялар,
ҳукмрон товар, экзоген алоқалар,
“миллий ромб”, очиқ-ошкора миграция,
яширин миграция

Мавзу бўйича саволлар

1. Молиявий ҳавфсизликнинг мазмуни
2. Молиявий ҳавфсизликнинг таъминлаш мақсади
3. Молиявий ҳавфсизликнинг вазифалари
4. Молиявий ҳавфсизликнинг концепциялари

5. Молиявий ҳавфсизликнинг иқтисодий стратегик ривожланишида таъминлаши
6. Молиявий ҳавфсизликнинг замонавий муаммолари
7. Молиявий ҳавфсизликка таъсир этувчи омиллар.

VII Боб. Молиявий хавфсизлик индикаторлари

7.1. Макромолиявий индикаторлар.

7.2. Иқтисодиётдаги жамғармалар ва инвестициялар нисбатини ифодаловчи индикаторлар.

7.3. Банк, молия бозор, нарх-наво, инвестиция, суғурта ташкилотларини индикаторлари.

Глобаллашув шароитларида индустриал ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётларининг ривожланиш босқичлари молия бозорлари ролини кескин ошири билан белгиланади. Чунки молия бозорлари бу шароитларда жаҳон иқтисодиёти миқёсида на фақат молиявий оқимларнинг самарали тақсимланиши ва қайта тақсимланишини таъминламоқда, балки мамлакатлар иқтисодиётлари ва бозорларининг рақобатбардошлигини, шароитларга эгилувчан мослашиши, хавфсизлик даражасини, иқтисодий ўсиш ва ривожланиш суръатларини белгиламоқда. Айниқса молия тизими ва ундаги молия бозорининг рақобатбардошлилиги ҳар қандай мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан ҳисобланади. Айнан глобаллашув шароитида молия бозорининг юқори даражадаги рақобатбардошлилиги иқтисодиётда модернизацилаш ва индустриал ўсишни таъминлаш учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича кенг имкониятларни беради. Шу билан бирга ҳар қандай мамлакатнинг молия тизими ва бозори рақобатбардошлилиги уларнинг хавфсизлик, барқарорлик, жалбдорлик ва риск даражасига бевосита боғлиқ. Чунки кўп жиҳатдан ушбу кўрсаткичларнинг юқори даражаси ички ва ташқи инвесторларнинг мамлакат бозорига нисбатан ишончини оширади, улар томонидан амалга ошириладиган инвестицияларнинг рисклилик даражасини пастлилигидан далолат беради.

1. Макромолиявий индикаторлар. Ушбу гуруҳга молия соҳасининг рақобатбардошлилигини ифодаловчи индикаторлар кирази. Яъни уларнинг ёрдамида давлат молияси ва иқтисодиётни реал секторининг молия бозоридаги ҳолати ифодаланади. Чунки уларнинг иккаласи ҳам молия бозорининг

катнашчилари ҳисобланади. Бу гуруҳ индикаторларини тўртта кичик гуруҳга ажратиш мумкин:

А. Давлат бюджети барқарорлигини ифодаловчи индикаторлар.

1. Бюджет дефицитини ЯИМга нисбати 3 фоиздан ошмаслиги лозим.
2. Давлат қарзини ЯИМга нисбати 60 фоиздан ошмаслики керак. Ички ва ташқи қарзлар даражалари ЯИМнинг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.
3. Давлат қарзини бошқариш харажатларининг улушини ва давлат бюджети харажатларининг умумий ҳажмига нисбати 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

В. Корхона ва ташкилотларнинг қарз юки даражасини ифодаловчи индикаторлар.

4. Номолиявий корхоналар қарзини тушумга нисбати 30 фоиздан ошмаслиги лозим, акс ҳолда уларнинг молиявий барқарорлиги учун хавф туғилади. Ушбу индикатор ва унинг критик қийматлари компания молиявий фаолиятини IAS (GAAP) стандарлари асосида таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичларни синтез қилиш негизида шаклланади: компания қарзини хусусий капиталига нисбати (агар бу нисбат 1 дан катта бўлса, унда компаниянинг ҳолати рискли деб баҳоланади), хусусий капитал айланмаси коэффиценти (бу кўрсаткич хусусий капитални тушумга нисбати билан ўлчанади, агар унинг нисбати 0,2 дан кам бўлса (бунда компания қарзларининг бир қисмини, одатда учдан бир қисмини, реструктуризация қилиш, конвертациялаш ва қайта кредитлаш мумкинлигини инобатга олсак), компания молиясини бошқариш сифати қониқарсиз деб баҳоланади).

5. Номолиявий корхоналарнинг қисқа ва узоқ муддатли қарзлари нисбати тахминан 70:30 бўлиши керак. Ушбу индикатор номолиявий секторда риск даражасини қарз юкига боғлиқликда ифодалайди.

6. Банк сектори ташқи қарзини унинг жами активлари суммасига нисбати 30 фоиздан ошмаслиги лозим. Ушбу индикатор мазмунан 4-чи индикаторга ўхшаш, капиталнинг етарлилигини (12 фоиздан кам бўлмаган миқдорда) ифодаловчи 20-чи индикатор ҳамда Н11.1 норматив (меъёр) билан

боғлиқ (бу норматив хусусий капитал бўйича (400 фоиздан кўп бўлмаган даражада) хорижий банклар ва молиявий ташкилотлар олдидаги мажбуриятларнинг максимал миқдорини чегаралайди). Ушбу индикаторнинг критик қиймати банк сектори rischi миқдорини ҳисобга олган ҳолда иккала кўрсаткични синтез қилиш асосида шаклланади.

7. Банкларнинг қисқа ва узоқ муддатли қарзлари нисбати тахминан 70:30 бўлиши керак. Ушбу индикатор 5-чи индикаторга ўхшаш.

С. Олтин-валюта захираларининг етарлилиги даражаси.

8. Пул базасини олтин-валюта захира билан таъминланганлиги даражаси пул базасининг (тор маънода белгиланишида) 70 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Амалиёт шуни кўрсатадики, стерилизация сиёсати методлари эмиссион молиялаштиришнинг инфляцион эффектини нейтраллаштириш имконини (20-30 фоиздан кам бўлмаган даражада) беради.

9. Олтин-валюта захираларининг етарлилигини кўрсатувчи индикатор. Олтин-валюта захираларининг абсолют ўсиши пул базасини ўсишидан катта бўлиши керак, акс ҳолда инфляцион жараёнларнинг жадаллашуви вужудга келади (мамлакат бюджети ва иқтисодиётини қўшимча пул эмиссияси эвазига молиялаштириш ҳисобига).

10. Олтин-валюта захираларининг минимал (критик) даражаси индикатори. Бу даража қуйидагилар суммасидан кам бўлмаслиги лозим: бир чоракдаги импортнинг қиймат ҳажми суммаси ҳамда давлат, банк ва корпоратив секторларнинг қисқа муддатли қарзларини қоплаш учун зарур бўлган маблағ ва улар бўйича фоиз тўловлар.

Д. Иқтисодиёт фаолиятининг макромолиявий шароитлари индикаторлари.

11. Иқтисодиётнинг монетизациялашуви даражаси (яъни M_2 пул агрегати-нинг ЯИМга нисбати) 20-30 фоиздан кам бўлмаслиги зарур. Агар унинг даражаси 15 фоиздан кам бўлса, иқтисодиётнинг бартерлашуви, солиқ тушумларини камайиши, инфляцияни кескин ўсиши ва шу каби бошқа салбий ҳолатлар келиб чиқиши мумкин.

12. Иқтисодиётда пул бўйича талаб ва таклифнинг ҳажми ва структурасини ўзгариши индикатори. Пул массасининг (M_2) ўсиши инфляция даражаси ва плюс ЯИМни фоизда ўсишининг юқори даражасидан ортмаслиги лозим. Пул массасининг чегаравий (критик) қийматидан ортиши кредит экспансиясини белгиси ҳисобланади.

13. Кредит ресурслари ва депозитлар бўйича реал фоиз ставкасининг ўзгаришини критик даражаси. Реал фоиз ставкасининг у ёки бу томонга қараб ўзариши 50 фоиздан ошмаслиги лозим, чунки бу кўрсаткич мамлакатнинг молиявий ва иқтисодий тизими учун ўта муҳим ва таъсир этувчи инструмент ҳисобланади. Яъни уни кўрсатилган миқдоридан сезиларли оғиши инвестицион жараёнга, банк тизими фаолиятига, молия бозорларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки иқтисодиёт субъектларининг ҳатти-ҳаракатларида кескин ўзгаришлар вужудга келади, натижада иқтисодиётда пулга бўлган талаб ва таклиф кардинал тарзда ўзгаради.

14. Рентабеллик кўрсаткичи асосида қуйидаги индикаторлар ҳисобланиши мумкин:

- иқтисодиёт рентабеллиги. Пул бозоридаги ҳолат қониқарли бўлиши мумкин, агарда рентабеллик миқдори инфляция даражасидан ортиқ бўлса;

- иқтисодиётнинг асосий тармоқлари рентабеллиги инфляция даражасидан юқори бўлса (3-5 фоизга баланд бўлса, яхши ҳолат деб баҳоланади);

- рентабеллик ва фоиз ставкаси даражаси нисбати. Иқтисодиётнинг рентабеллиги кредитлар бўйича ставкалардан даражасидан юқори бўлиши керак. Бунда кредитлар ставкаси депозитлар бўйича ставкалардан ортиқ бўлиши лозим. Пул қўйимлари ва депозитлар бўйича реал даромадни таъминлаш учун депозит ставкалари инфляция даражасидан баланд бўлиши талаб қилинади.

7.2. Иқтисодиётдаги жамғармалар ва инвестициялар нисбатини ифодаловчи индикаторлар.

Ушбу гуруҳ индикаторлари молия тизимининг (бозорининг) муҳим функцияси (инвестицияларни жамғармаларга трансформациялаш) билан боғлиқ бўлиб, иқтисодиётнинг ривожланиши имкониятларини, унинг инвестицион потенциалини, иқтисодиёт субъектларининг (жумладан уй хўжаликларини) тўлов қобилиятини ифодалайди.

1. Асосий капиталга инвестицияларни ЯИМга нисбати 25 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

2. Иқтисодиётда инвестициялар ва жамғармалар нисбати. Иқтисодий мувозанат ҳолатида жамғармалар инвестицияларга тенг бўлади, иқтисодиётни ривожланишининг актив фазасида эса инвестициялар жамғармалардан ошади. Иқтисодиётдаги жамғармалар, кам деганда, икки усул ёрдамида ҳисобланади: 1) Миллий ҳисоблар тизими методологиясига мос равишда ва тўлов балансининг асосий тенгламаларини қўллаган ҳолда; 2) асосий субъектларнинг (аҳоли, фирмалар, банклар ва молиявий ташкилотлар) иқтисодий фаолияти жамғармалари сифатида. Иқтисодиётда жамғармалар жадвал кўринишида тизимлаштирилиши ва динамикада тадқиқ қилиниши керак.

3. Миллий ва ҳорижий валюталардаги жамғармалар тузилмаси (структураси). Ҳозирги шароитларда миллий валютадаги ва ҳорижий валюталардаги жамғармаларнинг бир бирига нисбати 70:30 бўлиши лозим. Агар бу нисбат бузилса, унда иқтисодиётни “долларлашиши” ҳолатини тушуниш мумкин. Жамғарманинг бундай структураси ўзида кредит тизими учун сезиларли валюта рискларни мужассамлаштиради, чунки иқтисодиётнинг миллий валютадаги кредит ва инвестицияларга бўлган талаби кўп жиҳатдан ҳорижий фондлаштириш ҳисобига қондирилади.

4. Капитал қўйилмалар учун жамғармаларни тўлиқ ишлатилмаганлигининг критик даражаси жамғармалар ҳажми инвестициялардан 30 фоизга ортиқ бўлса вужудга келади. Ушбу индикатор Парето нисбатидан келтириб чиқарилади. Бунда, одатда, 10 фоизга яқин жамғармалар ўзига молия

бозорларини жалб қилиши ҳисобга олинади. Ушбу индикаторга риоя қилмаслик иқтисодиётда нормал инвестицион жараённинг кечиши бузилганлигидан далолат беради.

5. Мамлакатдан капитални “нолегал” чиқиб кетиши даражаси. Унинг бу даражаси “Жорий операциялар” счётининг (ҳисобининг) ярмисидан ошмаслиги лозим.

7.3. Банк, молия бозор, нарх-наво, инвестиция, суғурта ташкилотларини индикаторлари.

Банк тизими фаолияти индикаторлари. Ушбу индикаторлар банк тизимининг иқтисодиётда ва молия тизимида фаолияти кўрсаткичларини ифодалайди.

1. Банклар капиталининг етарлилиги меъёри (нормативи). Ушбу индикатор банкларнинг хусусий капиталини уларнинг активларига (оғирлиги тенглаштирилган рискларни ҳисобга олинган ҳолда) бўлган нисбати билан ҳисобланади. Индикаторнинг миқдори Базел келишувларига мувофиқ (*Basel II*) 12 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

2. Банк тизимининг умумий (жами) активларини ЯИМга нисбати. Идеал ҳолатда ушбу индикатор позитив иқтисодий динамикали ривожланаётган мамлакатлар учун 80-100 фоизни ташкил этиши лозим.

3. Маблағлар (кредит ва депозитлар) жалб қилиниши ва жойлаштирилишининг ўртача муддатлари. Нормал ривожланаётга иқтисодиётларда бу муддатлар бир бирига мос бўлади. Акс ҳолда қуйидаги икки ҳолатдан бирини кузатиш мумкин: 1) 20-30 фоиз капиталдан ортиқ маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш унинг руҳсат этилган йўқотилиши даражасидан ошиб кетиши мумкин; 2) банк секторининг соф ҳорижий мажбуриятлари даражасини шундай даражага етадики, қачонки миллий валюта курсини кутилмагандаги ўзгариши банк секторининг капитализация даражасига ҳавф туғдира бошлайди. Банкларнинг ўз мажбуриятларини 20 фоизи даражасида тўлов қобилиятига эга бўла олмаслиги, уларни ўз капиталини йўқотишини

англатади.

4. Кредит ва депозитларнинг вақт муддати структураси куйидагича бўлиши лозим: муддати бир йилгача бўлган кредит ва депозитлар улуши 30 фоиздан кам; муддати бир йилдан ортиқ кредит ва депозитлар улуши эса 70 фоиздан юқори. Қисқа муддатли пулларга эга бўлган мамлакат банк тизими ўзининг асосий функциясини (яъни жамғармаларни консолидация қилиш ва уларни инвестицияларга трансформациялаш, инвестицион ва иқтисодий ўсишга кўмаклашиш) нормал бажара олмайди.

5. Банкларнинг хорижий активлар билан боғлиқ позициясини банк тизимининг умумий хусусий капиталига (абсолют миқдори бўйича) нисбати 20 фоиздан ортиқ бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда, валюта курсини кескин ўзгаришида банк тизми учун қайтмас оқибатларга олиб келиши мумкин, айниқса агар хорижий пассивлар (мамлакат иқтисодиётига кредит ва инвестициялар, миллий банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий инструментлар) хорижий активлардан (чет элга чиқарилган инвестициялар, хорижий шерикларга берилган ссуда ва қарзлар, чет эл корхоналарининг қимматли қоғозлари) анча кўп бўлса.

6. ЯИМдаги банк активлари улуши динамикасини иқтисодиётнинг монетизация даражасига нисбати. Бу нисбат тахминан 100 фоизни ташкил этиши лозим. Ушбу шартни бузилиши куйидагилардан далолат бериши мумкин: банк секторининг капитализация даражаси ва барқарорлиги пасаяди, унинг иқтисодиётдаги пул ресурсларини ўстириши ва жамлаши имкониятлари камаяди, яъни банк тизимининг кредит имкониятлари камаяди ёки банк тизимини хорижий инвестицияларга боғлиқлиги ортади.

7. Банклар активларида кредит портфелининг улуши 45 фоиздан ортиқ бўлиши лозим, чунки бундан кам бўлса, банкларнинг фаолияти чет эл операцияларига ёки фонд инструментлари билан боғлиқ спекулятив операцияларга томон оғади.

8. Банкларнинг хусусий капитали рентабеллиги – *ROE* коэффициенти (яъни, банкларнинг соф фойдасини хусусий капиталига нисбати). Ривожла-

наётган мамлакатларда бу кўрсаткич 15 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Бу индикатор банк сектори капиталининг BIS (*Basel Institute of Settlements*) бўйича етарлилиги кўрсаткичи билан бирга кўрилади. Ушбу кўрсаткичлар асосида банк тизимининг даромадлилик тенденцияси ва барқарорлиги ҳамда TOP-25 вакиллари бўлган алоҳида банклар таҳлил қилинади.

9. Банклар активлари рентабеллиги – ROA коэффиценти (банкларнинг соф фойдасини активларига нисбати). Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 1-2 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. ROA коэффицентининг паст даражаси “The Banker” рэнкингидаги банкларнинг TOP-1000 ўртача кўрсаткичига мос келади ва банк сектори учун капиталнинг оптимал ричагини белгилайди.

10. Банкларнинг кредит портфелидаги “ёмон” кредитлар улуши. Ушбу мезоннинг 10 фоизли миқдори ривожланаётган мамлакатлар учун қуйидагиларни англатади: иқтисодиётнинг негатив ривожланиши сценарийсида банклар капиталининг тахминан учдан бири зарарга ёзилиши мумкин, бу ҳолда тизимли банк инқирозининг ривожланиши эҳтимоли жуда юқори бўлади.

11. Банк тизимининг концентрацияси даражаси. Ушбу индикаторнинг нормал даражасини аниқлашда 80:20 нисбатда Парето принципи (тамойили) қўлланилади, яъни 20 фоиз банкларга 80 фоиз банк тизими активлари (ёки капитали) тўғри келади. Агар шу нисбатга ёки унга яқин миқдорга риоя қилинса, банк секторининг концентрация даражаси умуман олганда нормал ҳисобланади. Бу нисбатдан оғиш мамлакатда капитални ва/ёки активларни тақсимланиши тизими нооптимал шаклланганидан далолат беради.

12. Банкларнинг банклараро кредитлашга боғлиқлиги, банклараро кредитларни банклар пасивларига нисбати 20-25 фоиздан ошмаслиги лозим. Ушбу индикаторга риоя қилмаслик, банкларнинг кўп қисми ўз функциясини бажармаслигини англатади. Бундан ташқари, қисқа муддатли банклараро бозор ҳисобига кредитлашни молиялаштириш қўшимча рискларни ўзида мужассамлаштиради, яъни банклараро кредитлар бозорининг локал инқирози (кризиси) банк тизимининг умумий кризисини “домино” принципи бўйича

келтириб чиқариши мумкин.

Нарх-наво индикаторлари. Нархлар даражасини аниқлаш молия тизимининг (бозорининг) алоҳида синтетик функцияси бўлганлиги сабабли уларни алоҳида гуруҳ сифатида ажратилиб чиқарилган. Нархлар динамикасини таҳлил қилиш энг мураккаб муаммолардан ҳисобланади, чунки уларни шаклланиши асосида кўпдан кўп турли омиллар ва жараёнлар ётади. Ушбу гуруҳга қуйидаги индикаторлар киради:

1. Йиллик инфляция даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим. Ривожланган мамлакатларда инфляция даражаси 2-5 фоизни ташкил қилади.

2. Турли товарлар ва хизматлар гуруҳларининг нарҳи динамикаси. Ривожланаётган мамлакатларда асосий товарларнинг нарҳлари (энергия нарҳи, транспорт тарифлари ва х.к.) ривожланган мамлакатлардаги шу каби товарлар нарҳидан 30-40 фоиз пастроқ бўлиши мақсадга мувофиқ (*Eurostat* томонидан мунтазам ҳисобланадиган паритет курси бўйича).

Молия бозорини ифодаловчи индикаторлар. Молия бозорининг финансометрик (секьюриметрик) параметрлари (индикаторлари) ва уларнинг чегаравий миқдорлари⁷, молия тизими ва иқтисодиётнинг индикаторлари

⁷ Параметрларнинг чегаравий миқдорлари жаҳон молия бозори тенденциялари ва муаллифнинг тадқиқотлари асосида аниқланган ҳамда қуйидаги ишларда келтирилган: Шоҳаъзамий Ш.Ш. Секьюриметрика.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.-476 с.; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Проблемы и перспективы стратегического развития рынка ценных бумаг Узбекистана в условиях ЕврАзЭС.-М.: МГУ, Тезисы и доклады Международной научно-практической конференции «Социально-экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов». 16-17 ноября 2006.-сс.146-147; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Фондовый рынок в условиях либерализации внешнеэкономической деятельности.//Т.: Рынок, деньги и кредит, №7 (110), 2006.-сс.25-28; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Об одном подходе к концептуально-системному исследованию и развитию рынка ценных бумаг в Узбекистане.//С.Пб.: Современные аспекты экономики, №8(101), 2006.-сс.207-211; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Финансовый рынок и ценные бумаги. Книга I.-Т.: Иқтисод-молия, 2005.-сс.121-131; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Анализ рынка ценных бумаг Узбекистана.// Т.: Рынок, деньги и кредит, №3, 2007.-сс.25-29. Мальцева И.Г. Система индикаторов финансовой безопасности и конкурентоспособность финансовой сферы экономики России.//М.: Вопросы

билан узвий боғлиқ бўлиб⁸, уларни шартли равишда қуйидаги поғоналарда кўриш мумкин⁹:

- жаҳон (глобал) молия бозорлари муҳитини метадаражада ифодаловчи финансометрик индикаторлар. Бу индикаторлар ёрдамида жаҳон молия бозорлари ва миллий иқтисодиётларнинг бир-бирлари билан ўзаро глобал боғлиқликдаги тенденциялари ва муаммолари ифодаланади;

- миллий молия бозори муҳитини макродаражада ифодаловчи финансометрик индикаторлар. Бу индикаторлар ёрдамида молия бозори ва иқтисодиётнинг ўзаро адекватлилик, эквивалентлилик даражаси (квазианалогиялар принципи асосида молия бозорининг иқтисодиётни “эгиз-аналоги” сифатида) ифодаланади;

- молия бозори қатнашчиларини микродаражада ифодаловчи финансометрик индикаторлар. Бу индикаторлар ёрдамида молиявий инструментлар ва уларни муомалага чиқарувчисининг ўзаро адекватлилик, эквивалентлилик даражаси (квазианалогиялар принципи асосида молиявий инструментларнинг ўз базиси билан “эгиз-аналог” сифатида) ифодаланади.

1. Қимматли қоғозлар бозори капитализациясининг ўсиши темпини ЯИМ ўсиши темпига нисбати. Унинг миқдори ўрта ва узоқ муддатларда 1,1-1,2 миқдор даражасидан ошмаслиги лозим. Агар бу индикаторнинг чегаравий (критик) миқдорларидан кескин силжишлар кузатилса, унда бундай оғишларни келтириб чиқарувчи омилларни секьюриметрик таҳлил қилиш керак бўлади. Айтиш жоизки, бу индикаторнинг меъёридан ҳаддан ташқари юқори миқдори ва унинг пасайиши иқтисодиёт ва молия бозори учун ҳавфли ҳисобланади. Яъни қимматли қоғозлар бозори ва иқтисодиётнинг ўзаро

статистики, №5, 2006.-с.с.14-18.

⁸ Молия бозори индикаторларининг бундай боғлиқлиги унинг иқтисодиёт билан эквивалентлиги, «эгиз-аналог» бўлганлиги (яъни иқтисодиётнинг «барометри») ва унга таъсир кўрсатиши билан белгиланади.

⁹ Ушбу индикаторлар муаллиф иштирокида Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг давлат стратегияси лойиҳасида қўлланилган бўлиб, 2006-2007 йиллар учун тасдиқланган махсус дастурда ифодасини топган Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори 27.09.2006 й., №ПП-475 «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида».

эквивалентлилик даражаси бузилади.

2. Давлатнинг қимматли қоғозлари даромадлилигини ЯИМ ўсиши темпига нисбати 1 (бирдан) кичик бўлиши лозим. Акс ҳолда, давлат бюджетининг қарз юкини ошишига, давлат қарзининг “пирамидасига” (натижада эса дефолтга) олиб келиши мумкин.

3. Молиявий инструментларга (жумладан қимматли қоғозларга) қилинган жорижий инвестициялар портфеллари улушини мамлакатдаги умумий хорижий инвестицияларга нисбати 25 фоиздан юқори бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, инвесторлар мамлакат иқтисодиётини етарлича барқарор эмас деб баҳолайдилар ва капиталларини узоқ муддатли инвестицияларга йўналтириш ўрнига спекулятив операцияларга йўналтирадилар.

4. Бозорни ҳўжалик оборотида бўлган қимматли қоғозлар билан тўйинганлиги. Бу индикатор қимматли қоғозлар бозорининг капитализация даражаси билан аниқланади. Унинг бу даражаси икки усул ёрдамида ҳисобланиши мумкин: 1) бозор муомалада бўлган қимматли қоғозлар (акциялар ва бошқа эмиссияланувчи турлари) ҳажмини эмитентлар сонига нисбати; 2) биржада тузилган ва амалга оширилган шартномалар (битишувлар) асосида вужудга келган акцияларнинг реал оборотини биржа савдоси котировкасида бўлган қатнашчилари (эмитентлари) сонига нисбати. Ушбу индикатор ёрдамида қимматли қоғозлар бозорини иқтисодиётдаги роли ва функцияларини баҳолаш, умуман олганда уни бошқа мамлакатлар бозорларига нисбатан ривожланганлиги даражасини аниқлаш мумкин.

5. Йил ёки маълум даврлар натижаси бўйича молиявий инструментлар (жумладан қимматли қоғозлар) савдоси ҳажми олдинги йилларга (даврларга) нисбатан ижобий ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим. Эмиссияланувчи қимматли қоғозлар ҳажми бўйича ўсиш тенденцияси ЯИМ ўсишига мутаносиб бўлиши керак.

6. Молия бозорида инвестиция рисклари даражаси. Идеал ҳолда унинг даражаси молия бозоридаги валюта ёки кредит рискларидан паст бўлмаслиги лозим, яъни унинг даражаси кўрсатилган рискларнинг 20 фоизи даражасидан

ошмаслиги керак. Реал ҳолатда эса бу даража тизмли, тармоқлар, эмитентлар ва инвесторлар рискларидан ташкил топади.

7. Деривативлар (опцион, фьючерс, своп, форвард ва ҳ.к. қимматли қоғозлар) бозори ҳажмини базавий қимматли қоғозлар ҳажмига нисбати. Бу индикаторнинг критик миқдори Парето принципи асосида аниқланади, яъни деривативлар бозори ҳажми ва базавий қоғозлар ҳажми ўзаро мутаносибликда тахминан 80:20 нисбатда бўлиши лозим.

8. Молия бозорининг операцион тузилмаси таркибига кирувчи малакавий (профессионал) институтлар сони ва ҳажми динамикаси. Бу индикаторнинг динамикаси бозор ҳажмига мутаносиб ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим.

9. Фонд бозори индексини критик ўзгариши. Унинг бир савдо сессиясидаги чегаравий миқдори пасайиши/ўсиши 5 фоиздан ортганлиги ҳолатлари ҳисобланади. Агар бу миқдор ундан ҳам ошиб кетса, ташкилланган бозор учун ноҳуш ҳисобланган волатилликка олиб келади.

10. Миллий валютада доллар курсини ўсиши темпи (суръати) ва фонд бозори индексларининг ўсиши темпи нисбати. Ўрта муддатда фонд бозори индексининг ўсиш суръати валюта курсини ўсиши темпидан юқори бўлиши лозим. Акс ҳолда инвесторлар томонидан мамлакатда иқтисодий конъюнктура ёки унинг алоҳида тармоқлари салбий баҳоланишини кўрсатади. Ушбу индикатор ёрдамида қулай иқтисодий конъюнктура ва иқтисодий ўсиш шароитларида компанияларнинг ЭКВ ҳисобида ифодаланган бозор қиймати (бизнеси) ортишини кўриш мумкин.

11. Қимматли қоғозлар бозорининг волатиллиги (фоизларда ифодаланган ойлик фонд индекслари миқдорининг стандарт оғиши) чегаравий меъёرنинг 5 фоиздан ортмаслиги лозим (40-чи индикаторга қаралсин). Акс ҳолда бозорнинг барқарорлиги бузилади.

12. Молия бозорининг турли (ташқи, макро- ва микродаражадаги) омиллар ва рисклар таъсири шароитларида эгилувчан мослашиши даражаси. Бу индикатор комплекс кўрсаткич бўлиб, молия бозорининг

рақобатбардошлилик, молиявий ҳавфсизлик ва барқарорлилик кўрсаткичлари чегаравий (ҳеч бўлмаса қоникарли) қийматларини сақлаб қолган ҳолда бундай шароитларга эгилувчан мослашиши ҳоссасини ифодалайди. Индикатор қуйидаги умумий кўринишдаги макромолиявий мезон (вектор кўринишдаги критерий) асосида баҳоланади: $\Delta = I_T - I_R$, бунда: Δ – эгилувчан мослашувлилик даражаси; I_T – молия бозорининг барча индикаторларини талаб қилинган (маълум бир жорий ёки келгуси даврда эталон сифатида қабул қилиниши мумкин бўлан потенциал) миқдорлари; I_R – молия бозорининг барча индикаторларини реал шаклланган (мавжуд) миқдорлари. Ушбу индикаторнинг қиймати минимум бўлса, эгилувчан мослашувлилик даражаси максимум ҳисобланади. Умуман олганда, бу индикатор молия бозорининг иқтисодиётга ва ташқи ҳодисаларга (глобал жараёнларга) эквивалентлигини баҳолайди.

13. **P/E кўрсаткичи динамикаси – «фойдага нисбатан баробар кўпайган» (молиявий қўйилмаларнинг йиллар давомида қопланиши).** Бу кўрсаткич бозор томонидан компаниянинг у ёки бу қимматли қоғозини қай даражада баҳолашини ифодалайди. Умуман иқтисодиётнинг идеал ҳолатида унинг даражаси 5-6 йил оралиғида бўлиши керак, чунки айнан шу оралиқ асосий капиталга қўйилган инвестициялар қопланилишининг нормал муддатига мос келади. Ушбу кўрсаткич икки усул ёрдамида ҳисобланиши мумкин:

1) $P/E = \text{Оддий акцияларнинг бозор курси} / \text{Бир дона акция бўйича даромад (EPS)}$;

2) $P/E = \text{Капитализация} / \text{EBITDA}$ (фоизлар, дивидендлар ва солиқлар тўланилишидан олдинги фойда).

14. **Муомалага чиқарувчининг қимматли қоғозларини секьюриметрик сифати даражаси.** Ушбу индикатор ёрдамида муомаладаги қимматли қоғоз ва унинг базиси орасидаги ўзаро эквивалентлилик даражаси аниқланилиши (баҳоланилиши) мумкин¹⁰. Унинг асосида қимматли қоғозларни базисига

¹⁰ Шоҳаъзамий Ш.Ш. Основы секьюриметрики.-Т.: Iqtisod-moliya, 2005.-с.297-318.

нисбатан ортиқча ёки кам қийматда баҳоланганлиги даражасини аниқлаш мумкин.

15. Молиявий инструментларни (жумладан қимматли қоғозларни) чиқарувчиларнинг молиявий ҳолатини ифодаловчи барчага очик маълум қилинадиган миқдорий параметрлар (коэффициентлар), уларнинг сони қирқдан зиёд. Бу фундаментал кўрсаткичлар молия аналитиклари томонидан мунтазам баҳоланиб борилади.

16. Корпоратив бошқарувнинг (компаниянинг корпоратив сиёсати) миқдорий рейтинг даражаси. Бу индикатор махсус рейтинг агентликлари томонидан мунтазам равишда белгиланиб борилади.

17. Молия институтларининг бозор фаоллиги рейтинги даражаси. Бу кўрсаткич бозор ва молия аналитиклари томонидан мунтазам баҳоланиб борилади. Масалан, бу кўрсаткич молия бозори оборотининг ҳажмини молия институтлари ўртасида ўртача тақсимланиши даражаси ёки ҳар бир молия институтининг бозор обороти ҳажмидаги улуши сифатида ифодаланиши мумкин.

18. Молиявий инструментларни чиқарилиши сони, ҳажми ва жойлаштирилиши динамикаси. Муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажми соф фойдани капитализация суммасидан кам бўлмаслиги лозим. Ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорда жойлаштирилиши ҳажмлари бозорнинг умумий ҳажмини 5-15 фоизини ташкил этади.

19. Фонд бозорида ликвид муомалада бўлган қимматли қоғозлар улуши. Бу кўрсаткич фонд бозорида ликвид айланаётган қимматли қоғозларнинг давлат ягона реестрида ҳисоби юритилаётган қимматли қоғозларнинг умумий ҳажмидаги улушини билдиради. Ушбу кўрсаткич ёрдамида мамлакатда чиқарилган ва ликвид (актив) муомалада бўлган қимматли қоғозларнинг улушини билиш мумкин.

Мавзу бўйича таянч сузлар:

рақобатбардошлилик индикатори,
корхонанинг қарз юки даражаси
индикатори, олтин-валюта

бозор хавфсизлиги, бозор
барқарорлиги, бозор жалбдорлиги,
бозор риск даражаси, давлат бюджети

заҳиралари етарлилик даражаси,
инвестицияларни ЯИМга нисбати,
инвестицияларни жамғармаларга
нисбати, миллий валютани ҳорижий
валютага нисбати,

барқарорлиги индикатори,
мамлакатдан капитални “нолегал”
чиқиб кетиши даражаси, банкларнинг
капиталини активларига бўлган
нисбати, банк тизимининг умумий
активларини ЯИМга нисбати

Мавзу бўйича саволлар

1. Иқтисодиёт фаолиятининг макромольвий индикаторлари
2. Иқтисодиётдаги жамғармалар ва инвестициялар
3. Иқтисодиётдаги жамғармалар ва инвестициялар нисбатини ифодаловчи индикаторлар
4. Банк фаолияти ҳавфсизлиги индикаторлари
5. Молия бозорларидаги ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи индикаторлар
6. Молия бозорининг нарх-наво индикаторлари
7. Инвестиция институтлари фаолияти индикаторлари
8. Суғурта ташкилотлари фаолияти индикаторлари
9. Ишлаб чиқа-риш корхоналари фаолияти индикаторлари.

VIII Боб. Давлат ва иқтисодиёт субъектларининг молиявий хавфсизлиги

8.1. Давлатнинг молия ташкилотларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш масалалари

8.2. Давлатнинг номолия ташкилотларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш масалалари

Ҳозирги бозор шароитида иқтисодий ривожланишнинг асосларини, аввало, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан инвестиция мақсадларида фойдаланиш ташкил қилади. Бинобарин, бу ўринда қабул қилинадиган қарорларнинг мазмуни ҳам миллий иқтисодиётни реал ривожлантириш истиқболлари нуқтаи назари қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Инвестиция жараёнларини иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан тахлил қилишдан аввал, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш муаммолари бўйича чиқарилган нашрларнинг асосий кўпчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали инвестиция сиёсати туфайли сўнгги йилларда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланганлигига ушбу берилган. Уларда Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ўсиши нафақат барқарор, балки изчил ҳадисага айланганлиги қайд этилган. Бинобарин, ўзини ўзи қувватлаб турадиган ўсишнинг системали шартшароитларининг мавжудлиги либерал иқтисодий тузумнинг қарор топишидан далолат беради.

Инвестиция жараёнларида мавжуд бўлган ҳақиқий муаммолар фақат айрим тадқиқотлардагина танқидий нуқтаи назардан қараб чиқилган. Бироқ иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан инвестиция соҳасидаги муаммолар етарлича ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикасида кўзга ташланаётган иқтисодий ўсишдаги нотекислик иқтисодий хавфсизликка жиддий таҳдиқдир. Иқтисодий хавфсизлик учун асосий таҳидни миллий иқтисодиётнинг ривожланишига бевосита салбий таъсир кўрсатувчи таҳдид ташкил қилади.

Ҳозирги Ўзбекистон шароитига нисбатан иқтисодий ўсишнинг нотекислиги ноуйғунлик (асинхронлик) ҳолати сифатида баҳоланмоғи лозим. Биринчидан, республикадаги иқтисодий ўсиш унинг барча ҳудудларида юз

бермоқда.

Иккинчидан, тегишли равишда нотекислик ҳодисаси ҳам ҳамма жойда кузатилмоқда.

Учинчидан, иқтисодиётнинг барча соҳаларини (яъни системанинг барча элементларини) қамраб олганлиги боис, ушбу ҳодисанинг ўзи жиддий система хусусиятига эга бўлмоқда. Шу сабабли умумилмий методологик талаблар нуқтаи назаридан бу ҳодисани иқтисодий ўсишнинг асинхронлашуви деб аташ тўғри бўлади.

Асинхронизация, системанинг хусусияти сифатида, ҳар хил нуқтаи назардан қараб чиқилиши мумкин: унинг объектив ва субъектив сабабларини, вақт ва маконда кечиш хусусиятларини, унинг таъсирига энг кўп учрайдиган объектлари ва субъектларини таърифлаш нуқтаи назаридан ва ҳаказо. Ушбу тадқиқот доирасида биз иқтисодий ўсишнинг асинхронлигини республиканинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид сифатида қараб чиқамиз.

Бу баъзи бир методологик изоҳларни талаб қилади. Аввало, асинхронлик иқтисодий хавфсизлик мазмунининг бош йўналишларини инобатга олган ҳолда кўриб чиқилиши керак. Ҳозирча инвестиция оқимлари ишлаб чиқариш таркибини тубдан янгилаш (модернизациялаш)га ожизлик қилмоқда, шу боис иқтисодиётнинг самарасиз тузилиши сақланиб қолмоқда. Бу эса иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи омилдир, чунки бу иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш имконини бермайди.

Тахлилга яна бир таркибий жиҳат - ялпи ички маҳсулотни яратиш тузилмасини (8.1-жадвалга қаранг) ва инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тузилишини (8.2-жадвалга қаранг) ўрганишни киритадиган бўлсак, янада зиддиятли манзара ҳосил бўлади. Ушбу жиҳатларга мамлакатимиз олимлари Иқтисодий тадқиқотлар марказининг маърузасида эътиборни қаратганлар.

Жадвал маълумотлари айниқса 2000-2001 йилларга келиб ишни яратишда саноатнинг ҳиссаси кескин, деярли икки марта, камайганлигини кўрсатмоқда. Ундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ва қурилишнинг ҳиссалари ҳам камайган. Хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши арзимас даражада

яхшиланган.

Саноат ҳиссасининг инвестицияда камайиши келишган бузилишлар оқибатидир.

Жадвал 8.1.

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқариш миллий иқтисодиёт сохалари бўйича олинган (% да)

	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2002	2003	2004	2005
Саноат	26,6	22,3	17	17,1	17,8	15,9	15	13,9	14,2	14,5	15,8	17,5	20,7
Қишлоқ қўжалиги	35,4	27,8	34,5	28,1	22,4	26,8	26,4	28	30,1	30,1	28,6	28,4	25
Қури-лиш	9,5	8,9	7,2	7,1	8,2	8	7,7	7,1	6	4,9	4,5	4,8	4,9
Хизмат кўрсатиш	18,6	19,9	19,8	22,1	23,3	22,4	20,6	20,2	37,2	37,9	37,4	37,2	38,4
Соф солиқлар	-0,8	9,4	8,2	13,1	14,4	12,7	15,6	15	12,5	12,6	13,7	14,1	11

Бу шундан дарак берадики, ўша йилларда такрор ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотларнинг моддий ҳажми, яъни уни акс эттирувчи реал маҳсулот етарлича ўсмаган. Унинг пул-қиймат шакли жадал ўсган. Маҳсулотнинг номинал ҳажми турли устамалар ва солиқ ҳисобидан жадал ўсган. Ишлаб чиқаришга юборилган инвестициялар қайтими тез бўлмаган, чунки улар ўзини тез оқлашларга қурилиш монтаж ишлари тувор бўлганидан ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушиб, реал маҳсулот яратиши кечикиб кетган. Бунинг оқибатида маҳсулот ўсими, инвестиция ўсимидан орқада қолган.

Айтилганлар асинхроник иқтисодий ўсишни юзага келтирган. Бирок асинхронизм хавфсизлик жиҳатидан қаралганда унга икки ёқлама баҳо бериш мумкин. Биринчидан, асинхронизм бўлганда ҳам иқтисодий ўсиш юз беради. Иккинчидан, бу ўсиш суръатлари етарли бўлмайди, муҳими у нотекис борганидан иқтисодиёт таркибини янги модернизациялаш талаблари даражасига чиқиши орқага сурилади. Иқтисодий ўсиш қанчалик асинхрон бўлмасин, бари бир иқтисодий ривожланиш юз беради, бу эса хавфсизликка хизмат қилади.

2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши

	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан:									
Саноат	31,7	28,8	32,6	29,7	38,9	32,9	29	29	29,9
Қишлоқ ва урмон хўжалиги	6,7	6	8,2	5,7	5,5	6,7	5	3,4	3,2
Қурилиш	0,6	0,4	0,3	0,5	0,6	0,7	0,5	0,7	0,8
Транспорт ва алоқа	21	19,6	13	16,9	14,1	19,4	19,5	23,1	20,2
Ноишлаб чиқаришга мўлжалланмаган объектлар	35,5	41,1	42,5	42,5	36,9	40,5	36,4	36,9	34,7

Бироқ хавфсизликка эришиш даражаси юқори бўлмайди. Тажрибаларнинг кўрсатишича, асинхрон ўсиш ўтиш давридаги кўпчилик мамлакатларда кузатилади.

МДХ илгари халқ хўжалиги комплексига хос бўлган. Ихтисослашув даражаси, яъни шаклланиб улгурган меҳнат тақсимоти мустақиллик шароитидаги иқтисодий ривожланиш талабларига жавоб бермай қўйди. Айтилган комплекснинг вйрон бўлиши асинхронизмга олиб келади. Боз устига мавжуд ишлаб чиқариш таркиби режали тизим маҳсули бўлиб, бу шаклланаётган бозор талабига жавоб бера олмас эди.

Таркибий тузулмани бозор принциплари асосида қайта қуриш учун, биринчидан, бозор механизми шаклланиб ишга тушиши зарур эди. Иккинчидан, бозор мўлжали янгича бўлиши талаб қилинади. Учинчидан, энг муҳими, таркибий тузилмасини янгилаш учун етарли миқдорда инвестиция ресурслари зарур эди. Айтилган омиллар дарҳол юзага чиқа олмаганлиги боис асинхрон ўсишни бирданига тўхтатиб бўлмайди. Кўпчилик ёш мамлакатларда инвестиция муаммоси хавфсизликнинг долзарб муаммосига

айланади, чунки уни кўпайтириш имкониятлари объектив тарзда чекланган бўлади. Ҳозирги пайтда дунёдаги ЯИМнинг 4/5 қисмини аҳоли сони жиҳатдан озчилик, лекин иқтисодий ривожланган мамлакатлар яратади. Аксинча, аҳоли сони жиҳатидан кўпчиликни ташкил этувчи қолоқ мамлакатлар ЯИМнинг кам қисмини яратадилар. Ишлаб чиқариш салоҳиятидаги жиддий фарқлар инвестиция имкониятларини, бинобарин хавфсизлик учун зарур бўлган иқтисодий ўсиш имкониятларини турлича қилади. Ҳозир ҳам ўз вақтида Нобель мукофоти совриндори Г. Мюрдаль қайд этган қашшоқлик доирасидан чиқа олмаслик сақланиб қолмоқда. Маълумки, ривожланаётган мамлакатларда қолоқлик қашшоқликни юзага келтиради, қашшоқлик инвестиция имкониятларини чеклайди, бу эса, ўз навбатида, қолоқликни ҳосил қилади. Қолоқлик эса қашшоқликни янгидан яратади.

Айтилган қоида ҳозир устувор бўлмасада, у сақланиб қолган мамлакатлар ҳам оз эмас. Маълумки, инвестициялар жамғаришдан олинади. Назарияда А. Кейнс айтганидек, иқтисодий ўсиш моделида жамғариш инвестицияга тенг деб қараш мумкин. Шунга биноан инвестиция имкониятларини иқтисодий салоҳиятга мутаносибликда баҳласа бўлади. Ҳозирги дунёда иқтисодий салоҳиятнинг фарқланишига қараб жамғариш, шунингдек, инвестициялар ҳам тафовутланади.

Маълумотларга кўра, мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятига қараб жамғариш нормаси катта фарқга эга эмас. Бироқ ўзаро яқин жамғариш нормаси сақланган шароитда жамғаришнинг мутлақ миқдори ғоят жиддий фарқланади.

Бу фарқ иқтисодий ривожланган ва у заиф мамлакатларда келтирилган маълумотларга қараганда 53,5 мартадан зиёддир. Демак, иқтисодий салоҳиятга жамғариш миқдори тўғри мутаносибликда бўлади ва шунга қараб иқтисодий ўсиш ва хавфсизлик таъминланади. Иқтисодиётда шундай объектив қонуният борки, унга кўра ҳар қандай жамият ишлаб чиқарганидан ортиқча истеъмол этиши мумкин эмас. Агар шундай ҳодиса юз берса, жамият ўз салоҳиятидан ташқарида бўлган, яъни ўзгалар қўлидаги истеъмол манбаига таянади.

Турли мамлакатларда иқтисодий салоҳият ва жамғариш (Валюта курсига биноан АҚШ долларида ҳисобланган, 2002 й. ҳолатида)

	Мамлакатлар	Ҳажми, ЯИМ млрд. долл.	Жон бошига ЯИМ долл.	Ялпи капитал жамғариш млрд.дол.	Жон бошига жамғариш млрд. долл.	Жамғариш
1.	Иқтисодиёти ривожланган	25383,7	26310	4645,2	4813,7	18,3
2.	Иқтисодиёти ўртача	5033,3	1840	1235,3	450,5	24,5
3.	Иқтисодиёти паст (қолоқ)	1071,7	430	225,7	90,5	20,9

Истеъмол ўзи шахсий ва ишлаб чиқариш истеъмолидан иборат. Ишлаб чиқариш истеъмоли юз берганда ресурслар шаклидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга юборилиб, унинг қўшимча омилларига айланади ва уни кенгайтиради. Инвестиция ўзининг моддий шаклида бундан ўзга нарса эмас, албатта.

Инвестиция миқдори иқтисодий салоҳиятга тўғри мутаносибликда бўлса, шахсий истеъмол кўламига тескари мутансибликда бўлади. Шу сабабли ЯИМ ҳажми ўзгармаган тақдирда ҳам истеъмол ва жамғариш фойдаларига тақсимланиши инвестиция имкониятларини ўзгартиради. ЯИМ ҳажми константа деб қабул қилинганда истеъмол кўп бўлса, жамғариш қисқаради ва аксинча, жамғариш кўпайса, истеъмол қисқаради. Шу сабабли иқтисодий ҳавфсизлик уларни маълум нисбатда бўлишини талаб қилади.

Бу нисбатни истеъмол ва жамғариш ўртасидаги макроиқтисодий мувозанат ифодалайди. Бу мувозанат жами талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат билан боғланиб, иқтисодий барқарорликни таъминлайди. Бу мувозанат тенденция характериға эға, яъни истеъмол ва жамғариш мувозанатлашувига мойил бўлади. Аммо бунга эришиш иқтисодиёти кучли мамлакатларда енгил кечса, иқтисодиёти заиф мамлакатларда оғир кечади ва четдан молия ресурсларини жалб қилишни талаб қилади. ЯИМ миқдорининг кичиклиги уни тақсимлашдаги маневрни чеклаб қўяди. Маҳсулотнинг ўзи

озлигидан уни истеъмол қилиш ёки жамғариш муаммоларни келтириб чиқаради. Маълумки, назарияда А. Кейнс асослаган жамғариш парадокси бор. Шунга кўра, истеъмолни тийиб жамғаришни ошириш жами талабни қисқартириб, иқтисодий ўсишга ҳалақит бериши мумкин, чунки шундай бўлганда жами талаб ва таклиф мувозанати бузилади, бу эса бозор тизимининг бош мувозанати ҳисобланади. Жами талаб - бу барча истеъмолчилар (хонадонлар, фирмалар ва давлат идоралари)нинг муайян нав бўлганда қандай миқдор ва турдаги товар ва хизматлар сотиб ола билиши демакдир. Жами таклиф - мамлакатдаги барча фирмалар ва индивидуал тадбиркорлар бозорга қандай ҳажмда товар ва хизматларни етказиб бериши демакдир.

Истеъмол талабга таъсир этса, жамғариш иқтисодий ўсиш орқали таклифга таъсир этади, чунки қўшимча инвестиция қўшимча равишда ишлаб чиқаришни талаб этади.

Бинобарин, иқтисодий хавфсизлик учун истеъмол ва жамғаришнинг мақбуллиги талаб қилинади. Бироқ иқтисодиёт заиф шароитда чет элдан ресурслар жалб этмай туриб бунга эришиш қийин бўлади. Бунга фақат ички ресурсларни тақ-симлаш ҳисобидан эришилганда кутилган иқтисодий ўсиш маррасига чиқиб бўлмайди ва шунга кўра хавфсизликни таъминлаш мушкул бўлади. Иқтисод яхши ривожланган ерда истеъмол ва жамғариш зиддияти анча кескин бўлади, чунки истеъмол қисқарса, иш кучининг такрор яратилишига путур етади, бордию жамғариш қисқарса, иқтисодий ўсиш сустлашади. Бу ерда истеъмол муаммоси ечими четдан ёрдам олиш ҳисобидан бўлади, яъни аҳоли тез ўсган шароитда жон бошига истеъмолни ўз инвестиция ресурсини қисқартирмаган ҳолда тутиб туриш учун истеъмол фондини ёрдам ҳисобидан тўлдириб бориш керак. Шундай заруратни англаган ҳолда дунё ҳамжамияти камбағал мамлакатларга ёрдам беришни ташкил этади. Ёрдам оқими асосан бой мамлакатлардан камбағал мамлакатлар томон боради (6-жадвал).

**Дунё мамлакатларига уларни тараққий эттириш учун берилган расмий
ёрдм (Валюта курсига биноан, АҚШ доллари асосида ҳисобланган)**

	Мамлакат-лар	Ўрдам суммаси,		Жон бошига ўрдам, долл.		Ўрдам ЯИМ маҳсулотга		Ўрдам жами капитал жамғаришга		Ўрдам товар ва хизматлар импортига нисбатан, %	
		млрд. долл.				%		%			
		1996	2001	1996	2001	1996	2001	1996	2001	1996	2001
1.	Даромади паст	24,6	24,6	11	10	2,6	2,5	10,4	10,9	9,4	8,4
2.	Даромади ўртача	22,4	21	9	8	0,4	0,4	1,7	1,7	1,6	1,3
3.	Даромади юкори	3,4	1	4	1	0	0	0,1	0	0,1	0

Жадвал маълумотларига кўра, халқаро ёрдмнинг деярли ярмини даромади паст мамлакатлар олган, шунга яқин қисмини даромади ўртача мамлакатлар олган. Берилган ёрдм фақат истеъмолга эмас, балки жамғаришга ҳам хизмат қилади. Шу сабабли даромад камайган сари ёрдмнинг жамғаришдаги ҳиссаси ортиб борган. Бунга нисбатан унинг импортдаги ҳиссаси бироз кичик бўлган. Ёрдмнинг ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ҳиссаси шуни кўрсатадики, у пасайган сари ёрдмнинг роли ошиб борган. Чет эл ёрдами маълум даражада истеъмол ва жамғариш ўртасидаги зиддиятни юмшатади. Бироқ уни узилкесил ҳал эта олмайди. Шу ўринда хориж кредити ва бевосита инвестициялари ало ҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли чет эл кредитининг инвестиция ресурсларини шакллантиришдаги роли кучайиб боради, лекин бу турли мамлакатларда турлича кечади. Кредитнинг халқаро миқёсда тақсимланиши глобаллашув учун табиий бир ҳол, чунки эндиликда кредитга талаб ва унинг таклифи халқаро миқёсида ҳам шаклланади. Бироқ кредит таклифи донор мамлакатларда жамланса, унга талаб ўз инвестиция ресурслари етишмаган мамлакатларда юзага келади. Кредит инвестиция манбаи сифатида уни олувчи иқтисоди заиф мамлакатларда жиддий ҳолатни юзага келтиради.

Биринчидан, кредит инвестицияга юборилганда истеъмолни таъминлайди, чунки у истеъмолдан олинадиган чегирма суммасини қисқартиради. Бу билан истеъмол ресурси камаймасдан, жами талабни қисқаришга олиб келмайди. Бу билан истеъмол билан жамғариш ўртасидаги жиддий мувозанат таъминланади. Иккинчидан, қарз ва унинг фоизини тўлаш муҳлати келганда бу истеъмолдан олинадиган чегирмани оширади. Бинобарин, кредит айтилган чегирмани орқага суради. Бироқ олинган кредит реал секторга инвестицияланганда мультипликация самараси пайдо бўлиб, олинган кредитни тўлаш имконияти юзага келади. Қарздорликнинг ҳам ўз чегараси борки, бундан ошиб кетилганда хатар пайдо бўлади. Бу чегарага кўра ташқи қарзнинг суммаси ЯИМ қийматининг 60 % дан ошмаслиги керак. Қарз шундан ошганда хавфсизликка таҳдид туғилади.

Хавфсизлик нуқтаи назаридан чет эл кредитига нисбатан бевосита хориж инвестицияси афзалликка эга. Олинган кредит қарздор ихтиёрига тушади, масъулияти ҳам унинг зиммасига юклатилади. Кредитни инвестицияга ай-ланишидан ҳосил бўлган хавф тақсимланмасдан тан-ҳо қарздор унга дуч келади, бевосита инвестиция хавфини ташқи инвесторларнинг ўзи кўтарганидан унинг оғирлиги миллий иқтисодга тушмайди. Кредит инвестицияга юборилганда пул шаклидаги капитал турли мақомга эга бўлади. Кредит капитал мулк сифатида унинг тасарруфида сақланади, бироқ уни қарздор амалда ишлатганда капитал функция ҳосил бўлади.

Капитал функцияни юзага келиши миллий иқтисодиётга ушадиган инвестиция юкини қисқартиради, бироқ хавфини сақлаб қолади. Капитал функция қанчалик самарали ишлатилса, иқтисодий хатар шунчалик камаяди. Бевосита хориж инвестицияси юз берганда хатар фойданинг репатриация этилишида, яъни чет элга олиб кетилишида бўлади, чунки бу мамлакатга юбориладиган инвестицияни қисқаришига олиб келади. Хориж инвестиясининг афзаллиги хавфни бир томонлама (инвестор томонида) бўлишидагина эмас, балки четдан кирган капитал билан биргаликда илғор

технология ва менежменти кириб келишида, шунингдек, мамлакатда яратилган товарларни ташқи бозорга чиқа олишидадир. Хориж инвестициялари оқибати баҳоланганда унинг салбий томонларини ҳам назарда тутиш зарур. Чет эл капитали экологик муҳитга путур етказиши, миллий табиий ресурсларни аёвсиз ишлатилишига ва ишлаб чиқаришни бир ёқлама ўстириб, унинг ташқи бозорга қарамлигини кучайтиришига олиб келиши мумкин, бу эса хавфсизлик талабларига мос келмайди. Шу сабабли чет эл капиталининг фаолияти давлат ва жамоатчилик назоратига олиниши керакки, бу унинг салбий оқибатларини тамомла йўқотмаган тақдирда ҳам, уни жиддий камайитириши мумкин. Хуллас, чет эл капиталининг жалб этилиши глобаллашув шароитида объектив заруратга айланса-да, иқтисодий хавфсизликка турли йўналишда таъсир этади. Бу билан боғлиқ бир қатор омиллар хавфсизликни мустаҳкамласа, бошқалари уни заифлаштиради. Шу сабабли давлатнинг вазифаси хатарга солувчи омилларни заифлаштириш ва хавфсизликни мустаҳкамловчи омилларни кучайтиришдир.

Мавзу бўйича таянч сузлар:

молиявий интервенция,	репрессия, эмбарго, ташқи сиёсат,
асинхронизация, жамғариш парадокси	товар-хамашё бозорининг
прессинг, ташқи кризислар,	ўзгарувчанлиги
молия бозорининг ўзгарувчанлиги	

Мавзу бўйича саволлар

1. Давлатнинг молиявий ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари
2. Молия ташкилотларининг молиявий ҳавфсизлиги
3. Молия ташкилотларининг молиявий ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари
4. Номолия ташкилотларининг молиявий ҳавфсизлиги
5. Номолия ташкилотларининг молиявий ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари.

IX Боб. Молиявий хавсизликка даҳл солувчи хуружлар

9.1. Молиявий хавфсизликка даҳл солувчи ташқи хуружлар

9.2. Молиявий хавфсизликка даҳл солувчи ички хуружлар

Глобаллашув жараёни жаҳон умумий иқтисодий маконини шакллантиришга йўналтирилган. Унинг ривожланиши очик миллий иқтисодиётлар, товар ва хизматлар эркин глобал бозорлари, молия ва ишлаб чиқариш омиллари асосида интеграцияланган жаҳон хўжалигини яратишга олиб келади. Глобаллашув жараёнининг институционал тизимини ташкил қилувчи асосий субъектлар бўлиб миллий давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, трансмиллий корпорация ва банклар, халқаро молия бозорлари намоён бўлади. Қонун чиқариш ва ижроия ҳокимлиги ва ваколатлари билан таъминланган, пул ресурсларига эга иқтисодий бошқариш ва тартибга солиш тизими сифатида миллий хўжаликларнинг ривожланиши ва мустақамланишида катта роль ўйнади ва ўйнамоқда ҳам.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувини ҳаракатлантирувчи асосий куч ҳисобланган халқаро молия ва ахборот инқилоби компьютерларнинг кенг тарқалиши ва такомиллашуви, интернет-технологияларнинг тез жорий қилиниши, глобал илмий-тадқиқот тармоқларининг шаклланиши билан тавсифланади. Замонавий иқтисодиётда ташқи иқтисодий соҳанинг ривожланиши, айниқса унинг валюта-молия сегментининг ривожланиши ЯИМ ва ички ишлаб чиқаришнинг ўсишидан ўзиб кетмоқда.

Очик иқтисодиёт стратегияси нафақат ривожланган, балки ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун ҳал қилувчи бўлди. Очик иқтисодиёт давлат протекционизм сиёсатининг сустлашуви, ички бозорларда рақобатнинг кучайиши, миллий иқтисодиётларнинг ташқи таъсирлар учун очиклиги ва заифлигининг ўсиб боришини англатади. Очиклик тенденцияси иқтисодий интеграциянинг ривожланиши билан кучаяди. Минтақавий интеграция иттифоқлари доирасида товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омилларини ҳаракатлантириш йўлидаги тўсиқларнинг олиб ташланиши, илмий-техник ва ишлаб чиқариш

хамкорлигининг кучайиши асосидаги яқинлашув ва ўзаро алоқа жараёнлари жадал суръатларда ривожланмоқда ва ўз ортидан бошқа мамлакат ва минтақаларни ҳам эргаштирмоқда.

Замонавий иқтисодиётга хос бўлган жиҳат — миллий иқтисодий структуралар бир-бирига кириб боришининг ўсиши — ташқи савдо квоталарининг ортиши, истеъмолда импортнинг улуши ўсиши, ички инвестицияларда хорижий каптали улушининг ортиши, фан-техника тараққиётида хориж технологиялари ролининг кучайиши билан тасдиқланади.

Хусусий секторнинг илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш учун ривожланган мамлакатларда қуйидаги каби иқтисодий ва бюджет сиёсати чораларидан фойдаланилади:

- илмий тадқиқот ва лойиҳаларга сарфланадиган хусусий сектор харажатларини маҳсулот таннархига киритиш;
- илмий асбоб-ускуналарнинг катта қисмини амортизация тезлашга меъёрлари бўйича ҳисобдан чиқариш;
- йирик корпорацияларда илмий харажатлар ҳажмини доимий ошириш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни янги технологиялар соҳасида инновацион фаолиятга йўналтирилган солиқ имтиёзлари тақдим этиш;
- илмий-техник лойиҳаларни имтиёзли кредитлаш ва йирик лойиҳаларни улуш асосида молиялаштириш, венчур молиялаштириш учун институционал шароитлар яратиш;
- асосан таълим ва кичик бизнес соҳасида инновацион корхоналар ташкил қилиш, шунингдек, минтақаларда илмий инфратузилма яратиш учун давлат мулки ёки ер майдонларини хайрия асосида ёки имтиёзли шартларда тақдим этиш.

Глобаллашув афзалликларидан аввало жаҳон иқтисодиётидаги етакчи мамлакатлар фойдаланди. 1990 йилларда катта миқдорда дунё моддий ва молия ресурсларини жалб этган америка иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши қайд этилди. АҚШда шаклланаётган “янги иқтисодиёт”ни

ҳаракатлантирувчи куч инновациялар, информатика, инсон капитали ҳисобланади. Бироқ 2001 йилнинг баҳоридан бошлаб америка иқтисодиётининг ривожланиши пасайди, долларнинг еврога нисбатан курси пасая бошлади. 2003 йилда америка иқтисодиёти ривожланиши натижалари умид уйғотади: ЯИМ ўсиш суръати 2005 йилнинг январь ойида 3,1%ни ташкил этди.

Хорижий капитал оқимининг кириб келиши тарихий максимум нуқтасига етди (92 млрд долл.), 2004 йилнинг баҳорида долларнинг еврога нисбатан курси кўтарилди ва 1999 йилдаги даражага етди.

Европада интеграция жараёни ЕИ иқтисодий ва валюта иттифоқининг шаклланиши, 12 мамлакатда умумий ЕВРО валютасининг киритилиши ва 10 та мамлакатнинг янги аъзо бўлиб кириши билан якунланди. Бироқ янги асрнинг бошида евроҳудуднинг ўсиш суръати пасайди (2003 йилда ЯИМ 0,5% игача), бюджет тақчиллиги ўсди ва бир қатор мамлакатларда нозик қийматларга яқинлашди. 1990 йилларнинг бошида ривожланишнинг япон модели ишдан чиқди. Мамлакат жиддий иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда ва ўн йилдан ортиқ вақтдан бери иқтисодий ўзгариш ва ислохотлар ҳолатида турибди.

Бозорлар ва миллий иқтисодиётларнинг очиқлиги рақобатни, мамлакатларнинг фойда олишдаги тенгсизлигини кучайтиради. Глобаллашув билан бирга жаҳон хўжалик шароитларига яхши мослашмаган, ривожланишда ортда бораётган мамлакатларда салбий оқибатларнинг ривожланиши кузатилмоқда. 1990 йилларда Латин Америкасининг айрим мамлакатлари, Россия, Осиёдаги бир гуруҳ мамлакатлар молиявий ва валюта инқирозини бошидан кечирди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги 1970-йилларда бошланган бозор маконини кенгайтирши ва кўпроқ очиқлик томон фундаментал характерли таркибий ўзгаришлар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва ўзгаришига хизмат қилди. Улар жаҳон хўжалиги ривожланишининг умумий йўналишини белгилаб берди ва жаҳон

иқтисодиёти глобаллашув жараёнини жадаллаштирган муҳим омилга айланди.

1970-йиллардаги иқтисодий қийинчиликларнинг асосий сабабчиси нефть, “осойишталикни бузувчилар” эса — нефть қазиб чиқарувчи араб мамлакатлари бўлиб, улар ғарб мамлакатлари иқтисодиётининг нефть импортига қарамлигидан ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидан фойдаландилар. Урушдан кейинги биринчи ўн йилликларда йирик нефть компаниялари нефть хомашёсининг нархини паст даражада ушлаб туриб, уни қазиб чиқаришни, аввало, дунёнинг асосий нефть захиралари жойлашган ва дунёдаги энг арзон нефть қазиб чиқариладиган Ўрта Шарқ мамлакатларида бетўхтов ошириб борганлар. Импорт қилинаётган арзон нефть ривожланган мамлакатлар энергобалансидан бошқа манбаларни тезда сиқиб чиқарди ва 1970 йилда унинг салмоғи 50%га етди.

1970-йиллардан бошлаб йигирма йиллик турғунликдан сўнг нефть нархи юқорига кўтарила бошлади, бунга нефть ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи асосий мамлакатларнинг сиёсати ҳам хизмат қилди. 1960 йил бу мамлакатлар Нефть ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар ташкилотини (ОПЕК) туздилар, ташкилот фаолият кўрсатаётган йиллар давомида унга аъзо мамлакатлар катта миқдорда валюта-молия ресурсларини жамғариб, ўзларининг иқтисодий манфаатлари учун кураш тажрибасига эга бўлдилар. 1971 йилдан нефтнинг маълумотнома нархлари нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлар ва ғарбнинг нефть концессионер-компаниялари ўртасида келишув бўйича белгилана бошлади. 1950-1960 йилларда араб нефтининг маълумотнома нархи баррелига 1,75-1,80 долларни, 1971 йилда эса — 2,18 долларни ташкил қилди.

Европа иттифоқи (ЕИ) ҳужжатларида энергетика муаммосини ҳал этишнинг учта асосий йўналиши белгилаб берилган: 1) энергияни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш; 2) барча энергия турларини ички ишлаб чиқаришни ошириш ва ўзини-ўзи таъминлашни ошириш; 3) энергетика воситалари соҳасида ташқи савдо муносабатларини қайта ташкил қилиш. ЕИ

энергетика дастурида марказий ўринни иқтисодий ўсишни тўхтатмаган ҳолда ЯИМ энергия сифimini пасайтиришда тез натижа берадиган энергиядан тежамкорлик билан ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари эгаллади.

Энергетика воситалари билан ўзини-ўзи таъминлашни оширишни кўмир казиб чиқаришни модернизациялаш, янги конларни ўзлаштириш, бошқа ривожланган мамлакатлардан кўмир импортини кенгайтириш ҳисобига амалга ошириш тавсия этилган. Шу билан бирга атом энергетикасини кенайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, геотермал, қуёш энергияси, газификация, кўмирдан суюқ ёқилғи олиш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш учун субсидиялар ажратилди. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- импортда нефтнинг улушини оширмаган ҳолда энергетика воситалари етказиб беришни максимал даражада диверсификациялашга интилиш;
- таъминотчи мамлакатларнинг квоталарга (битта мамлакатга импортнинг 15%игача) қатъий риоя қилган ҳолда табиий газ импортини оширишни рағбатлантириш;
- энергетика соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;
- ривожланаётган мамлакатлардан ишончи ёқилғи-энергетика хомашёси таъминотчиларини топишга интилиш;
- ташқаридан нефть захираларининг камайиши ҳолатлари учун мажбурий суғурта захиралари, мамлакатлар ўтасида ресурсларни қайта тақсимлаш ва бир-бирига етказиб бериш механизмини яратиш.

1990-йилларда ЕИ валюта ва иқтисодий иттифоқини ташкил қилиш, ЕВРОни муомалага киритиш асосий муаммога айланди. Ғарбий Европа умумий молия бозорини шакллантириш корпорациялар ва банкларни бирлашуви ва ўзига олишни рағбатлантиради, корпоратив қимматли қоғозлар эмиссияси ва акциялар савдоси электрон тизимдаги операцияларнинг ўсишига олиб келди. Евроҳудуднинг фонд бозори катта захирага эга бўлиб,

унинг капиталлашуви АҚШдан бир неча марта ортда қолади. Евро худудида акция ва облигациялар молиялаштириш ва жамғармаларда камроқ роль ўйнайди; у ерда банк депонентлари ва кредитлашдан кўпроқ фойдаланилади. Евро худудининг ташкил қилиниши таркибий ўзгаришларни давом эттириш учун қўшимча стимуллар яратади, Европа мамлакатларининг узоқ муддатли истикболлари айнан уларнинг қай даражада муваффақиятли бўлишига боғлиқ бўлади.

Бироқ дастлабки паллада ЕВРОнинг киритилиши ЕИда таркибий баланслар муаммосини ўткирлаштирди. ЕИ мамлакатларининг экспортга йўналтирилганлиги, жаҳон иқтисодиётида салбий тенденцияларнинг кучайиши туфайли 1998-1999 йилларда ўсиш суръатининг пасайишига асосий сабаблардан бири бўлди. 1999 йилнинг иккинчи ярмида Европа иқтисодиётининг маълум даражада барқарорлашуви Европа марказий банкининг рақобатлантирувчи пул сиёсатини ўтказиши, жаҳон иқтисодий конъюнктурасининг яхшиланиши, евронинг кучсизланиши (2000 йилнинг мартада бошланич даражасининг 18%ини йўқотди) билан изоҳланади. Кейинчалик евронинг долларга нисбатан курси тез ўса бошлдаи ва 2004 йилнинг бошида 1,3 долл./1 еврога яқинлашди. Бироқ 2003 йилда еврохудуднинг ўсиш суръати ЯИМнинг атиги 0,5%ини ташкил қилди, бу пайтда ушбу кўрсаткич АҚШда 3,1%га, Япония эса 2,6%га тенг бўлди.

Сўнгги йигирма йил давомида АҚШ иқтисодиётида фундаментал ўзгаришлар рўй берди. 1980-йилларда АҚШ капитал ва товар импорти салмоғи ўсиб бораётган, долларнинг курси ва жаҳон иқтисодиёти аҳволига боғлиқ бўлган очик иқтисодиётга ўта бошлади. 1990-йилларда ахборот технологиялари асосида АҚШда “янги иқтисодиёт” шаклланди, у 2001 йилгача узоқ муддатли иқтисодий кўтарилиш, иқтисодий ўсишнинг паст инфляция билан боғлиқлиги, даврий ривожланиш динамикасининг йўқотилиши билан ажралиб турди. 2001 йилнинг ўрталаридан бошлаб АҚШ яна ривожланиш босқичига ўтди, 2003 йил ўсиш қайта тикланди.

АҚШнинг “янги иқтисодиёт” сари йўли жуда узун ва мураккаб бўлди.

Жиддий иқтисодий қийинчиликлар АҚШда 1980-йиллардаги энергетика инқирозидан анча олдин пайдо бўлган. 1960-йилларнинг охирларида АҚШ савдо балансининг мусбат сальдоси тобора қисқариб борди, доллардан қочиш эса оммавий характерга эга бўлди. 1971 йил XIX асрнинг охиридан бери биринчи марта савдо балансининг сальдоси манфий бўлди. 1971 йилнинг декабрида АҚШ ҳукумати олтиннинг расмий нархини 1 троя унциясига 35 оллардан 38 долларга кўтаришга рози бўлди, бу эса долларнинг кадри 7,89 % пасайганини англатади; 1973 йил долларнинг иккинчи девальвацияси ўтказилди - 10 %.

1970-йилларнинг охирларида аҳоли киши бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми бўйича АҚШ дунёда биринчи ўриндан еттинчи ўринга тушиб қолди; меҳнат маҳсулдорлиги ва доллар курси пасайишда давом этди, инфляция суръати 18%гача ўсди, ишсизлик 7%ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларнинг шу қадар ёмонлашуви, америкалик ва бошқа иқтисодчиларнинг фикрича, америка иқтисодиёти меҳнат маҳсулдорлиги ва реал даромадларнинг сезиларли ўсишини таъминлашга қодир эмаслигидан далолат берган.

Нобель мукофоти лауреати М.Фридман қуйидаги бирламчи аҳамиятга эга вазифаларни белгилаб берди: меҳнат маҳсулдорлигини ошириш; ҳукумат харажатларини иқтисодий жиҳатдан маъқул келадиган даражагача пасайтириш; энергетика инқирозини ҳал қилиш; риск билан боғлиқ техник янгиликлар киритиш учун қулай шароитлар яратиш; инвестицияларни ошириш. Фридманнинг фикрича, кўрсатилган мақсадларга эришишнинг зарур шарти қисқа муддат инфляцияни пасайтиришнинг ёндош маҳсули сифатида ишсизликка йўл қўйган ҳолда инфляцияни суръатини қисқартириш ҳисобланади. Монетарист Фридманнинг тавсиялари АҚШ иқтисодиётини таркибий қайта қуриш бўйича давлат сиёсатига асос бўлди.

АҚШ иқтисодиётини кенг кўламда модернизациялашга энергетика инқирози сабабчи бўлган эди. Айнан шунда ишлаб чиқариш, энергияни ўзгартириш, узатиш ва фойдаланиш соҳаларида энергия тежайдиган

технологияларни оммавий равишда жорий қилиш инвестиция сиёсатининг бош йўналишига айланди. Инвестиция жараёнлари биринчи навбатда қиммат ёқилғига мослашиши зарур бўлган тармоқларга дахлдор бўлди. Америка иқтисодиётини узоқ муддатли таркибий қайта қуриш жараёни 1977-1979 йиллардаги кўтарилиш босқичида бошланди ва 1980-1982 йиллардаги инқироздан сўнг сезиларли даражада тезлашди.

1980-йилларда иқтисодиётга киритилган хусусий ишлаб чиқариш инвестициялар ҳажми, турар жойлар қурилишини истисно қилганда учдан бирга ўсди, машина ва асбоб-ускуналарга инвестициялар 1,5 барабар ўсди, хусусий инвестициялар меъёри 16-17% даражада сақланиб турди, техника, ахборотни қайта ишлаш ва саноат қурилмаларига инвестициялар тезроқ ўсди. 1980 йилнинг бошида қайта ишлаш саноатида мавжуд бўлган ишлаб чиқариш фондлари қиймати бўйича 83% га, бутун иқтисодиётда эса – 45%га янгиланди. Базавий тармоқларни модернизациялаш билан бирга ишлаб чиқариш ва бошқарувни рационаллаштириш, таркибий қайта қуриш кузатилди. Маҳсулот бирлигига меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари 3,2% пасайди, меҳнат маҳсулдорлиги эса 27,6% ўсди.

1980-йилларда кенг миқёсда меҳнатни қайта қуроллантириш амалга оширилди, унинг самарадорлик ва маҳсулдорлик борасида сифат жиҳатидан янги даражасига эришилди. Моддий ва номоддий ишлаб чиқариш (хизматлар) ўртасида буларнинг кейингиси фойдасига қайта тақсимлаш ўтказилди, чунки кўп илм талаб қиладиган техникаларнинг асосий оқими хизматлар соҳасига йўналтирилган. 1980-1987 йилларда молия ва савдо соҳасида асосий капитал қарийб 60%, ишбилармонлик хизматларида — 80%дан ортиқ ўсди. Натижада асосий капитал ҳажмида хизматлар улуши 1987 йилда 65%, бандликда — 74%, ЯИМда — 68%гача кўтарилди. Хизматлар соҳасининг моддий ишлаб чиқаришдан устун келиши америка иқтисодиётининг барқарорлигини оширди.

1980-йилларда янги авлод маиший техникаларининг кенг тарқалиши асосида узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларини оммавий

равишда янгилаш кенг тарқалди. Ўн йиллик мобайнида 1980 йилдан кейин аҳоли тасарруфида бўлган узоқ муддат фойдаланиладиган предметларнинг қиймат ҳажми 70%га, маиший электрон аппаратура парки 80% янгиланди. Истеъмол талаби АҚШ хўжалик ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч сифатида муҳим роль ўйнади.

ЯИМ ўртача йиллик ўсиш суръати 3,7%га тенг бўлган 1992-2001 йиллардаги иқтисодий ўсиш даврида истеъмол талаби муҳим роль ўйнашда давом этди. 1997-2000 йилларда истеъмол харажатлари ўртача ҳисоблаганда йилига 4,7% ўсиб борди. Аҳолининг тўлов лаёқати катта бўлган талаби истеъмол нархларига нисбатан шахсий даромадларнинг тезроқ ўсиши билан, шунингдек, АҚШ оилаларининг ярми эгалик қилган акциялар қийматининг катор йиллар давомида барқарор ўсишида ссуда фойзининг пастлиги билан изоҳланади. 1990-йиллардаги иқтисодий кўтарилиш янада кўпроқ замонавий компьютер техникалари асосида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш фаол жараёни билан изоҳланадиган инвестицион талабга асосланади.

Жадвал 9.1.

Йирик ривожланган бозорларга эга мамлакатлар капитализацияси динамикаси, (млрд.долл.)

	1994	1996	1998	2000	2002	2004	2006
АҚШ	4150	6900	10500	11800	9100	12700	14100
Япония	3800	3200	2300	3200	2050	3800	5100
Б.Британия	1650	1800	2200	2250	1900	3000	3200
Канада	950	1200	2000	2100	1800	2300	3100
Euronext					750	850	1010
Германия	550	600	1000	1100	650	1300	1400
Швейцария	250	300	450	700	500	750	1100
Италия	200	250	430	700	480	730	1000

Манба: WFE маълумотлари асосида тахминан ҳисобланган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1994-2006 йиллар мобайнида АҚШда капитализация даражаси 3,4 марта, Японияда 1.4 мартага ўсганлигини, Германияда эса 2,6 мартага ошган.

Япония иқтисодиёти қуйидаги омиллар асосида тез ривожланди: арзон, яхши ўқитилган ишчи кучи, хомашё ва ёқилғи импорти, янги технологиялар импорти, жамғармалар меъёрининг юқорилиги сабабли ички жамғариш манбаларининг етарлилиги, паст ставкалар бўйича капитал қўйилмалар банк молиялаштириш механизмларининг яхши йўлга қўйилганлиги ва б. Мамлакат бюджети профицитга келтирилган, ҳукумат 1968 йилгача ички қарзлардан фойдаланмаган. Япония катта миқдорда ташқи қарзларга эга бўлмаган, у фақат Жаҳон банкининг мақсадли заемларини олган, холос. Норезидентларнинг ички бозорга кириши барча ташқи алоқалар устидан валюта назоратида чекланган.

Юқори суръатда ривожланиш даври Японияда замонавий ўрта синф вакиллари шакллантирди, чунки бу жараён билан бир пайтда кичик корхоналар, ёлланма ходимлар сони ва уларнинг даромадлари (йилига 10%) ўсиши кузатилди. Жами талабнинг асосий таркибий қисми ЯИМ ўсишининг 60%ини таъминлаган аҳолининг шахсий истеъмол харажатлари бўлди; иқтисодий ўсишга ЯИМнинг 30%и сарфланди, жумладан, 20%га яқини ишлаб чиқариш қурилиши ва асбоб-ускуналарга инвестицияларга сарфланди. Ўсишни жорий ҳисоб-китоблар бўйича тақчиллик тўхтатиб турди.

1970-йилларда Япония иқтисодиётининг ўсиш суръати икки барабар пасайди; ишчи кучи янги ресурсларини жалб этиш ва саноат маҳсулотлари твар номенклатурасини янгилаш йўли билан экстенсив ўсиш захиралари тугади. Капитал қурилиш экологик қийинчиликлар туфайли қимматлашиб кетди, янги иш ўринларини асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш харажатлари ва иш ҳақи даражаси ошди. Япония иқтисодиёти жамғариш меъёри юқори (ЯИМ 30%идан кўп) бўлган капитал сиғими катта интенсив ўсиш йўлига турди. Саноат тобора кўпроқ кўп илм талаб қиладиган тармоқларга, аввало, электрон машинасозликка эътибор қарата бошлади.

Япон банклари ликвидли чет эл маблағлари катта оқимини олдилар ва бу маблағлар фойданинг пастлиги ва иш ҳақининг баландлиги туфайли ишлаб чиқаришга эмас, балки “совун пуфаги иқтисодиёти”га – акциялар ва

кўчмас мулк билан чайқов битимларига киритилди. 1990 йил “пуфак” ёрилди, акциялар ва ер майдонларининг нархи пасайиб, банкларга корпоратив қарзлар йиғила бошлади, чўзилиб кетган структура инқироzi вужуда келди. 1991-2001 йилларда ЯИМ ўртача йиллик ўсиш суръати 1,1%гача пасайиб кетди; 1992-1993 ва 1998 йилларда ЯИМ ўсишининг манфий кўрсаткичлари кузатилди.

2002 йилга келиб Япониянинг ялпи давлат қарзи ЯИМнинг 150,9% игача кўтарилди. Япония иқтисодиёти мураккаб иқтисодий ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Мамлакатга ривожланган мамлакатлар ўртасида энг юқори жамғариш меъёрини таъминлаб келган миллий инвестициялаш тизими ишдан чиқа бошлади. Америкалик иқтисодчиларнинг фикрича, Япония узок йиллар давомида банк фоизлари инфляциянинг ўсиш суръатига тенг бўлган инвестициялашнинг идеал вариантыни амалга оширишнинг устидан чиқиб келган. Бунга хизмат қилган давлат кафолатлари тизими хуссий банкларни молиявий инқироздан тўлиқ суғурталашни таъминлаган ва уларга саноат компанияларини кредитлаш учун бошқа мамлакатлар амалиётида қабул қилинганидек захира қолдириб ўтирмасдан барча нақд пул фондларидан фойдаланишга имкон берган.

Японияда бундай вазиятнинг юзага келишига истеъмом кредити сустривожланган ҳолда аҳолининг банклардаги жамғармалар даражаси юқорилиги сабаб бўлган деб ҳисобланади. Бундай ҳолатда қўйилма киритувчилар камдан-кам ҳолларда банкдан ўз қўйилмаларини қайтариб олади ва пуллар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилади. Бундай инвестициялаш тизими Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам шаклланган бўлиб, муваффақиятли ишлаб келган, бироқ 1997 йил “ёмон қарзлар” юкини кўтара олмаган.

Халқаро савдо бир хил номли маҳсулотларни қарама-қарши айирбошлаш ҳисобига ҳам кенгаймоқда. Халқаро меҳнат тақсимоти, айирбошлашни эркинлаштириш, интернет-савдони ривожлантиришдаги жиддий ўзгаришлар жаҳон хўжалик алоқаларида мамлакатларни илгари

кузатилмаган даражада жалб этишга олиб келди. Миллий иқтисодиётларнинг ташқи савдо квотасининг жаҳон ЯИМга фоиздаги нисбати билан белгиланадиган очиклик ва боғлиқлик даражаси 1950 йилдаги 8%дан 2000 йилда 22%гача ўсди. Халқаро товар оқимлари молиявий ресурслар ва хизматлар айирбошлаш билан биргаликда кузатилаётган бўлиб, улар миллий хўжаликларни тобора кўпроқ бир-бирига боғламоқда ва уларни бир-бирига қарам қилиб қуймоқда.

Мавзу бўйича таянч сузлар:

очик иқтисодиёт стратегияси, ўрта
синф вакиллари, ташқи кризислар,
истеъмол кредит

давлат протекционизми, “янги
иқтисодиёт”, ташқи сиёсат,
интернет-савдо

Мавзу бўйича саволлар

1. Молиявий ҳавфсизликка даҳл солувчи ташқи ҳуружлар
2. Молиявий ҳавфсизликка даҳл солувчи ички ҳуружлар
3. Молиявий ҳавфсизликка даҳл солувчи ҳуружлар таъсирини пасайтириш
4. Молиявий ҳавфсизликни ҳуружлар бартараф этиш масалалари

Х Боб. Ўзбекистоннинг молиявий хавсизлиги масалалари

10.1. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий стратегик ривожланиши модели – давлатнинг молиявий хавсизлигини таъминловчи механизм.

10.2. Ўзбекистон иқтисодиётининг ташқи хуружлар шароитидаги ривожланиш тажрибаси.

Глобал таъсирнинг глобаллашув жараёнлари асосини ташкил қилувчи омиллари орасида кўплаб мамлакатларнинг ўз суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини йўқотишга олиб келган омиллар ҳам бор. Бошқа томондан қараганда, айтиш мумкин бу омиллар жаҳондаги бутун бошли минтақаларнинг ривожланишига ёрдам берди.

Ҳозирги шароитдаги иқтисодий ўзгаришлар давомида миллий ривожланишнинг устун жиҳатларини йўқотмаслик учун иқтисодий хавфсизлик талабларини инобатга олиш нисбатда муҳим бўлиб бормоқда.

Жаҳон иқтисодий ривожланишининг глобаллашуви туфайли юзага келаётган асосий муаммо шундаки, суверенитет ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш билан бир вақтда ташқи иқтисодий фаолиятдан фойда олиш масаласини ҳал қилиш мураккаблашиб бормоқда. Одатда кўпчилик икки қутбдан бирини танламоқда, яъни мустақилликнинг кучайиши аҳолининг моддий ҳолати ёмонлашувига олиб келмаслиги учун хўжаликдаги суверенитетни бой беришга тўғри келмоқда. Табиийки, мазкур жараёнларнинг таъсири барча миллий иқтисодиётлар учун бир хил эмас. Уларнинг айримлари иқтисодий ривожланишнинг жадаллашувига ёрдам беради, бошқалари эса, аксинча, мамлакатнинг ўзидаги ишлаб чиқарувчиларининг фаолиятини чеклайди, уларнинг қолоқлик даражасини кучайтиради ва уларни нафақат жаҳон бозоридан, балки ички бозордан ҳам сиқиб чиқаради.

Шу боис жаҳон жамоатчилиги савдо эркинлиги принципларини гўёки қўллаб-қувватлаётгандек кўринса ҳам, жаҳондаги деярли барча мамлакатлар протекционизм чораларини фаол қўллашда давом этмоқдалар. Иқтисодий

хавфсизлик эса, мутахассислар таъкидлаганидек, савдо эркинлиги ва протекционизмни иқтисодиётнинг тузилишига боғлиқ равишда мақбул тарзда уйғунлаштириш билан белгиланади.

Маълумки, очиқ иқтисодиёт - бу ташқи иқтисодий алоқаларга киришган, уларнинг афзаллигига таяниб ривожланиб боровчи иқтисодиётдир.

Миллий иқтисодиётнинг очиқлиги ҳозирги замон бозор ривожланишининг асосий принципларидан биридир. Бу принцип амал қилган шароитда кўпчилик ишлаб чиқарувчилар ташқи иқтисодий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлиб қолишлари туфайли, иқтисодий хавфсизликнинг ушбу жиҳати ниҳоятда кенг тарқалади.

Шу боис миллий иқтисодиётнинг очиқлиги масаласини бозорга ўтиш моделининг моҳияти билан биргаликда кўриб чиқиш лозим.

Аввало шуни таъкидлаш зарурки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бошқа мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйишнинг бир қатор асосий принциплари ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этиб борилди. Ташқи иқтисодий фаолиятида ташкил қилишнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўзаро фойдалилик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик принциплари энг муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон бирор-бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаслик ва ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда дунёдаги барча мамлакатлар билан, уларнинг мафкуравий қарашлари қандайлигидан қатъий назар, ўз муносабатларини мустақил белгилаш йўлини тутмоқда.

Шу асосда мамлакатимиз ўзаро фойдали алоқалар, икки томонлама ва кўп томонлама шартномавий муносабатлар, жумладан, Ўзбекистон кирган ва фаол иштирокчисига айланган халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлидан борди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон суверен давлат сифатида очиқ иқтисодиётни шакллантириш йўлида фаол иш олиб бора бошлаганлиги ҳақида гапириш имконини беради. Бунда очиқ турдаги иқтисодиётни

шакллантиришнинг асосини мамлакатнинг дунё хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг иштирок этиши ташкил этади.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатимизни модернизация этиш ижтимоий манфаатларни қондиришга қаратилган бозор иқтисодиётини шакллантириш борасидаги чораларни изчил амалга ошириш бозор иқтисодиёти очик хусусиятга эга бўлган, бошқалардан ажралиш ва алоҳидаланиш билан келиша олмайдиган эркин иқтисодиёт эканлиги ҳақидаги қоидага асосланади. Шу боис мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиб боргани сари миллий иқтисодиётнинг очиклиги ҳам яққол тус олиб бориши керак.

Ҳозирги вақтда очик иқтисодиёт берадиган афзалликлар хилма-хилдир. Ўзбекистон очик миллий иқтисодиётнинг қуйидаги афзалликларидан баҳраманд бўлади.

Биринчидан, мамлакат жаҳон меҳнат тақсимоти афзалликларидан фойдаланиб, ўзининг миллий ишлаб чиқаришини реал имкониятларидан ортиқ даражада ўстириш имконига эга бўлади. Бунда ташқи иқтисодий алоқалар иқтисодий ўсишнинг муҳим интенсив омили вазифасини бажара бошлайди.

Иккинчидан, жаҳон хўжалиги билан алоқага киришиш бозорнинг ҳозирча бизда ожиз бўлган ёки умуман мавжуд бўлмаган механизмлари ва институтларини жадал ривожлантиришга имкон беради. Булар—мукамал рақобатли муҳит, фонд бозори, кредит бериш ва суғурта қилиш. Бундай ривожланиш ҳақиқий кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланишига ёрдам беради, Ўзбекистон билан қолган дунё ўртасида иқтисодий тизимдаги асосий фарқларни бартараф этади.

Учинчидан, МДХ давлатлари ўртасида шаклланаётган янги иқтисодий муносабатлар тизими доирасида тижоратчилик қоидаларининг юзага келиши ташқи савдонинг самарадорлигини оширди.

Тўртинчидан, МДХ бозорида эҳтиёжлар ва ресурсларнинг янги мувозанатини ҳисобга ола туриб, миллий манфаатларга жавоб берувчи

мустақил таркибий ўзгаришларни ўтказиш имконини беради. Ўзбекистоннинг экспортида хом-ашё улушининг аста-секин камайиши ҳамда қўшимча ишлов бериш эвазига анча юқори нархдаги тайёр маҳсулот улушининг муттасил ошиб бориши республиканинг янги ташқи иқтисодий ихтисослашувини шаклланишига имкон яратади.

Бешинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятнинг эришилган даражасида Ўзбекистон халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларда иштирок этиб, ўзининг иқтисодий манфаатларини амалга ошириш имконига эга бўлади.

Очиқ иқтисодиёт глобаллашув талабларига мос келсада, ички қарама-қаршилиқлар бирлигини ҳосил қилади. Очиқлик қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётнинг ташқи кучларга тобелиги шунчалик ортади. Натижада такрор ишлаб чиқариш ва таркибий тузилишларни жиддий ўзгартиришга тўғри келади. Шу боис уни бозорга ўтишдан иборат мураккаб ва қийин даврда барча офатларнинг олдини олувчи восита деб талқин этиб бўлмайди. Гап шундаки, ҳозир Ўзбекистон саноати умуман халқаро рақобатга тайёр эмас. Ҳозирча импорт мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни "енгмоқда", истеъмолнинг қарор топаётган ўзига хос "космополитик моделида" эталон вазифасини бажармоқда.

Ўзбекистон очиқ иқтисодиёт шароитида жаҳон хўжалиги цикллариининг бевосита таъсирига дуч келади. Бунинг устига, экспорт маҳсулотлари асосан ашёлардан иборат, жаҳон хўжалик циклларига мослашиши қийин кечади.

Илмий адабиётларда очиқ иқтисодиётнинг моҳияти ҳақидаги масала қўйилаётган илмий ишлар ҳали кам. Шу сабабли кўриб чиқилмаган масалалар, жумладан республикамизнинг экспорт салоҳиятини баҳолаш, унинг даражасини белгиловчи омилларни, экспортни тартибга солиш механизмининг ташқи омилларини тавсифлаш, уларни инобатга олиб такомиллаштириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон иқтисодиётининг очиқлик даражаси иқтисодий ўсишининг ташқи омилларига қанчалик тўғри келиши масаласи ишлаб

чиқилмаган. Жаҳон хўжалигига интеграциялашувнинг энг истиқболли ва мақбул йўналишини белгилаш зарурати ҳам бор. Ҳозир очиқ миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги билан боғланиши товарлар, иш кучи ва капиталнинг эркин ҳаракати орқали амалга оширилади. Бозор тизимига ўтишда иқтисодий ўсишнинг ташқи манбалари ички манбалари билан бир қаторда тургани учун ёш мамлакатлар муқаррар равишда байналмилаллашув жараёнига кириб боришлари керак бўлади.

Очиқ иқтисодиётнинг жиддийлиги шундаки, бу миллий иқтисодиётни ташқи дунё учун очишни ҳам, ташқи омилларнинг салбий таъсиридан уни химоя қилишни ҳам билдиради. Бинобарин, иқтисодиётнинг "очиқлиги", бир томондан, бошқаларга боғлиқликни ва ўзгалар таъсирига берилишни билдиради; айти пайтда миллий хўжаликлар ўзаро қўшилиб кетган шароитда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммосини келтириб чиқаради.

Очиқ иқтисодиёт мазмуни билан боғлиқ муаммоларга бундай ёндашув шароитида у миллий хўжалик учун умуман бирор-бир афзалликка эгами ёки бу хўжаликнинг байналмилаллашуви ортиб борган сари юзага келадиган объектив заруратки, деган масала номаълумлигича қолмоқда. Умуман олганда, ушбу зиддият иқтисодий хавфсизлик муаммоларини кучайтиради."

Очиқлик даражаси Мамлакатда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги билан боғлиқ бўлади. Акс ҳолда сохта очиғлик шаклланади, натижада бу иқтисодий хавфсизлик даражасининг амалда пасайишига олиб келиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун очиқ иқтисодиёт таркибини янгилашга тўғри келади.

Жаҳон амалиётида иқтисодиёт таркибини қайта қуришнинг икки варианты аниқ кўзга ташланади. Биринчиси, бунда таркибий ўзгариш асосан бозор кучларига (АҚШ, Англияда) таянади, иккинчиси, бунда давлатнинг оз ёки кўп даражада қаттиқ тартибга солишига таянади (Ғарбдаги айрим давлатлар, Япония, Туркия, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатларнинг кўпчилигида).

Аммо айрим муаллифлар Марказий Евроосиё давлатларида бозор

иқтисодиёти учун зарур бўлган шароитлар (биринчи навбатда, бозор инфратузилмаси) ҳозирча нафақат шаклланмади, балки илгари республикалар ўртасида бўлган кўплаб алоқаларнинг ҳамда товар айирбошлашни натураллаштириш тамойилларининг узилиши натижасида янада ноқулай бўлиб қолди, деган хулосага келганлар.

Шу боис масала минтақа давлатлари иқтисодиётини тузилмавий қайта қуришни бозор ўз-ўзича ҳал қиладими ёки давлат буни уддасидан чиқадими, тарзида қўйилмоқда. Бизнингча, бозор кучлари ресурсларни янги соҳаларга дарҳол юбора олмайди. Бунга йўл берилса, янги тузилмаларни шакллантириш вазифалари ниҳоятда қийин ҳал бўлади. Ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва унинг сифатини ўзгартириш учун ниҳоятда катта маблағ, жумладан, хорижий капитални жалб қилиш керак бўлади. Бозор механизми буни амалга ошириши учун кўп вақт талаб қилинади. Шу сабабли айтилган ишлар Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти давлатлари доирасида ҳам муайян марказлашувни талаб этувчи сиёсат орқали амалга оширилиши мумкин.

Бироқ кўпчилик ишлаб чиқаришнинг давлатга қарашли бўлмаган мулкка асосланганлигини инкор этмаган ҳолда, таркибий тузулмани янгилашда давлатнинг фаол иштироки зарур деб ҳисобланиш керак, чунки шундагина иқтисодий хавфсизликни изчил равишда амалда мустаҳкамлаш мумкин бўлади, деб ўйлаймиз.

Очиқ иқтисодиётнинг яна бир таркибий қисми ташқи иқтисодий фаолиятдир. Ташқи иқтисодий фаолиятни амал қиладиган алоқалар ва иқтисодий манфаатлар орқали кўриб чиқиш уни очиқ иқтисодиёт муаммолари орқали боғлаш имконини беради. Очиқ иқтисодиёт бозор механизмига таянар экан, иқтисодий манфаатларни уйғунлаштирган ҳолда ташқи алоқаларни кенгайтириш мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг миқёси, ҳажми ва самарадорлиги турли мамлакатларга тегишли бўлган фирма, ташкилот, акционерлик жамиятлари ҳамкорлигининг ташқи савдо, қўшма тадбиркорлик, илмий ва техникавий каби ҳамкорлик шакллари манфаатларга риоя этган ҳолда юзага чиқаради.

Шу боис давлат органлари, давлатга қарашли бўлмаган миллий ва халқаро ташкилотлар ташқи иқтисодий алоқаларга мослашишга катта эътибор берадилар. Бундай тартиб кўп жиҳатдан миллий иқтисодиётнинг либераллашуви ва очиқлик даражасини белгилаб беради.

Давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиши мамлакатнинг чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарасини ошириш ва истеъмолнинг тузилишини мақбуллаштириш мақсадида, халқаро меҳнат тақсимоотида мамлакат иштирокини чуқурлаштириш ва кенгайтириш борасидаги чоралар орқали юз беради.

Бунда давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиши фақат маъмурий усуллар билан эмас, балки пул, кредит, бюджет маблағлари ёрдамида ҳамда иқтисодиётнинг давлат секторига таяниши эвазига амалга оширилганда натижа беради.

Ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш охири-оқибатда улар давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини қўллаб-қувватлаган тақдирда, иқтисодий субъектларнинг барча турдаги манфаатларини мақбул тарзда амалга оширганда натижа беради.

Халқаро иқтисодий алоқаларни тартибга солиш механизми ташқи иқтисодий фаолият субъектлари киришадиган муносабатларни бошқариш принциплари, воситалари ва усуллариининг муайян тизимидир. Ушбу тизимга ўрта асосий блок кирилади: бошқарув принциплари; тартибга солишнинг аниқ усуллари ва воситалари мажмуи; институционал ва ҳуқуқий тузилмалар.

Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш принциплари халқаро иқтисодий муносабатларга ёндашув хусусиятини акс эттиради. Халқаро ҳамкорликда ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш шакллариини белгиловчи иккита асосий принцип фарқланади: протекционизм ва савдо эркинлиги (ёки фриттгарлик).

Одатда давлатнинг тартибга солишида қўлланиладиган муайян иқтисодий усуллар ва воситаларнинг мажмуи қуйидагиларни ўз ичига олади: божхона тарифлари; экспорт ва импорт квота ва лицензиялари; субсидиялар;

валюта курслари; экспорт-импорт товарларига нарх белгилаш тизими.

Институционал ва ҳукукий тузилмалар халқаро иқтисодий ҳамкорликни тартибга солувчи турли хил халқаро ва миллий ҳужжатлар, шартномалар, битимлар, нормалар, қоидалар, одатлар кабилардан ташкил топади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш механизмининг муҳим шарти иқтисодиётнинг очиклиги бўлиб, бу турли мезонлар ёрдамида баҳоланиши мумкин. Аммо улар орасида энг муҳими мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг кучайиши ёки сусайиши бўлиши керак.

Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш механизми, албатта, иккита ўзаро боғлиқ элементдан - миллий ва халқаро тартибдан иборат бўлади. Ҳозирги вақтда халқаро қоидалар ҳўжалик ривожланишининг глобаллашуви сабабли жуда либерал тус олмоқда. Шу боис, агар миллий режим халқаро режимга қараганда қаттиқроқ бўлмаса, миллий манфаатни ҳимоя қила олмайди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш жараёни тугашига ҳали анча бор. Шу боис давлат бошқарувининг энг муҳим функцияси, иқтисодий хавфсизлик талабларини инобатга олган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиб туришдан иборат.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг экспортга йўналган тузилишини шакллантириш муаммоларига катта эътибор берилмоқда. Бунинг боиси шундаки, жаҳон иқтисодий тизимининг глобаллашуви ҳозирги жаҳон ривожланиш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Ўзбекистон эса унга мослашиши зарур.

Келажакда мамлакатимиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларга глобаллашув жараёни юзага келтирадиган қуйидаги эҳтимол тутилган хавф-хатарлар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин:

- Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларида экспорт субсидияларидан фойдаланишдаги чеклашлар, инвестиция фаолиятида ажнабийларни

камситишни тақиқлаш, экспорт ва импорт учун албатта лицензия олишга мажбур этиш, саноат молларига катта импорт тарифлари қўйишга йўл қўймаслик;

- савдо ва капитал оқими эркинлиги, халқаро ташкилотлар томонидан молиявий очиклик бўйича қўйиладиган талабларнинг кучайтирилиши, шунингдек хорижий капиталнинг катта миқдорда кириб келиши туфайли беқарорлик хавфининг ортиши, мамлакатда барқарор ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни таъминлашга алоҳида талаблар;

- барча ривожланаётган мамлакатлар ўртасида бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш учун рақобатнинг кучайиши натижасида жаҳон тараққиётидан четда қолиш хавфи, интеллектуал мулкни ҳимоялаш борасидаги халқаро ҳуқуққа риоя этиш талабининг кучайиши муносабати билан Ғарб технологияларидан нусха қўчириш имкониятларининг камайиши, мамлакат ташқи қарзининг ўсиш хавфи.

10.2. Ўзбекистон иқтисодиётнинг ташқи хуружлар шароитидаги ривожланиш тажрибаси.

Глобаллашувнинг Ўзбекистон учун туғдираётган асосий хавфи халқаро қоидалар ва нормаларга мослашиш чораларини муваффақиятли ва ўз вақтида қўллаш, мамлакатнинг халқаро савдода муваффақиятли рақобатлашувини таъминлаш, хорижий капитални жалб этиш, халқаро муҳитдаги ўзгаришларга тез ва тўғри жавоб беришига тўғри келишида намоён бўлади. Буни фақат экспортга йўналган ривожланиш орқали бажариш мумкин. Бунинг учун Ўзбекистон икки гуруҳ чекловларни ташқи талаб, экспорт бозорларидан фойдаланиш имконияти ва уларнинг конъюнктураси билан боғлиқ бўлган ташқи чекловларни ҳамда давлатнинг иқтисодиётини тартибга солиши билан боғлиқ ички чекловларни бартараф этиши зарур.

Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолият билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган бир қатор салбий омилларнинг тугатилишини таъминлаш ва уларнинг либерал шароитларда сақланиб қолишига йўл қўймаслик зарур.

Бундай камчиликлар орасидан республикаимиз олимлари, жумладан куйидагиларни ажратадилар.

Биринчидан, кичик ва ўрта бизнесда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларни сотиб олиш учун валюта ресурсларини беҳуда сарфлаш. Уларнинг имкониятидан экспортни ошириш учун етарлича фойдаланмаслик ҳам шу билан боғлиқ. Валютанинг иккита курсга эга эканлиги ва бундан келиб чиқувчи оқибатлар мамлакат бюджетига ва ташқи савдо балансида зўриқиш келтириб чиқаради, кичик ва ўрта бизнеснинг маҳсулотни расмий курс бўйича экспорт қилишдан манфаатдорлигини сусайтиради. Экспорт қилинадиган товарларга миллий валютанинг бозордаги курсини инобатга олган ҳолда нарх белгилаш ҳақиқий баҳонинг ошиб кетишига олиб келади ва уни ташқи бозордан рақобатга дош бераолмайдиган қилади. Хорижий валютани мамлакатга олиб келиш ва бозор курсига алмаштириш ҳам республиканинг манфаатларига муайян даражада зарар етказади. Шу сабабли валюта курси барқарорлаштирилди, натижада валюта хавфи камайди.

Иккинчидан, аслида ўша кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган давлат маблағларини ва бошқа ресурсларни ғайриқонуний ўзлаштириш мақсадида амалга ошириладиган сохта тадбиркорлик бор. Бу молиявий ва моддий ресурсларни фойдали ишлардан ажратиб қўяди ва жиноий ҳолатни юзага келтиради, порахўрликка олиб келади, ҳисоботни бузиб кўрсатади, иқтисодий вазиятни таҳлил қилишни ва уни яхшилашга қаратилган тўғри қарорлар қабул қилишни қийинлаштиради.

Шундай қилиб, бозор ислохотларининг ҳозирги босқичида ташқи иқтисодий муносабатларнинг янада эркинлаштирилиши, миллий иқтисодиётнинг очиклигини ривожлантириш борасида айтилган муҳим жиҳатларни инобатга олиши шарт. Очиклик ички иқтисодий эркинликлардан қилиб чиқади. Шу сабабли Ўзбекистон учун устувор вазифа "бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат".

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг юқорида кўрсатилган жиҳатлари инобатга олинганда мулкӣ ҳуқуқ мустаҳкамланади.

Рональд Коуз назариясига кўра, мулкӣ ҳуқуқлар одамлар иқтисодий бойликлардан фойдаланишлари борасида юзага келадиган, рухсат этилган ҳуқуқвор муносабатларидир. Мулкӣ ҳуқуқларга спецификация (қўшиш йўли билан мустаҳкамлаш) ва ювилиш (ажратиш) йўли билан сусайтириш жараёнлари. Ушбу жараёнлар трансакцион харажатлар билан боғлиқ.

Трансакцион харажатлар - айирбошлаш соҳасида мулкӣ ҳуқуқларни топшириш билан боғлиқ харажатлар. Ушбу харажатларнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат: 1) ахборот излаш билан боғлиқ харажатлар; 2) музокаралар олиб бориш ва контрактлар тузиш билан боғлиқ харажатлар; 3) ўлчаш (аввало, сифатини аниқлаш) билан боғлиқ харажатлар; 4) спецификация ва мулкӣ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатлар; 5) бузғунчилик хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ харажатлар.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви трансакцион харажатларнинг ортишига олиб келади. Иқтисодий алоқаларда контрактларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

1) классик контракт - битим шартларини қатъий тарзда қайд этадиган ва уларнинг бажарилмаганлиги учун жазоларни назарда тутадиган мавжуд юридик қоидаларга асосланган контракт.

2) янги классик контракт - битимнинг барча оқибатларини олдиндан кўриш имкони бўлмаган ноаниқ шароитда тузиладиган узоқ муддатли контракт. Бу кўпроқ шартнома "руҳи унинг "ҳарфи"дан устун турадиган ҳамкорлик принциплари ҳақидаги шартномадир.

3) имплицит (муносабатга оид) контракт - норасмий шартлар расмий шартларга қараганда кўпроқ бўлган узоқ муддатли контракт.

Контрактларнинг охириги тури - имплицит контрактлар иқтисодий ҳавфсизлик даражасини пасайтирувчи муҳим омил ҳисобланади, чунки ҳар қандай имплицит чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш талабларига зид келади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг очиқлик даражасини ошириш жараёнида унинг иқтисодий ҳавфсизлигига яширин, имплицит манфаатларнинг кучайиши шаклидаги таҳдидлар юзага келади. Бу нафақат Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий маконига қўшилишига салбий таъсир кўрсатади, балки хуфий иқтисодиётни ривожлантириш омили ҳам бўлади.

Шундай қилиб, давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятнинг тартибга солиш борасида кўрадиган чоралари мавжуд ресурслардан фойдаланиш йўналишлари борасида қарорлар қабул қилишнинг имплицит таркибий қисмларини пасайтирадиган воситалари ва тариф чораларининг миқдорий кўрсаткичларига қаратилмоғи керак.

Мавзу бўйича таянч сузлар:

савдо эркинлиги принциплари,
мафкуравий қарашлар, очиқ миллий
иқтисодиётнинг афзалликлари,
ташқи иқтисодий муносабатларни
бошқариш принциплари,
трансакцион харажатлар шакллари,
янги классик контракт

мамлакатларнинг ички ишларига
аралашмаслик принципи,
"космополитик модели",
минтақа давлатлар иқтисодиёти,
тартибга солишидаги иқтисодий
воситаларнинг мажмуи, имплицит
контракти

Мавзу бўйича саволлар

1. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий стратегик ривожланиши модели
2. Ўзбекистон давлатнинг молиявий ҳавфсизлигини таъминловчи механизм
3. Ўзбекистоннинг молиявий ҳавфсизлиги индикаторлари
4. Ўзбекистон иқтисодиётининг ташқи ҳуружлари
5. Ўзбекистон иқтисодиётининг ташқи ҳуружлар шароитидаги ривожланиш тажрибаси.